

496
1984/11



ГУЛИСТОН
11
1984

302
№2



Наманган область касалхонаси қошидаги тез ёрдам хизмати бўлимнинг ҳамшираси Г. Холдорова.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси
(ЎзТАГ)


Социалистик Вьетнам Республикаси Қаҳрамони, Вьетнам армияси капитани Доан Тхи Ань Туэт Фарғона районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номидаги колхоз қиз-жувонлари даврасида.

Ш. Алимов фотоси

(ЎзТАГ)



Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг пленими тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ



1984 йил 23 октябрда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленумни очиш вақтида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко катта нутқ сўзлади.

Пленум «Мамлакатнинг озик-овқат фондини муттасил ошириб бориш мақсадида узоқ муддатли мелиорация программаси, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида» ги масалани кўриб чиқди. Шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов доклад қилди.

Музокараларда КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари В. К. Гусев, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. На-

зарбоев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. Н. Слюньков, Ставрополь ўлкаси, Степнов районидаги «Путь к коммунизму» колхозининг раиси Н. Д. Терешченко, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Гроссу, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари Г. П. Разумовский, РСФСР қишлоқ хўжалиги министри В. П. Никонов, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Н. Ф. Аксенов, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. Гришкявичус қатнашдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг пленими қарор қабул қилди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Шу билан Пленум ўз ишини тамомлади.

МЕХНАТ ШАРАФИ

ҲОРМАСИН

БУ

ҚўЛЛАР!

Бу қўллар —
кўп забардаст, эпчил қўллар;
Бу қўлларки,
тинчликнинг байроғини
Қарсақ чалиб олқишлар
ва қўллар.
Ғолиблиқдир бу қўлларнинг хунари,
агалари сингари.

Бу қўлларки,
дўстларга мактуб ёди;
У не қутлуг қоғоз-ди!
Бу қўлларки,
душманга қабр қазди:
У меҳнат ҳам кўп соа-ди!

Бу қўлларки
машиналар юргизар,
ўлик чўли тиргизар;
Бу қўлларки,
кошоналар куради,
тоғлар тўшин ёради,
пўлатни эритади,
соада нохун чертади,
тўқайларни куритар,
боғ — гулистон яратар.

Бу қўл —
пахтамининг чигитини тупроққа экиди бу қўл,
Партияга ёзилган
у садоқат хатига,
бу элнинг тилхатига
имзо чекди бу қўл.

.....

Хўмрайиб боқар экан дўқ билан
бизга қишнинг оқ кўзи,
Қирларга, далаларга
«Пўшт!» дея эсар экан
Чопқир еллар нафаси —
Қўямизми боқимсиз
Уз пахтамининг?
не қилдик ваъдамизни?

Иўқ,
ўрток,
йўқ!
Ваъда — қара!
Календарнинг ҳар варағи бизга дарс!
Эл моли —
эл омборига!
Қарамаймиз ҳавонинг
ёмғурига, қорига!
Солинса ҳам уфқларнинг қовоғи,
Дилда: баҳорнинг чоғи!

Бу қўллар —
коммунистик фикрнинг хизматкори,
Вафонинг, фаҳминг
дастиёри.

Бу қўлларнинг амридаги машина
кўсақларнинг чиройига ойна!
Ўзишайлик шу ғанимат кунлар-ла,
Токи бир кун фахрлансак
савлатли якунлар-ла.

Саломлашса, очик чеҳра ёқади,
Бу қўлларки, дўстлар қўлин сиқади,
Албат сиқар дўст ўлкалар
— республикалар —
Қўлларини шараф билан тез кунда
Ва шунда:
Айтур азиз биродарлар сиқиб қўл:
— Дўст, соғ бўл!

ПАРТИЯ XXVI съезди қарорларини, беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашда юксак унумдорлик билан меҳнат қилиш намуналарини кўрсатган аграр санаот комплекси пешқадамларидан бир гуруҳи ўтган йили СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Улар орасида Фарғона областидаги Фарғона сув хўжалиғи қурилиши трести 5-қурилиш-монтаж бошқармасининг катта экскаватор машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Машраб Раҳимқулов ҳам бор эди.

Лауреат билан учрашиш мақсадида қурилиш-монтаж бошқармаси идорасига йўл олди.

— Шундай кизғин паллада уни учратиш ҳам амри-маҳол, — дейишди идорадагилар.

Машраб ака ҳамини меҳнат жўшиб турган жойда бўлишини яхши билардиқ. Шунинг учун у ишлаб турган ерга бордиқ. Лекин учрата олмадиқ.

— Ҳали-ҳозир келиб қоладилар, бироз кутиб туринглар, — дейишди шериклари.

Маълум бўлишича, Машраб ака Қўқондан Катта Фарғона каналини кенгайтириш участкасига техника ва эҳтиёт қисмлар олиб келиш билан машғул экан. Шу пайт Машраб ака билан кўп йиллар елкама-елка меҳнат қилганлардан бири прораб Заки Қуламетов гап очиб қолди:

— Кўплаб экскаваторчиларимизни яхши биларман, лекин у каби ўз ишига уста одамни кўрмаганман. Мени унинг ўз касбига бўлган меҳр-садоқати, машинасига муносабати айниқса қойил қолдиради. Ахир бизнинг ишимизда кичик бир шикаст кўплаб иш соатлари йўқолишига сабаб бўлади. Раҳимқуловда эса бундай ҳол ҳали бўлган эмас.

Аввалига шогирд, ҳозир Машраб аканинг ёрдამчиси бўлган Равшан Абдуллаев бундай деди:

— Устоз билан ўн йилдан бери биргамиз. Машраб аканинг кўнгилчан ва меҳрибонлигини яхши билиб, унга шогирд тушдим. Жуда меҳрибон. Лекин ишдаги камчиликларимни таҳлил этиб, оталарча меҳрибонлик билан койиган пайтлари кўп бўлди. У ҳеч қачон дўстини, ишдаги ҳамкасбини оғир аҳволда қолдириб кетмайди. Мана, кечагина қўшни экскаватор тўхтаб қолди. Машраб ака ҳамкасби Василий Шаталин оғирини энгил қилди. Қолбуки, унга берган эҳтиёт қисм тез орада ўзига ҳам керак бўлиши мумкин эдику. Лекин у фақат ўз манфаатини эмас, умум манфаатини ўйлайдиган, ҳаминша шу ҳақда қайғурадиган чин инсон. Шу боисдан ҳам устозимни ҳаминша хурмат қиламан, шундай кишига ўхшаб, обрў топишга интиламан.

...Ҳа, эллигинчи йилларнинг бошларида Машраб ҳам худди ана шундай шогирд бўлиб, устозларга эргашиб юрган эди. Дзержинский шахрида танк билим юртини тугатган Машраб Раҳимқулов Сталинграддан Берлингача бўлган жанговар йўлни босиб ўтди.

1950 йили армиядан қайтиб, сув хўжалигида экскаватор машинисти бўлиб ишлаб бошлади. Улуғ Ватан уруши жангдошларида танкчи бўлган Машраб тинч қурилиш жараёнида Э-502 маркали экскаваторни бошқарди. Еш машинист ўзига топширилган вазифани масъулият билан ҳалол бажариши, техникани мукамал билиши, интизомлиги билан коллектив ўртасида хурмат топди.

Машраб Раҳимқулов ўша биринчи экскаваторни роппа-роса ўн беш йил ишлатди. Экскаватор қовши Катта Фарғона каналини, Жанубий Фарғона каналини кенгайтиришда, Аччиққўл коллектори қурилишида, Марказий Фарғона чўл ерларини ўзлаштиришда неча-неча миллион куб метр тупроқни қазиб чиқарди. Пахта етиштиришни кўпайтиришдаги ана шу катта хизматлари учун 1966 йили унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

— Машраб Раҳимқулов Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштириш ишида дўстлик ва ватанпарварлик туйғуларини намоён этган минглаб ўзбекистонликлар сафида бўлди. Владимир областининг Рус-Хрусталь районидан Равшан иккаласи яқиндагина қайтишди, — деди 5-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлигининг механизация бўйича ўринбосари Александр Фунтов. — Улар машҳур Парахин ўтлоқларини ўзлаштиришда «Октябрь XVI йиллиги» колхозининг деҳқонларига катта ёрдам беришди. У ерга ўзларининг экскаватори, ёнигиси, эҳтиёт қисмлари билан, хуллас, кам-кўстсиз боришган эди. Биринчи иш куниданоқ маҳаллий механизаторларни ўзларининг қўриқ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Эл №2

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-снсий,
адабий-бадий журнали

№ II (417)
Ноябрь
1984

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕХНАТКАШЛАРИ! МЕХНАТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АКТИВ КАТНАШИНГИЗ!

ЗАРБДОР, ВАТАНПАРВАРЛИК МЕХНАТИ БИЛАН ВАТАНИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МУДОФАА ҚУДРАТИНИ МУСТАХКАМ- ЛАНГИЗ!

«Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари»дан

Ўзлаштиришдаги бой маҳоратлари билан қойил қолдиришди. Оғир торфли участкаларда улар ойига 30 минг куб метрдан зиёд тупроқ қазишга муваффақ бўлишди. Қисқа вақт ичида деярли 140 гектар ерни ўзлаштиришга ёрдам беришди. Еки май ойдан ноябрь ойигача йиллик план ҳажмида иш бажаришди...

Парахин ўтлоқлари билан хайрлашаётиб, колхознинг экскаваторга бўлган чанқоқлигини сезган Машраб ўзига кадрдон бўлиб қолган машинасини рус биродарларига совға сифатида қолдириб қайтди. У ўша ерда ҳам шогирд орттирди. Машинасини шогирди Владимир Лапшинга топширди.

Ҳа, чиндан ҳам Машраб акани ҳаммаша энг зарбдор қурилишларда учратасиз. Водийдаги ҳар бир улкан сув қурилишида унинг ҳиссаи бор.

Асрлар оша қақраб ётган Марказий Фарғона чўл ерларини ўзлаштиришда юзлаб, минглаб ана шундай ўт юракли забардаст Машраблар саратоннинг гармселларига, киш қилласининг қилич дамидек юз-қўлни кесиб кетадиган қақшатқич сувовига бардош бериб, жон фидо қилмаганлариди, бугун чўлда ям-яшил экинзорлар, ажойиб боғлар, тобора шаҳар чиройини олаётган кўркем кишлоқлар бўлармиди?! Узоққа бормайлик. Машраб ака ишлаётган ана шу трест ташкил бўлгандан буён қарийб 50 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Юз минг гектардан зиёд суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу — айтмоққа осон. Чўл ерларини қоплаб ётган қор қаби оппоқ шўрни ювиш учун, шўр тепасида кўллаб ётган сизот сувларини оқизиб юбориш учун жуда катта ҳажмдаги ирригация ишларини бажариш керак эди. Шундай ишлар қилинди ҳам. Машраб ака экскаваторнинг қовши

Езёнов, Шимолий Бағдод, Қизилтепа, Ғарбий Езёнов, Аччиққўл қаби ўнлаб йирки бош коллекторларнинг қурилишида неча-неча минг куб метр тупроқни қазиб чиқармади, дейсиз. Бу зах қочириш системаларининг қурилиши натижасида 200 минг гектардан зиёд майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконияти туғилди.

Етиминчи йилларнинг бошларида Марказий Фарғона чўлига иккинчи мовий камар боғланди. Бузрукхўжа Усмонхўжаев номидаги Катта Андижон канали қурилишида Машраб ака экскаваторчилар байроқдори бўлди. 109 километр узунликдаги бу канал Марказий Фарғона чўл ерларининг 140,6 минг гектарига оби-ҳаёт элтиб берапти.

Машраб акага Катта Фарғона канали ўзанини ва соҳилини шиббалаб, бетончилар учун иш fronti яратиб беришдек шарафли вазифа юклатилган эди. Моҳир экскаваторчи ҳар куни 45—50 куб метр тупроқ қазиди. У ишлаётган участка қурувчилари 8 минг куб метр тупроқ ишларини беш кунда аъло даражада бажаришди.

Машғал экскаваторчи ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажариш ташаббусини бошлаб, ўз сўзининг устидан чиқди. Ўн биринчи беш йиллик топширигини муддатидан аввал бажариш мажбуриятини олди. Утган йили эса у пландаги 348 минг куб метр ўрнига 448 минг куб метр тупроқ ишларини бажарди. Қолбуки, сув хўжалиги қурилишида йиллик ўртача кўрсаткич 196 минг куб метр бўлди.

Мастер Валентина Емельянова бундай деди:

— Доимий изланиш, бошқалардан ўқиб-ўрганиш, маҳоратни изчил ошириб бориш М. Раҳимқулловнинг муҳим фазилати. Унинг ихтирочилик ва рационализаторлик варақа-

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

сига кўплаб хайрли ишлар, янгиликлар, кашфиётлар ёзилган. Мана, мисол: экскаватор двигателидаги резина диафрагма ўрнига металл поршенли иш цилиндри ўрнатилди, бу билан двигатель қисмининг умри илгариги 85—120 соатдан 2,5—3 минг соатга узайди.

Кўп йиллик тажрибалар асосида Машраб ака тупроқ қазишда экскаваторда тишсиз қовш ишлатишга ўтди. Бу иш унумини деярли икки ҳисса ошириб юборди.

Бошқармада Машраб Раҳимқулловни жуда тежамли, ҳисоб-китобли киши, деб таърифлашади. Бунинг исботи сифатида бир йилда 24 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар иқтисод қилиб қолинганлигини айтиш кифоя. Ҳа, сирғалувчи график асосида иш юритаётган у бошқик бригада меҳнатчилари кўплаб мактаблар, болалар боғча-ислалари бинолари қуриб беришди. Ана шу муваффақиятларда бугун эл-юрт олқишляётган Давлат мукофотининг лауреати Машраб Раҳимқулловнинг ҳам улуши катта.

— Машғал экскаваторчимиз жамоат ишларида ҳам фаол, — деди бошқарма қасаба союз комитетининг раиси Ғулом Қосимов. — У Ўзбекистон Компартияси XIX ва XX съездлари делегати. Номи Ўзбекистон Меҳнат Шухрати китобига ёзилган. Қўқон шаҳар Совети депутати сифатида жамоат ишларида ҳам фаол.

Машраб ака партиянинг ҳар бир даъватига биринчилардан бўлиб лаббай, деб жавоб берадиганлардан. Америка империалистларининг урушқоқлик сиёсатиға қарши бошқармада ўтказилган митингда Машраб ака СССР Давлат мукофоти лауреати сифатида берилган мукофот пулини тўласича Тинчлик фондига ўтказганлигини айтди.

— Биз, совет кишилари учун мусаффо осмону, осойишта меҳнат, ям-яшил далаларимиз, зилол сувларимиз ҳамма-ҳамма нарсадан азиз, — деди Машраб ака ўша йилда.

Қасаба союз комитетининг раиси завқ билан гапирётганда канал ўзанига келтирилган вагон-уйнинг эшиги шитоб билан очилди.

— Мана, — деди Ғулом ака. — Қаҳрамонимиз, бугун номи тилларда дoston бўлган лауреатимиз Машраб Раҳимқуллов шу киши бўлади.

...Вагон-уйга ўрта бўйли, тўладан келган, кўзлари меҳр билан боқиб турган киши табассум билан кириб келди. У биз билан кўришгач, узр сўраб участка бошлиғига қараб:

— Техника етиб келди, — деди. — Ҳамма ўз иш жойини эгалласин. Канал кутиб турмайди.



Машраб Раҳимқуллов (чапда), экскаваторчи Равшан Абдуллаев ва прораб Заки Қуламетов.

М. Саримсоқов фотоси

Сайдали ОДИЛОВ

ТРАВЛЕНИЕ мажлиси борарди. Колхоз раиснинг йил якунига доир ҳисоботи муҳокама этиларди. Колхознинг бир йилда қанча маҳсулот етиштиргани, қанча даромад олгани, колхозчиларнинг иш ҳақи, нарядсиз ҳақ тўлашнинг аҳамияти, пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, бодорчилик, полиз маҳсулотлари етиштиришга сарф бўлган харажатлар ва соф фойда, маданий-маиший ишларнинг аҳволи ва келгуси йил режалари беками-кўст тилга олинди. Ҳисобот юзасидан ҳамма ўз фикрини очиқ-ойдин айтди. Минбарда колхоз техникаси ҳақида бош инженер гапираркан эди... Орқа эшик гийёқ этиб очилди. Элмурод моторчининг қораси кўринди. «Сафар қизил, бу йил ҳам колхоздан кетмайсанми, дейман!»

Элмуроднинг ноҳуш гапи мажлис руҳига раҳна солди. Шивир-шивир бошланди. Раис аввал таажуб билан одамларга бир-бир қаради, сўнг жилмайди, кейин... тундлашди, юз-кўзига қон қуйилди.

У — районда энг кекса раислардан. Йигирма йиллик раислик даврида кўп одамларни кўрди: колхозда кўпларни пенсияга кузатди, кўз ўнгида турилган чақалоқлар олис шаҳарларда ўқиб келиб, ўз қўлида ишлаш бошлади, баъзиларни раҳбарликдан бўшати, баъзиларни кўтарди, баъзан ҳақ, баъзан ноҳақ «сен-мен»га борди. Бу орада район, область раҳбарлари неча бор ўзгарди, хўжаликка турли тоифадаги қанча вакиллар келиб кетди. Лекин, ҳозиргача ҳеч ким правление мажлисига бостириб кириб: «Раис, бўлди энди, ўринини бўшат!» дегани йўқ эди. Аҳвол шу даражага етдимиз? Раис билан одамлар ўртасидаги арқон шу қадар тараңглашиб кетдики?

Раис Элмурод ҳақида ўйлаш бошлади. Еш бола эмас — қирқни уриб қўйган. Техникумни битирган. Колхоз идорасида механизация ҳисобчиси бўлиб ишларди. Ревизияда ҳужжатларнинг кам-қўстлиги аниқланди... Фермага ўтиб яна қинғирлик қилди. Ер тузувчи бўлди... эплотланди. Сўнг «юмалок» хатлар ёза бошлади. Текшир-текшир бошланди. Натижаси бўлмади.

Раис шу ўйлар исканжасида тўлғониб ўтирарди. Телефон жиринглади.

— Яхшимисиз, Сафар ака! — Телефонда райком ташкилий бўлимининг мудри Хуррам Маҳмадалиев гапирарди. У икки йилдан бери шу колхозда вакил бўлиб турар, раисга «ўнг қанот» эди. Шу важдан ҳисобот-сайлов мажлиси мuddати билан қизиқаётганди.

— Мажлисни қачонга белгиладингизлар?

— Индинга, эрталаб ўнга...

— «Луначарский»га қачон? (Раис кўп йилдан бери Тошкентдаги «Луначарский» санаторийсига қатнайди.)

— Эртга...

Телефон узилиб қолди...

Раис райкомнинг биринчи секретарига телефон қилди.

— Салом, Хуррамов! Мажлисингиз қачон?

— Индинга...

— Дам олишга йўланма олдингизми?

— Ҳа, эртга поездаги чиқмоқчиман.

— Ҳисобот-чи?

— Бир гап бўлар, — деди раис бўшашиб...

— Зудлик билан райкомга етиб келинг.

Гаплашамиз... — деди секретарь.

Колхоз билан райком идорасининг ораси ўн бир чақирим йўл. Раис биринчи секретарь ҳақида ўйлаб кетди... У раис бўлган йиллари райкомда инструктор бўлиб ишларди. Сўнг пропаганда бўлимининг мудри бўлди. Маърузага устамон эди. «Биз ўқитувчидан чиққан одам, гапдонроқми, идеология ҳодими!» деярди икки гапнинг бирида. Унинг бу гаплари раисга ёқмасди. Негаки, идеология ҳодими ишлаб чиқаришни билмаслиги керакми? Ҳар қандай идеологиянинг асосини ишлаб чиқариш белгиламайдими?.. Мана, беш йилдирки, у райкомнинг биринчи секретари... Унинг «Сафар Хуррамов хўжаликни яхши қилибди, ҳисобчидан чиққан раис, бу ўғла одам ичидан пилган, ўзим ёқтирмайману, ишбилармонлиги бор-да!» деган гапини

Ф И Д О Й И

орқаваротдан бир неча бор эшитган ҳам. Қани, бугун нима деркин!

— Раислики тошпирай, ўртоқ... Жуда чарчадим! Соғлиқнинг мазаси йўқ! Қон босими ошиб борапти. Илтимос сиздан... Ешлар кўп, ишласин...

— Бу гапингиз кетмайди, Сафар ака! Бўшатиб қўйинг деганини бўшатавериб бўлмайди. Яна икки йил ишлаб берасиз! Сўнг олтмиш бўлади. Пенсия...

— Одамлардан битта-иккитаси «бўшанг!» деппти...

— Аввало, бу масалани райком бюроси ҳал қилади. Ҳисобот-сайловни бир ойда кечиктирмайсиз. Дам олиб, «ремонтдан» чиқанингиздан сўнг эринмай мажлис қиламиз...

— Менсиз ўтавергани яхши эди-да! Аҳволимни тушунтираяман-ку!

— Кейин гаплашамиз. Ҳозирча хайр, яхши ҳордик чиқаринг...

Раис эртасига Тошкентга, «Луначарский» дам олиш санаторийсига келиб тушди.

...1948 йили Яккабоғ районидаги Жийда, Галамула, Кўлтпепа, Эсат, Упка, Дуюл, Қорамўрча, Изиллоқ, Кўчактепа, Галабўта қишлоқлари бариланган уч колхоз қўшилиб, Калинин номли колхоз ташкил топди. Каттабой Ашуров раис қилиб сайланди. У сурункасига ўн беш йил раислик қилди. Эҳ, Каттабой деганича бор эди-да у. Бу норғул одам ҳақида гап кетганда ҳозиргача одамларнинг оғзидан суви кетади. У урушдан хориб-чирчаб чиққан одамларнинг қоринини тўқлаб, устини бутлади, онгли меҳнатга сафарбар эта олиш қобилиятини кўрсатди. «Колхозни йўқ жойдан бор қилди, бир меҳнат кунига бир центнергача бугдой берди-я, азамат! Шоли дейсизми, зигир дейсизми, арпа дейсизми, ҳаммасини берди. Иморат солсангиз омборда тахта, тўй қилсангиз газлама, гуруч, зигир ёғи, тегирмонда қоп-қоп ун. Авваллари бир гектар ердан беш центнердан пахта бўлинарди. Каттабой Ашуров колхоз бўйича ҳосилдорлики 40 центнерга кўтарди».

Каттабой Ашуров колхоз идораси жойлашган кўримсиз Эсат қишлоғини файзли оромгоҳга айлантирди, турар-жойлар барпо этди, ошхона, магазин, кутубхона, шифохона, ўрта мактаб, радиоузел... Тасмадек тортилган асфальт йўллар одамлар хизматиغا пайваста бўлди. Идора қаршисидаги боз ўртасида М. И. Калинин хайкали қад ростлади. Социалистик қурилишнинг доно раҳбари, халқ оқсоқоли гўё Ўзбекистоннинг чекка қишлоқларидаги колхозчиларнинг бунёдкорлик ишларини мулойим жилмайиб кузатиб турарди. Езда қишлоқларга элдатилган йўллар четидаги мизрастераклар шовуллар, кузда ишқомлардаги олтинранг узумлар ялтдилар эди...

Каттабой Ашуров колхозда катта-катта боғлар барпо этди: анани қишлоқ ёнида неча гектар анорзор, бунисида олмасор, наригисидан олчазор, у қирда узумзор, бу қирда тутзор — камида 300 гектар майдонни эгаллаб ётарди. «Каттабойнинг тутуми қаттиқ эди, — деб ҳикоя қилади кекса ўқитувчи Махмуд ака Хидиров. — Ҳар туп ниҳолга ҳар бир колхозчи, ўқувчи масъул эди».

Сафар Хуррамов устози Каттабой Ашуровнинг ҳаёт йўлини ўйласа, бир энтикиб қўяди. У шу раиснинг раҳбарлик иш услуби муҳитида камол топди. Уни Самарқанддаги

раислар тайёрлаш курсига ўқишга юборган ҳам шу киши. Колхоз идорасида ўтириб фронтчи Орол Саидов, Эшқувват Ашуровлардан ҳисоб-китобнинг жўн ва мураккаб қодаларини ўрганди. Бош ҳисобчи бўлди, колхоз коммунистларига етакчилик қилди. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил тарихий Март пленумидан сўнг раисликка кўтарилди. Унинг Калинин номли колхозга етти йиллик раислик даврида хўжалик экономикаси, колхозчиларнинг маданий-маиший шароити, анча яхшиланди. Аммо Каттабой Ашуров боғларининг тақдирини қандай кечди?

— Узимни мактамайману, одамлар мендан унча норози бўлмас керак, — деб ҳикоя қилади Сафар раис. — Пахта ҳосилдорлиги йил сайин ошиб борди, ғалла, чорва планлари муттасил бажариларди. Колхоз кассасида 3 миллион сўмгача пул турарди. Ашуров боғлари яхши мева берарди. «Навоий» нурхонасидан келган Илич чироғи илк бор бу кўхна қишлоқларимиз хонадонларини ёритганига гувоҳ бўлганидан қувониб юраман. 1967 йиллик колхоздаги 500 ҳовлиннинг ҳаммаси электрлаштирилди. Янги турар-жойлар, ўрта мактаб биноси қурилди. 1972 йили Калинин номли ва «Ленин учкуниси» колхозлари базасида тузилган «Партия XXIV съезди» колхозига раис бўлиб келдим.

Сафар Хуррамов янги колхозга раис бўлди-ю, ташвишларга кўмилиб қолди. Колхозга 550 гектар ерда пахта, 1200 гектарда ғалла, 150 гектарда полиз ва сабзавот етказиш вазифаси юклатилди. Бунинг учун камида 300 гектар янги ер очишга тўғри келарди. Раис ўша йили ҳаммасидан кўра техникадан қийналди. Устига-устак...

Май ойининг охирида серёмғир туларнинг бирида янги рўзгор бошига фалокат тушди. Тоғдан энган терак бўйи сел Галамула қишлоғидаги етмиш хонадонни vayрон қилди. Бу воқеа одамларни ҳам, раисни ҳам гангитиб қўйди. Одамлар болалари билан бошланғисиз қолишди. Ҳаётда ғам-андуҳ ёмон! Раис тасодиф фалокатдан азият чеканларнинг дард-ҳасратини чидам билан эшитишга ўзида куч-қудрат сезар, уларнинг баъзи ноўрин хатти-ҳаракатларига тилини тиллаб бардош берар, туну кун одамлар ёнида бўлар эди. Баъзилар селни худди раис бошлаб келгандай унга зуғум қилардилар.

Селдан vayрон бўлган ҳовли-жойларни тиклаш бўйича ҳукумат комиссияси колхозда ётиб олди. Қишлоқда лойиҳачилар, қурувчилар кўп эди. Област, район раҳбарлари сел оқибатини тугатишга алоҳида ғамхўрлик қилдилар. Ўша йили етмиш хўжаликнинг ҳаммаси янги ҳовлига кўчиб ўтди, 2 миллион сўмлик янги типдаги турар-жой бинолари қурилди...

Ери бойнинг — эли бой, дейдилар. Қорабоғ даштида уч минг гектар бўз ер кўпчиб ётарди. Колхоз пахтачилик ва ғаллачилик учун дашт бағрини ўзлаштиришга киришди. Тўртта пахтачилик, иккита ғаллачилик бригадаси даштга кўчди. Улаш Қодиров, Қулмирза Юсупов, Жўра Мустафоев, Салим Каримов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик муттасил ошиб борди. Давлатга тонналаб оқ ва ингичка толали дашт пахтаси армуғон этилди.

Колхоз қишлоқларини айланаб юриб, томорқа хўжалиги бу ернинг асосий муаммо-



В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида бўлиб ўтган «Тошкентнинг олтин кузи» III Бутуниттифоқ санъат фестивалининг тантанали очилиш маросими.

Р. Шамсуддинов.
А. Кошкин фотоси
(ЎзТАГ)

ларидан бири эканига ишондик. Олти километрга чўзилган асфальт йўл ёқасидаги замонавий уйлар, бетон ариқларда оқаётган сувлар одамнинг ҳавасини келтиради. Афсуски, бу хонадонлар ўша сувдан томорқа хўжалигида кам фойдаланишар экан. Йўл билан уйлар ўртасидаги бўш жойларга бир туп ҳам дарахт ўтказилмаган, жизганаги чиқиб ётибди. Ахир, бу шовуллаган теракзор яратиш имкониятидан кўр-кўрона воз кечиш-ку! Қани, дарвозалар олдидаги, ҳовлилардаги шинам ишқомлар, ёқутранг узумлар?

— Бир бошда миңг ташвиш! Мен битта одам. Бу ишга кўпчилик аралашмаса бўлмайди, — дейди Сафар ака ўкинч билан.

Хўжаликда чорвачилик тараққий этган. Хайитмурод Тўраев, Жаббор Абдиев, Саттор Жабборов бошқараётган фермаларда жами бир ярим миңга яқин туёқ бор. Режаб Таниев, Рўзбой Имомов сингари таёқ кўтариб сурув кетидан юрган орденли чўпонлар, молбоқарлар кўп. Гўшт, сут, тухум, жун планлари салмоқли. Лекин колхознинг ва одамларнинг моли боқиладиган яйлов, инди-видуал гўшт, сут, тухум етиштиришининг етилган жумбоқлари ҳам йўқ эмас.

Колхозда қўрғончаларни тугатишга дадил киришилган бўлса-да, бу ҳали-вери тугамайдиган кўринади. Қишлоқлар ўттиз-қирқ йил аввал ағаллаган жойидан жилгани йўқ. Бош план асосида «Янгибод» қишлоғи барпо бўлган эди, бошқа хўжаликка ўтиб кетди. Селдан кейин Галамула қишлоғи шаҳар типига қурилди. Янги ҳовилар қуриш ҳисобига эски қишлоқлардаги уйлар айқаш-уйқашлиги биров чекланди. Ҳар бир қишлоқ ўзининг марказий кўчасига ага, лекин тош тўқилгану, асфальт қилинмаган. Уй-жой комиссияси одамларни «исик жойи»дан силжитмай қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш принципида иш юритмоқда.

Ҳар йили ҳисобот йиғилишида клуб, кутубхона, кинотеатр қуриш ҳақида қарор қабул қилинади. Лекин улар кўпинча қозда қолиб кетаяпти. Ҳар бир рўзғор бошлиғи чўнтагининг чўғига қараб харид қилади-да, деб ўзини ва бошқаларни овутади. Тўғри,

колхоз ҳар йили ўртача икки миллион сўмгача даромад қилади. Бироқ, бу даромад янги рўзғорни бутлашга кетаяпти. Комплекс сут-товар фермаси, турар-жойлар, дала ший-понлари, идора, болалар боғчалари, магазинлар, трактор парк, омборхона... Шунингдек, қабристонлар ободончилиги, йўллар қурилишига миллионлаб пул сарфланди. Икки юзга яқин хонадонга водопровод ўтказилди. Колхозчиларнинг фарзандлари ҳашаматли боғчага қатнайдилар. Култепа қишлоғида саккиз йиллик мактаб, болалар боғчаси қад ростлаяпти. Юз тоқчалик телефон станцияси ишлаяпти. Колхоз ҳалол меҳнати учун 200 дан кўпроқ қарияга пенсия тўлайди. Ҳашаматли иккита ўрта мактабда колхозчиларнинг миңга яқин йўл-қизи таълим олади, 50 дан кўпроқ ўсмир республика олий ўқув юртларида таҳсил қўришади.

Буларнинг барчаси Сафар Хуррамовнинг умр лаҳзалари билан туташиб кетади. Ана шу умр лаҳзалари бекорга ўтмадимикан, деб савол беради Сафар ака ўзига ўзи. Одамларга

бирор фойдаси тегдими, улар қалбига яхшилик уруғларини сочдими? Партия, ҳуқумат, халқ унга ишониб узоқ йиллар хўжалик ва одамлар тақдирини топшириб қўйди! Шу ишонччи оқладими? Кўп йиллар «газик»да юрди, шинам кабинетнинг тўрида ўтирди, йиғинларда ҳамма ўрнидан туриб давра тепасига ўтказди. Шу хурматга лойиқ иш қилдими? Ленин ордени, Меҳнат Қизил байроқ ордени, медаллар билан мукофотланди, район, область депутатлигига сайлашди. Шу мукофотларга арзирли иш қилдими? Сўнг хаёллари чувалашиб кетади-да, ҳар қалай умри бесамар ўтмаганига қаноат ҳосил қилади...

Этагидан тутқич бермай вақт ўтаяпти. Лаҳзалар, кунлар, ҳафталар, ойлар, йиллар... Вақт ганимат, унинг қадрига етиш керак, дейдилар. Дарҳақиқат, Сафар раисга ўхшаганлар вақт қадрини одамлар меҳр-ҳурматини қозонишда деб билади.

Ғулом ҒАФУРОВ



Ғузур районидаги Карл Маркс номи совхозининг дала шийпонида тушлик.

Ш. Шаропов фотоси

ЛЕНИННИ ҲИЛАГАНИМДА

Мен Ильячнинг шонли умрин жуда кўп бор ўйладим,
 Ҳиларимнинг поёнига етдим, такрор ўйладим,
 Ана хаёл учқурлиги, тафаккурнинг чамани!
 Ильяч десам кўз ўнгимда дунё турар айланиб.
 Буюк зотким, чамалашга ҳатто ожиздир хаёл.
 Хаёлларнинг беадади бирлашса-да, қолур лол.
 Буюк зотким, ҳар юракнинг унга бордир туйғуси:
 Шу туйғу деб ҳар юракнинг тунлар қочмиш уйқуси.
 Садоқатин исбот айлар биров қурган уй билан,
 Ҳурматини биров изҳор айлар эзгу ўй билан,
 Биров терган пахтаси-ла айлар унинг юзин оқ,
 Биров унинг ҳимматидан сойлар очар шарқироқ,
 Биров эса улуг номин кўтарай деб баландга,

Миллион-миллион учқунлардан ясар улкан аланга.
 Мен ҳам уни ёзай дерман, шу орзуда юрурман,
 Лекин дадил юрак чопмай ўзимдан лол, турурман...
 Шеър — муқаддас, Ильяч номи муқаддасдир яна ҳам,
 Ҳар иккисин жам этмаклик жасоратдир чинакам!
 Эй, Ильячга шеър бахш этган ахли шоир, айтингиз,
 Улуг зотга мос журъатни қаерлардан олдингиз?
 Сизлар битган мисралардан кулиб қарар бир одам,
 Бир одамким, ташвиши бор, қувончи бор, зўр одам!
 Уқийман-да, очиқ гапим, сизга қиламан ҳавас,
 Сизга, буюк зотни буюк деб айтолган шоир! Бас,
 Мен қойилман шахтингизга, шеърни ёзингиз сиз фақат,
 Қолганлар ҳам ғайрат ила аён этсин жасорат!



Муҳаммад АЛИ

ЖОН ҲЗБЕКИСТОН!

Агар шуълаларга бўлсам маҳлиё,
 Дилимдан отилса ўтли бир калом,
 Шуъла деб ўйлама, ўйлама асло,
 Орзу-армонингдан бари бу илхом.

Дашту саҳроларга сизмаган
 бўрон
 Шахту шиддатига тўхталсам
 агар,
 Бўрон деб ўйлама, балки беомон
 Газабингдир, халқим, қаҳринг
 муқаррар!

Агар чўнг самони кийган тож
 мисол

Азамат қуёшга айласам таъзим,
 Қуёш деб ўйлама, эй умри ҳалол,
 Меҳринг бу, меҳрки, дарёи азим!

Зангори осмонга тикилиб гоҳи
 Ҳадди йўқлигидан сўзласам
 мағрур,
 Осмон деб ўйлама, сенинг
 даргоҳинг,
 Кенг феъл эканлигинг тимсоли
 эрур.
 Агар роҳатингни куйласам
 ошқор.

Ҳузур-ҳаловат деб битсам агар

шеър,
 Ҳузур-ҳаловат деб ўйлама
 зинҳор,
 Сенинг меҳнатинг бу, бу —
 сен тўккан тер!

Агар... жимиб қолсам гунг-лол
 монанд ман,
 Тилдан қолдими деб чекмагил
 фиғон!
 Йўқ, мен қиёсингни излаш-ла
 бандман,
 Топмасдан қўймайман, жон
 Ўзбекистон!



ОТАБЕР

ЛЕНИН ҲЛКАСИ

ЛИРИК ДОСТОНДАН ПАРЧА

Қуёшнинг кифтига қўлин ташлаган,
 Тоғларнинг қўйнига қўл солган
 жўмард,
 Умри — пайкалидай фузун ва бегард,
 Омадидан ғаним кўнглини гашлаган
 Ватанда яшнамиш юрт мактовни бу.

Ҳей, дунё! У — ўлкам, жон қадар азиз,
 Тупроғи тўтиём, қўли қадоғим.
 Бошимда осмоним, кўзу қароғим,
 Ундан ташлай олдим борлигинга кўз,
 У — олам чамани ҳаёт боғи бу.

У — умри узоғим: мелоддан азал
 Чигит ундирганим — захматкаш элим.
 Йиқилмас полвоним, буқилмас белим,

Навоий қалбида қайнаган ғазал,
 Суянган паноҳим, кўнгил тоғи у.

Ленинга қўл бериб, тонгга қўл бериб,
 Офтобга юз бурган элларга қардош —
 Қадамдош, қатордош, бахтдош,
 тоғбардош...
 Юз чандон яшариб, яшнаб, қад кериб
 Омонлик созини чалган чолғу бу.

Соф қалб сарҳадларин посбонларидай
 Содик дил садқадир ўлкам измига.
 Шоир! Шу юртга соз сатр тиздингми?
 Носоз созингни қўй; мисли бўзтўрғай
 Куйламоқ чоғидир, куйлаш чоғи бу!

ДЕҲҚОН ФАСЛЛАРИ

Қафтдек далаларда ҳарорат, ҳовур....
 Ер шўрин шимирар оқар сув, зовур,
 Шудгорлар поёнсиз қўлни эслатур,
 Саҳардан куйманар тинчимас деҳқон.

Манглайда реза тер — эртага ишонч,
 Лени замонидан қалбида қувонч,
 Кўнгли дер: «Меҳнатда отавер
 қулоч...»
 Хаёлда юксалар куздаги хирмон.

Қўли ишидаю, хаёли учқур,
 Вўлка юмушлар ҳам фикрдан кечур:
 Йиғилиш, қурилиш, тўй, ё буз, кўчир...
 Тагин оиласи — жўжабирдай жон!

Бир гувраниб олар бургутқараш қалб,
 Фидойи ҳам ўша, ўша нозик таъб...
 Турмуш синоғига келмоқда яраб,
 Қаттиққўл ҳам ўша, ҳам бағри осмон...

Гоҳ кўнгилчан боқар эҳтиёж кўрса,
 Вақти топилади арзу ҳол сўрса,
 Ишонинг, шахтидан дарё юз бурса,
 Азму қарориди туганмас армон.

Тақсами — қўш орден, ярақлар юлдуз,
 Аммо дилда пахта кеча ва кундуз,
 Пахтазор чайқалса, план бўлса юз,
 Еруғ юз билан-да қувончу сурон...

* * *

Шеър тўрига яна шердек боғландим,
 Илҳом қушин қанотида тоғландим...
 Эй, шерсават, тоғ ўмровли Ватаним,
 Тагин сени алқайин деб чоғландим.

Бир юртсанки, остонаси тилладан,
 Кийгангинанг кимҳоб, пахта, пилладан
 Бўй-бастиндан ўргилса оз бу жаҳон,
 Шу жаҳон деб ортиқсан ҳар фидодан.

Шу жаҳоннинг севинчи деб фидосан,
 Кўрмайин ҳеч ўкинчин деб фидосан.
 Фидодирсан умумбашар бахтига,
 Шу жаҳонда тинчлик деган нидосан.

Нидодирсан — чақмоқ янглиғ наъраси,
 Чакнашингдан яшар ер-кўк, дараси.
 Сен яшнатган шу даралар бор бўлсин,
 Ортиб борар дўстларининг давраси.

Сен деганда ҳар ишимни беш билдим,
 Сен — заминим, сен забоним, эшигим.
 Бешигимсан, ҳарорати — қуёшбахш,
 Оғушингда ўн беш элни эш билдим.

Ҳар элингки, бахти бошда осмондур,
 Бирлигидан ҳар мушқулинг осондур.
 Қардош элли, қондош элли Ватаним,
 Элдорлигинг башарга ҳам посбондур.

БЕЛОРУССИЯ ССРнинг Слоним шахри қирқ йилдан сўнг ўз халоскорларини яна бағрига олди. Шаре дарёси бўйидаги бу шаҳарга мамлакатимизнинг турли бурчақларидан — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, полковник Николай Михайлович Стрелков (Ленинград), механик-ҳайдовчи, сержант Газиз Габидулович Мурзагалимов (Челябінск), журналист-ёзувчи, механизмлашган бригада штаби бошлигининг ўринбосари, подполковник Александр Иванович Гринько (Воронеж), танк алоқачиси Бойжик Ниязмамедов (Туркменистон ССР), тўрт марта Қизил Юлдуз ордени кавалери, майор Николай Сергеевич Бугай (Озарбейжон ССР) каби Белоруссия тупроғини фашист газандаларидан озод қилишда иштирок этган ўнлаб sobиқ жангчи ва командирлар Белоруссия ССР Компартияси Марказий Комитетининг таклифига биноан Слоним шахрида йиғилди.

Биз, sobиқ қуrolдошлар, Белоруссия ССРнинг озод этилганига қирқ йил тўлиши муносабати билан жанг қилган жойларимизда бўлиб, марҳум сафдошларимизнинг қабрларини зиёрат қилдик, тирик қолган фронтчи дўстларимиз билан дийдорлашдик. Матонатли белорус қардошларимиз бизни илқ қарши олдилар.

Биз мактабларда, пионер ташкилотларида, колхозларда, ишлаб чиқариш корхоналарида, маданият муассасаларида бўлиб, Улуғ Ватан уруши йилларида бу ерларда олиб борилган ogиr жанглар, партизанлик ҳаракатлари тўғрисида хотираларимизни ўртоқлашдик. Сафаримиз давомида 1944 йилнинг оловли июль ойи таасуротлари хотираларимизда бутун шиддати билан қайтадан жонланди.

Ям-яшил ўрмон ва бутазорлардан иборат Белоруссия ерларида техникалашган қўшинларимизнинг олға силжиши жуда ogиr кечди. Табиатнинг ўзи бу ерлардаги ботқокларни ҳам майсазорлар билан устакорона никоблаган эди. Бундай шароитда ogиr танклар билан олға юриш мушкул ва хатарли эди. Жангчиларимиз Шаре дарёси бўйларига яқинлашганларида фашистлар бизнинг кучларимизни бир дақиқа бўлса-да, тўхтаб туриш учун ўрмонга ўт қўйиб юбордилар. Бироқ ogиr жангларда синовдан ўтган танкчиларимиз ёниб турган ўрмон ичкарасидан шиддат билан Шаре қирғоқларига отилиб чикдилар ва қутилмаганда фашистлар устига ёпиридилар.

219-танкчилар бригадаси Слоним — Миживичи — Пружани — Врест шоссесига фашистларнинг мадад йўлини кесиб қўйди. Шаҳарнинг жануби-ғарбий томонидан 19-ва 35-механизмлашган бригадалар душман қўшинларига зарба берди. Визнинг 37-меҳбригадамиз йўл-йўлакай қуrol-аслаҳаларини ташлаб қочаётган душманни янчиб, орқа томонга ёриб ўтди.

Мен мазкур бригаданинг танк-ҳайдовчиси сифатида 3-Варшава танкчилар полки составида бу жангда иштирок қилган эдим. 1944 йил 10 июлда Слоним шахрини душмандан озод қилдик. Ҳозир ўша пайтда мен бошқарган танк оловли кунлардан ёдгорлик сифатида Слоним шахрида мағрур кад кериб турибди. Бу жангларда ҳар бир қарич ер, ҳар бир квартал учун ўнлаб қуrolдошларимизнинг қони тўкилди. Шунинг учун ҳам бу ерлар биз фронтчилар учун янада азиз ва муқаддасдир.

Слоним шахрини озод этишда кўрсатган жасоратлари учун Олий Бош қўмондон номидан бутун корпус жангчиларига ташаккурнома эълон қилинди. 219-танкчилар бригадаси ҳамда 37-меҳбригада Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди, 19- ва 35-меҳбригадаларга esa фахрли «Слонимчилар» номи берилди.

Ғалаба яқин эди. Лекин бу кунларга етиб келиш кўпгина қуrolдошларимизга насиб қилмади. Биз Ватан озодлиги учун бўлган жангларда қанчадан-қанча сафдошларимиздан, жасур командирларимиздан жудо бўлдик.

Сафдошлар хотираси

40



Батальон командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Павел Васильевич Володин, автоматчилар заводининг командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Петр Петрович Едунов, 19-танкчилар бригадасининг командири полковник Михаил Григорьевич Хмонин каби ўнлаб ўзбек, тожик, украин, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари ҳақида биз умрга Слоним остоналарида қолди.

Биз буюк Ғалабанинг қирқ йиллиги арафасида бу ерларда бўлиб, сафдошларимизни дилда гурур ва кўзда ёш билан ёдладиқ, қабрларига гулчамбарлар қўйдик. Белорус шоираси Эди Огнецвет ёганидек, биз ўзимизни узок вақт «қабр тошлари оқими» да ҳис этдик.

Белоруссия ССРни озод этишда иштирок қилган фронтчилар слёти бизда катта таасурот қолдирди. Бизнинг шарафимизга театрларда тантанали кечалар, спорт майдонларида намойишлар ўтказилди. Етти яшардан етмиш яшаргача, ўқувчилардан то шаҳар ва район раҳбарларигача «Шухрат» кўчасидан тантанали ўтиб, «Халоскор жангчилар хотираси учун» шаҳар марказидаги хиёбонга ўрнатилган «Танк-34» ёдгорлиги пойга гулчамбарлар қўйдилар.

Мен мазкур учрашувларда Белоруссия ССРнинг қатор кўчалари, мактаблар, кишлоқлар, пионер дружиналари Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ғулумжон Екубов, «Белоруссия ўрмонларининг шерси» деб ном олган Мамадали Топиболдиевларнинг номлари билан аталганлигидан қалбимда юрдошлик гурурини туйдим.

Белоруссия ССРни фашизмдан халос этишда жасурат кўрсатган Сафар Хушназаров, Остоналик Шокиров, Вилдан Хабиев, Ғанибой Тошниеъов каби ўндан ортиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган шарафли унвонга сазовор бўлган ўзбекистонлик дўстла-

римнинг номи қардош белорус халқи учун эъзозли эканлигининг гувоҳи бўлдим.

Белоруссия ССРнинг барча шаҳарларида халоскор совет жангчилари шарафига ўрнатилган ёдгорликлар жуда кўп. Слоним шахридаги ана шундай ёдгорлик тахталаридан бирида қуйидаги ёзув бор:

«Совет солдати, сенинг жасоратинг ўлмасдир. Барча слонимликлар сенинг мардлигинг ва матонатингни унутмайдилар!».


Революцион ва шон-шухрат халқ музейи кенгашининг аъзолари жангларда «дом-даракиз йўқолган» ўнлаб қаҳрамонлар ҳақида аниқ маълумотлар тўпладилар, уларнинг қавм-қариндошлари ва яқинларини бу ҳақда хабардор этдилар. Шунингдек, улар қуrolдошларнинг бир-бирларини топишларида катта ёрдам бердилар.

Тарих ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси, мазкур музейнинг ташкилотчиларидан бири, слонимлик «Қизил изтопарлар»нинг раҳбари, Улуғ Ватан уруши ветерани Михаил Георгиевич Трофимович бошчилик қилаётган 4-мактаб коллективининг бу борада қилган ишлари слёт қатнашчиларини бениҳоя тўлқинлантириб юборди. Бу аҳил коллектив амалга оширган ишлар келажак авлод учун жуда катта тарихий ва тарбиявий аҳамиятга моликлиги билан муҳимдир.

Биз, Слоним шаҳар тарих музейидан оламжаҳон таасуротлар билан чикдик. Она-Ватан олдидан ўтаган бурчимизни қадрлаб, хизматларимизга иккинчи — мангу умр бахш этган белорус совет ёшларига миннатдорлик, урушга ва уруш оловини ёқувчиларга қарши оташин нафрат туйғуларини янада жўш урган ҳолда сафардан қайтдик.

Виталий НАУМОВ

Слоним — Қўзон, 1984 йил.




Собиқ жангчи Виталий Наумов Слоним шахрида ёдгорлик қилиб қўйилган ўз танки ёнида.

МАМЛАКАТИМИЗ ижроия ҳокимияти органлари системасида қишлоқ Советлари муҳим ўрин тутди. Чунки мазкур Советлар сон жихатдан кўп бўлиш билан бирга аҳолига энг яқин, унинг билан кундалик мулоқотда бўладиган конституцион идоралардир.

Қишлоқ меҳнаткашларининг дам олиши, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш билан шуғулланиш қишлоқ Советларининг асосий бурчи. Бу масалаларнинг ҳал этилиши эса, партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган Озиқ-овқат программасининг бажарилиши билан узвий боғлиқдир.

КПСС Марказий Комитетининг Апрель пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларида Озиқ-овқат программаси жуда катта сиёсий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги яна бир қарра таъкидланиб, уни бажаришда партия ташкилотлари ва хўжалик идоралари билан бир қаторда қишлоқ Советларининг муҳим роль ўйнаши алоҳида уқтирилди. СССР Олий Советининг ўн биринчи қақирқ биринчи сессиясида ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида Советларнинг фаолиятини кучайтиришга, уларнинг колхоз ва совхозлар ишлаб чиқариши фаолиятини назорат қилишда ҳуқуқ ва



Чўлқуварлар шарофати билан Қарши шаҳри тобора гўзаллашиб бораётир.

Партия қарорлари — ҳаётга!

ҚИШЛОҚ СОВЕТИ ҲАРАКАТДА

имтиёзларини оширишга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланди.

Биз хизмат бурчимиз билан яқинда Қашқадарё областининг Қарши чўлидаги янги хўжаликларда бўлганимизда баъзи қишлоқ Советларининг ишини партия ва ҳукуматимизнинг маҳаллий Советлар олдига қўётган бугунги талаблари нуқта-назаридан қузатдик. Область Советининг депутаты, ёш коммунист Мунаввар Усмонова раислик қилаётган Уल्याнов районидagi Муғлон қишлоқ Советининг фаолияти бизда яхши таассурот қолдирди. Шу боисдан ҳам биз ўз таассуротларимизни журналхонлар билан ўртоқлашни лозим кўрдик.

Мунаввар асли шу Муғлон қишлоғидан экан. У шу ерда ўсиб, улғайиб, чўлқуварлар сафига қўшилди.

Унинг ўқувчилик йилларидаёқ деҳқончиликда кўзи пишиди. Бу серғайрат ва меҳнатсевар кизни ўзи ўқийдиган Чехов номи ўрта мактаб маъмурияти

ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасига бошлиқ қилиб тайинланди. Мунаввар дала аҳли билан яқиндан мулоқотда бўларкан, тажрибали деҳқонлардан иш ўрганди, уларнинг ўғти унинг учун катта сабоқ бўлди.

Шу-шу у улғайган сари элининг назарига туша борди. Мана, Мунаввар Усмонова бир неча йилдан бери қишлоқ Советига етакчилик қилмоқда. Қишлоқ Совети территориясида иккита йирик хўжалик — Меҳнат Қизи Байроқ орденли «Партия XX съезди» совхоз ва Держинский номи совхозлар жойлашган. Ҳар иккала хўжалик деҳқонлари қўриқда қимматбаҳо хом ашё — ингичка толали пахта етиштирмоқдалар. Уларда қариб 29 минг аҳоли истиқомат қилади.

Биз қишлоқ Совети фаолияти билан танишар эканмиз, Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ульяновликлар хотирасига ёқилган «Мангу гулхан» диққат-этиборимизни тортди. Бу ерда амал қилинаёт-

ган янги, замонавий анъаналар шу табаррук жой билан боғлиқ экан. Янги келин-куёвлар биринчи кундаёқ бу муқаддас даргоҳни зиёрат қиладилар. Пионер ва комсомолга ўтаётган ёшлар худди шу жойда Ватанга садоқатли бўлишга қасамёд қиладилар.

Қишлоқ Совети аҳоли турмушига замонавий анъаналарни (комсомол тўйлари, қарияларни пенсияга чиқариш, йигитларни Совет Армияси сафига кузатиш, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар) сингдириш ишида фаоллик кўрсатмоқда.

Ушанда Мунаввар Усмонова ҳамроҳлигида «Фирюза» номи болалар боғчасида бўлдик. У йўл-йўлакай бизга қишлоқ Советига қарашли территорияда ҳар бири 140 ўринли тўртта болалар боғчаси борлигини, мактаб ёшигача бўлган барча болаларни 1985 йил охиригача боғчалар кучоғига тортиш тадбирлари қўрилаётганлигини ва бунинг учун янгидан марказий боғчалар қўриқчилигини айтди. Биз бўл-

ган боғчада эса кичкинтойлар учун яхши шарт-шароитлар яратилган эди.


Шундан сўнг биз раиса билан Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Партия XX съезди» совхозига ўтдик. Бу ерда совхоз директори Тоштемир Аминов ва директорнинг маданий-оқартув ишлар бўйича ўринбосари Хушмурод Отамуродов билан учрашдик. Улар билан хўжалик ишлари ҳақида суҳбатлашдик. Совхоз иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлардан экан. Бу ерда дала ва фермаларда меҳнат қилаётган кишиларнинг жонқуярликлари туфайли ҳар йили деҳқончилик ва чорвачиликдан яхши даромад олинапти. Биргина ўтган йилнинг ўзида барча хўжалик тармоқларидан келган фойда 7 миллион 856 минг сўмни ташкил этди.

— Биз асосий диққат-этиборни ана шу мустақкам моддий базага таянган ҳолда қишлоқда турмуш маданиятини юксалтиришга қаратимиз, — дейди совхоз директори ўртоқ Аминов дала

ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ

СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева
ҳамда ивановлик тўқувчи Марина Коллерова.

А. Рискиев фотоси
(ЎзТАГ)



Қудратли насос станцияларидан бири.

Ш. Шаропов фотолари

шийпониди бўлган суҳбатда.—
Совхозимиз территориясидаги
барча қишлоқларни Бош план
асосида қайтадан қурмоқдамиз.

Ҳа, совхознинг маркази янги
шаҳарчани эслатади. «Ленин-
изм», Тишқудуқ қишлоқларида
олиб борилаётган қурилиш кў-
лами кишини қувонтиради. Бу
участкаларда 27- ва 69-меха-
низмлашган кўчма колонналар
бинокорлари кооператив тар-
тибда уй-жойлар қурмоқдалар.
Ўтган давр мобайнида улар ўн-
лаб замонавий типдаги уйлар
қуриб, фойдаланишга топшир-
дилар. Қишлоқ аҳолисининг
қарийб 70 фоизи газли, водопро-
водли хонадонларда яшамоқ-
да.

Хўжаликда ишлаб чиқариш,
маъмурий ва маданий-маиший
объектлар қурилиши йил сайин
кенгаймоқда. Ўтган йили совхоз
марказида қуриб битказилган
мухташам болалар боғчасида
айни пайтда чўлқуварларнинг
140 га яқин фарзанди тарбияла-
наётми. Шунингдек, Ҳамид Олим-
жон номли, Ойбек номли ўрта
мактаблар учун янги бинолар,
қўшимча синф хоналари қурил-
ди. Ўтган хўжалик йилида сов-
хоз ички йўллари асфальт-
лаштиришга эса 150 миң сўм
сарфланди. Бу хайри ишларга
қишлоқ Совети депутатлари бўл-
ган совхоз активлари, совет хо-
димлари бош-қош бўлмоқдалар.
Қишлоқ Совети турмуш-мадани-
яни доимий комиссияси йиғи-
лишларида ободончилик ишлари
кенг муҳокама этилиб, бу соҳада
янги-янги тадбирлар белгила-
нади.

Совхоз марказида жойлашган
янги типдаги қишқик клуб ва ёзги
клублар, ҳаммом ва бошқа ма-
даний-маиший муассасалар хиз-
матидан меҳнаткашлар мамнун.
Клуб қошида халқ университети
ташқил этилган бўлиб, атеизм
ва ҳуқуқшунослик бўйича ҳамда
турмуш гигиенаси бўйича маш-
ғулотлар мунтазам ўтказилмоқ-

да. Клуб қошидаги «Гулшан»
ашула ва рақс ансамблининг
ҳаваскор санъаткорлари ҳам
меҳнаткашларга намунали ма-
даный хизмат кўрсатмоқдалар.
Совхоз касаба союз комитети
ҳисобидаги кутубхонага эса
биргина ўтган йилнинг ўзида
қарийб 3 миң сўмлик китоб со-
тиб олинди. Бу ерда ҳамма ки-
тобхон. Ёзувчиларнинг янги
китоблари қўлдан-қўлга те-
лмайди.

Совхозда медицина хизмати
ҳам кўнгилдагидек. Медицина
муассасаларининг фаолияти
устидан қишлоқ Совети Соғлиқ-
ни сақлаш доимий комиссияси
аъзолари қаттиқ назорат ўрнат-
ганлар. Айниқса, улар бошқа
доимий комиссияларнинг аъзо-
лари сингари далада иш қиз-
ган пахта йиғим-терими даври-
да ўз фаолиятларини янада куч-
айтирадилар. Ҳар иккала сов-
хозда мунтазам ишлаб турган
клуб Совети бригада шийпон-
ларида маданий ишларни таш-
килий равишда уюштириб бора-
дилар.

Тўқ ва маданий ҳаёт кечираёт-
ган қишлоқ меҳнаткашлари-
нинг бу йилги ниятлари юксак.

Улар 2850 гектарда етишти-
рилган мўл пахта ҳосилини тезроқ
йиғиб олиш иштиёқи билан
яшамоқдалар. Бугун, давлат-
га жами 11 миң тонна (шундан
7 миң тоннаси ингичка толали
пахта) топширамиз, деган эзгу
ния уларнинг қалбига жо бўл-
ган.

Дала меҳнаткашларига ма-
даний-маиший хизмат кўрсатиш
тадбирларини эса Муғлон қишлоқ
Советининг бурчига содиқ
фаоллари уюшқоқлик билан
амалга оширмоқдалар. Ҳа, улар
халқ фаровонлиги йўлида «оқ
олтин» бунёдкорлари билан ба-
ҳамжихат унумли ҳаракат қил-
моқдалар.

Юсуф МАНЗАРОВ,
Бердимурод СИДДИҚОВ,
илмий ходимлар.

ТЕНГДОШ ВА ҚАРДОШ

26 ноябрь —
Монголия Халқ
Республикасининг
60 йиллиги

ЎЗБЕКИСТОН Совет Социалистик Республикаси ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини совет халқи билан бир қаторда монгол халқи ҳам тантанали суратда кенг нишонламоқда. Бу шонли сана Улуғ Октябрнинг самараси бўлиши Монголия Халқ революцион партиясининг тарихий III съезди ва Монголия Халқ Республикасининг 60 йиллиги билан деярли бир вақтга тўғри келганлиги қалбларга янада қувонч бағишлайди.

Монгол халқи 1921 йилда ўзининг Халқ партияси раҳбарлигида ҳамда Улуғ Октябр социалистик революциясининг бевосита таъсири остида Совет Россиясининг ёрдами билан мустақиллик ва миллий озодликка эришди. Мамлакат демократик ва социалистик давлат қурилиши учун кенг имкониётларга эга бўлди.

Халқ партиясининг 1924 йилда бўлиб ўтган III съезди мамлакатни нокапиталистик тараққиёт йўлидан олға бошлади. 1924 йилнинг 26 ноябрида Монголия Халқ Республикаси эълон қилинди. Биринчи Буюк Халқ Хуралида қабул қилинган дастлабки конституция ана шу йўналишни қонун йўли билан мустаҳкамлади.

Монголияда халқ революцияси ғалаба қозонгунга қадар мамлакат хитой босқинчиларининг махсус сиёсати туфайли кўплаб майда феодал эгаллигига — хошун ва шабиларга бўлиб юборилган, йирик шаҳарлар ва саноат-иқтисодий марказлари умуман йўқ эди. Халқ республикаси эълон қилиниши Монголиянинг феодализмдан социализмга ўтишида тарихий вазифаларни ҳал этиш учун жуда катта воқеа бўлди.

1924 йили қабул қилинган биринчи конституцияда халқ Монголиясида яшаётган барча миллатлар ва элатлар учун тенгхуққилик ва озодлик таъминланди ҳамда монгол ўлкасида ҳақиқий демократик жамият қурилиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Биринчи Буюк Халқ Хурали МХР ҳукумати зиммасига «СССР билан дўстлик ва қардошлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун ҳамма чора-тадбирларни амалга ошириш, бу муносабатларни сиёсий-иқтисодий яқинлик ва ҳамкорликнинг реал асосига қуриш» вазифасини юклатди ҳамда буни ташқи сиёсат йўлининг биринчи даражали вазифаси қилиб қўйди.

МХРП раҳбарлиги остида Халқ Республикаси ҳукумати революцион-демократик тадбирларни амалга оширар экан, бунда феодал муносабатларни тугатиш, мамлакатни чет эл капиталига қарамликдан халос этиш учун феодал-мустамлакачилик ўтмишидан мерос бўлиб қолган асрий қолоқлик ва ёппасига саводсизликка қарши фол кураш олиб борди. Бироқ ана шу тадбирларни амалга ошириш ички реакция кучлари ва халқаро империализмга қарши қизгин синфий курашлар жараёнида кечди, чунки улар монгол халқининг революцион ғалабаларини йўққа чиқариш ҳамда халқ оммасининг будда дини мустабиллигидан халос бўлишига қаршилик кўрсатди.

Шунинг учун ҳам Монголияда революцион демократик ўзгаришлар аста-секин сиёсий,

Пунцагийн ДЭЧИН,

МХРП Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси,
МХРнинг Тошкентдаги Бош консулхонаси бош
консули

социал-иқтисодий ва маданий-миллий хусусиятлар, шунингдек ўша вақтдаги вазият инobatта олинган ҳолда амалга оширилди. Мамлакатимиз тараққиётидаги асосий қийинчилик иккинчи жаҳон урушига тўғри келдики, бунда бизнинг оғамиз, дўстимиз, халоскоримиз — Совет Иттифоқи урушининг



бутун заҳматларини ўз елкасига олди.

1940 йилда халқ революциясининг демократик босқичи ниҳоясига етказилди ва МХР навбатдаги тарихий марраани эгаллашга — мамлакатда социализм қурилишига киришди.

Социализм қурилиши йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида салмоқли муваффақиятлар қўлга киритилди, айниқса 60-йилларда социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ниҳоясига етказилиши босқичида зафарлар янада самарали бўлди.

Ҳозирги кунда МХР иқтисодий ва социал тараққиётнинг бир қатор кўрсаткичлари бўйича жаҳондаги кўплаб мамлакатлардан ўзиб кетган.

Социалистик Монголиянинг эришган барча ютуқлари ва ғалабаларининг асос-асосини монгол ва совет халқларининг қардошларча дўстлиги ҳамда яқин ҳамкорлиги ташкил этади. Бу дўстлик ва ҳамкорлик жаҳон меҳнаткашларининг буюк устози В. И. Ленин ва монгол халқининг шонли фарзанди Д. Су-

хэ-Баторнинг номлари билан чамбарчас боғлиқ.

Монгол халқига Советлар мамлаката, улуғ Ленин ва унинг болшевиклар партиясигина ёрдам бера олади, дер эди доим Сухэ-Батор. Бу сўзлар халқ Монголиясидаги ҳар бир кишининг қалбида чуқу муҳрланиб қолган ва унинг ишларида рўёбга чиқаётир.

Ўзининг синалган авангарди — МХРП раҳбарлигида ҳамда Совет Иттифоқининг бегараз ёрдами туфайли монгол халқи В. И. Ленин таълимотини ҳаётга татбиқ эта бориб, феодал қолоқлиги ва мустамлака қарамлигидан бугунги воқели сари улкан қадам ташлади. В. И. Ленин таълимотининг ҳаётийлиги ва куч-қудрати бизнинг ана шу муваффақиятларимизда яна бир бор тасдиқланди.

МХРда социалистик жамиятнинг шаклланиши ва тараққиётини кўрсатувчи тарихий тажриба шундан далолат берадики, ҳар қандай қолоқ ўлка ҳам миллий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, социализмнинг бунёдкори бўлган мамлакатнинг ҳар томонлама ва бегараз ёрдамига таянган ҳолда нокапиталистик тараққиёт йўлига кириб, қисқа муддат ичида социалистик жиҳатдан тараққий этган миллатга айланиши мумкин.

Дастлабки икки социалистик мамлакат — СССР ва МХР чорак асрдан зиёд давр мобайнида капиталистик қўршовда социализмни мустаҳкамлаш учун ҳамкорликда кураш олиб борди. КПСС ва МХРП бир-бирлари билан ўзаро яқин муносабатларда бўлиб, социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамига хизмат қилувчи асосий принциплар, формалар ва методларни ишлаб чиқдилар, бунинг натижасида янги типдаги халқаро интернационал муносабатлар юзга келди ва у жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши, мустаҳкамланиши натижасида янада камолга етди.

СССР ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг кўмаги сўнги йилларда янада кенгайиши, мамлакатимиздаги ички имкониётлар ишга туширилиши натижасида МХР иқтисодий ҳаётда ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ҳозирги пайтда МХР 1950 йили бутун йил давомида ишлаб чиқарган маҳсулотини уч кун ичида ишлаб чиқармоқда.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 1984 йил июнь ойида бўлиб ўтган кенгаши МХРни жадал суратларда ривожлантиришининг янада янги истиқболни очиб берди. Маъзур кенгашда қабул қилинган ҳужжатда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларнинг, биринчи ғалда ВСР, Куба Республикаси ва МХРнинг иқтисодий тараққиёти даражасини Кенгаш аъзолари бўлган Европа мамлакатлари даражасига етказиш тадбирлари белгиланди.

Социалистик Монголия меҳнаткашлари совет халқининг, жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этаётган, ўз социалистик республикаси ва Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олаётган Совет Ўзбекистони халқининг эришган ажайиб муваффақиятлари билан сидқидилдан фахрланади.

Монгол ва ўзбек халқларининг ўтмиш ҳаёти, маданияти ва урф-одатларида кўпгина тарихий муштараклик мавжуд. Эндиликда эса, социалистик тараққиёт йўлида марксизм-ленинизм гоёлари, социализм ва коммунизм қурилишидаги ягона мақсад ва интилишлар муштараклиги халқларимизни кун сайин бир-бирига янада яқинлаштириб бораётир. Совет Ўзбекистони МХР ва СССР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни тараққий эттириш ҳамда мустақамлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётир. Монгол-ўзбек қардошлик алоқалари тез ва ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон ССРнинг кўпгина корхоналари, жумладан Тошкент Трактор, Компрессор, Чинни заводлари, мева-сабзавот ташкилотлари ва бошқа фабрикалар МХР эҳтиёжи учун ҳар йили маҳсулот етказиб бераётир. Биз ўзaro делегациялар алмашамиз, улар халқларимиз ўртасида янада яқин муносабатлар ўрнатишда муҳим аҳамият касб этаётир. Монголиянинг кўплаб ёшлари Совет Ўзбекистонинда таълим-тарбия олиб, халқ хўжалиги ва маданият соҳасида етук мутахассислар бўлиб етишмоқдалар. МХРнинг Эрдэнэт шаҳри билан Ўзбекистон ССРнинг Олмалиқ шаҳри ўртасида биродарлик алоқалари мустақамланиб бормоқда. 1982 ва 1983 йилларда ЎзССРда МХР, МХРда ЎзССР кунлари бўлиб ўтди. Совет Ўзбекистони тажрибаси монгол халқи учун хамиша илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилади.

МХРнинг халқaro миқёсдаги нуфузи ўсиб, унинг жаҳон майдонидаги позицияси тобора мустақамланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда МХР 90 дан зиёд мамлакатлар билан дипло-

матик, кўплаб мамлакатлар билан савдо ва маданий алоқалар ўрнатган, 70 халқaro ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ташқи сиёсий фаолиятида Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатлар билан бирликда МХР уруш хавфига барҳам бериш, жаҳоннинг турли районларида, жумладан Осиё қитъасида тинчликни мустақамлаш йўлидан бормоқда. Ядро фалокати кескин бўлиб турган ҳозирги халқaro шароитда МХР Совет Иттифоқининг изчил тинчлик сиёсатини ҳамда жавоб тариқасида қабул қилган чора-тадбирларини тўла кўллаб-қувватлайди.

Монгол халқи совет ва монгол қўшинларининг Халхин-Голда япон босқинчилари устидан қозонилган ғалабанинг шонли 45 йиллигини яқинда тантана билан кенг нишонлади. Иккинчи жаҳон уруши арафасида эришилган бу ғалаба монгол ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқалари йилномасининг ёрқин саҳифасига айланди, империалистик босқинчиларга, биринчи галда япон милитаристларига жиддий сабоқ бўлди. Афсуски, Япония ҳукумати тарих сабоқларини ёддан чиқариб, Оқ уй билан бирликда Вашингтон-Токио-Сеул ҳарбий-сиёсий агрессив блокни тузишни режалаштирмоқда. Лекин халқларнинг хотираси мустақам эканлигини бу жанобларга яна бир бор эслатиб ўтиш жоиз.

Монгол халқи совет халқи иккинчи жаҳон урушидаги эришган Буюк тарихий ғалабасининг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тараддул кўрмоқда. Совет Иттифоқининг фашистлар Германияси ва айниқса жаҳон урушининг сўнгги ўчоғи бўлган Япо-

ния милитаризмини тор-мор этишида МХР ҳам ўз улушини қўшди.


МХР ва СССР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва мустақамлаш истиқболлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида кўзга ёрқин ташланиб турибди.

МХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ж. Батмунх айтганидек: «Улуғ Совет Иттифоқи, бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама мустақамлаш партияимиз ташқи сиёсатининг негизини ташкил этади. МХР коммунистлари ва халқи ўртоқ К. У. Черненконинг ўртоқ Ю. Цеденбал билан шу йил февраль ойида учрашуви натижаларини чуқур қониқиб билан кутиб олдилар. КПСС билан, Совет Иттифоқи билан ана шу ҳақиқий қардошларча ўзaro алоқаларини ҳар томонлама мустақамлаш партия ва давлатимизнинг принципиал йўли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».

МХРП XVIII съездининг ва партияимиз Марказий Комитети пленумларининг қарорларини ҳаётга татбиқ этаётган монгол халқи МХРП III съезди ва Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг 60 йиллигини сиёсий кўтаринкилик ва меҳнат жўшқинлиги руҳида кутиб олаётир. Монгол халқи бундан кейин ҳам буюк Совет Иттифоқи билан бирликда тинчлик учун, дўстлик ва ҳамкорлик йўлида фаол кураш олиб бораверади, 60 йил давомида бўлгани каби ленинча дўстликка садоқат туйғусини кўз қорачигидай асраб-авайлайди ва қадрлайверади.

Суратларда: Пойариқ районидagi СССР 60 йиллиги номли пахта тозалаш заводининг бош корпуси; илғор ишчилар — Яхшибой Мамагов, Элмурод Келдиёров, Наврўз Тоштемировлар. Техника яна ишга шай.

Ж. Тўраев фотолари



ЮЛДУЗДЕК ЧАҚНАБ...

ТАМАРА Шокирова. Бу актриса режиссёр Али Ҳамроев томонидан яратилган «Шижоат» фильмидаги илк Гулсара роли билан дарҳол кўзга ташланди. Ушанда у ҳали еттинчи синфда таҳсил қўраётганди...

Мазкур фильм воқеалари халқ ҳокимияти ўрнатилган Туркистондаги чекка кишлоқлардан бирида ижтимоий ўзгаришлар рўй бераётган, социализм йўлини танлаб олган меҳнаткаш халқ тақдири ҳал бўлаётган оловли йигирманчи йилларда кечади. Инқилоб асрлар бўйи аёлларни камситувчи жаҳолат ҳукмини инкор этиб, уларга тенглик, меҳнат қилиш ҳуқуқини берди. Ўзбек аёллари ҳам ўзларининг порлоқ келажакларини яратиш учун дадил кураш майдонига чиқдилар, мулла-эшону золим эрдан қўрқмай курашдилар.

Тамарага топширилган ана шу аёлларимиз вакили бўлмиш Гулсара образи мураккаб психологик кечинмаларга бой образ эди. Гулсара ёш колхоз раисининг хотини, бошида у ёски замон жаҳолатини тўла англаб етмайди, чунки асрлар бўйи ўзбек аёлларида қотиб қолган тушунча — тобеликдан чиқиб кетолмайди. Шунинг учун аввалги ўзини хавф-хатарга қўйиб, паранжидан халос бўлишни истамайди. Эри уни янгилик сари ундаса, отаси бу йўлдан қайтаришга, тобе бўлишга ундади. Тамара Гулсаранинг янгиликпарвар эри ва жоҳил отаси билан бўлган мулоқотларини, отасидан ҳам, севган ёридан ҳам воз кечолмаслигини ички бир дард билан ифодалайди.

Гулсаранинг ҳамқишлоғи Қумри биринчи бўлиб паранжини ташлайди. Лекин уни янги тузум душманлари ваҳшийларча ўлдирдилар. Бу машғум воқеа Гулсарани тамомила ўзгартириб юборади. Унда исёнкорлик, кутилмаган шиддат, болшевик эрига нисбатан кучли муҳаббат, ўз танлаган йўлига нисбатан ишонч уйғонади. Бу шижоат уни дадил паранжисини улоқтиришга ва бошқаларни ҳам шунга чорлашга даъват этади. Бу ерда актриса Гулсара ҳолатини, унинг тўқнашувларга бой психологиясини фақат диалоглардагина эмас, балки кўз қарашлари билан ҳам томошабинга тўғри етказиб бера олди. Эскилик сарқитларидан қу-

тилиб, янги ҳаёт сари биринчи бўлиб қадам ташлаган жасоратли ўзбек аёлларининг ёрқин тимсоли Тамара Шокированинг доворак Гулсараси орқали кўз олдимизда янада ёрқинроқ гавдаланади.

Унинг бу ютуғида албатта устозларининг хизмати катта бўлди. Айниқса санъат мухлисларининг хотирасида ёрқин из қолдирган СССР халқ артисти Раҳим Пирмуҳамедов Тамарага катта кўмак берди. Ш. Аббосов, А. Ҳамроев, Р. Ботиров ва бошқа режиссёрлар ёш актрисага ижрочилик санъати сирлари, кино имкониятларидан сабоқ бердилар. Тамара ҳам ўз навбатида К. Станиславский, Ф. Немирович-Данченко сингари улкан санъаткорлар назарияси билан мустақил танишиб борди. Таниқли ижрочи актёрлардан образларни тушунишни, реалистик талқин сирларини ўрганди. Тинимсиз меҳнат унинг кейинги ижро этган ролларидаги муваффақиятнинг роволи бўлди.

Т. Шокирова «Шижоат» фильмида сўнг «Семурғ» (режиссёр-постановкачи Ҳ. Файзиёв) фильм эртагида суратга тушди. «Семурғ» фильмида у ижро этган Зубайда роли «Шижоат» даги Гулсарадан кескин фарқ қилар эди. Гулсара ёски удумлар, урф-одатлар асираси, сўнг қалб даъвати билан паранжисини улоқтиришга журъат этган исёнкор аёл бўлса, Зубайда кўнгилач, ўз муҳаббатига содиқ соддадил тоқ қизидир. Бу образ ҳам Тамара талқинида меъёрига етказилган десак, янгилишмаган бўлаемиз.

Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи асосида ишланган «Зулматни тарк этиб» бадий фильмида Тамара янада юксак муваффақиятни кўлга киритиб, киномухлислари қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Фильмидаги Раънонинг гўзаллиги, жасорати, оқиллиги Тамара талқинида ниҳоятда ишонарли чиққан. Раънонинг хондан совчи келгандаги аччиқ изтироблари, отаси айтганидек, «пешонага ёзилган тақдир»ни ўзгартириш учун дадил ҳаракати, севгани билан бирга бўлишни хоннинг «олтин» ўрдасидан минг чандон ортик кўриши актриса ижросидаги оний ҳолатлар, нигоҳлар ва рафторда яққол ифодасини топган.

Абдулла Қодирийдек машҳур ёзувчининг китобхонлар учун кадрдон бўлиб қолган қаҳрамонини экранда жонлантириш, ўша давр моҳиятини тўлалигича томошабинга етказиш ёш актриса учун осон бўлмади, албатта. У «Меҳробдан чаён» асарини қайта-қайта ўқиди, тажрибали санъаткорлардан маслаҳатлар олди. Ролга тайёрланар экан, ўз қаҳрамонининг характери ҳақида, унинг хулқ-атворини, муайян ҳолатларини қандай қилиб яхшироқ ифодалаш устида кўп ўйлади.



Фильм режиссёри, таниқли кино устаси Йўлдош Аъзамовнинг маслаҳатларига қулоқ солди. Қатъий эътиқод ва ғайрат, роль устида тинимсиз ишлаш ўз самарасини кўрсатмасдан қолмади. Раъно Тамара Шокирова туфайли томошабинларнинг ҳам севимли экран қаҳрамонларидан бирига айланиб қолди.

Актриса шу тариқа ўзбек киносига янгидан-янги образлар яратиб бошлади, унинг ўзига хос ижро этган роллари кинотанқидчилар ва киномухлислар томонидан муносиб баҳоланди. У ролданролга ўсди, олдинги фильмида йўл қўйган камчиликларини кейингисиде тақрорламай ва ўзига хос ижрочилик маҳоратини шакллантириб борди. Тўғри, Тамара ижро этган ролларнинг ҳаммаси ҳам муваффақиятли чикди деб бўлмайди. «Хаво пиёдалари» фильмидаги Замира, «Менинг азиз кишим» фильмидаги Саида роллари ижросида Тамара ўз қаҳрамонининг ички туйғуларини тўлиқ ёрита олмади, ижрода сунъийликка йўл қўйди.

Бу хатолар Тамара учун катта сабоқ бўлди. Шунда у санъаткор маҳус билимга эга бўлиши кераклигини дилдан тушуниб, Тошкент Театр ва рассомлик институтининг актёрлик факультетига сиртдан ўқишга кирди. Мазкур билим даргоҳида астойдил ўқиди, кино назариясини мукаммал эгаллашга ҳаракат қилди. Ўқиниш

билан бирга талайгина фильмларда суратга тушди, экранда янги қаҳрамонлар яратиб, киномухлисларининг ишончини қозонди.

У ижро этган «Абу Райҳон Беруний» фильмидаги олима қиз Заррин Гис каби қаҳрамонлари томошабинга завқ бағишлади. Режиссёр Шухрат Аббосовнинг кўп серияли «Оловли йўллар» телевизион фильмидаги Тамара ижро этган Юлдузхон образи ҳам таҳлил қилишга арзигулик роллардан бири бўлиб чикди. Тамара бу образ орқали томошабинни ўйлашга мажбур қила олди...

Санъаткорнинг бу ютуғи унга яна бир муваффақиятни бошлаб келди. Уни «Ленинградликлар, жигарбандларим менинг» бадий фильмидаги Хадича ролига тақлиф этишди. Шу мотивда бундан олдин «Сен етим эмассан», «Москваликлар, кадрдонларим менинг» каби фильмлар суратга олинган, тақлидга йўл қўймаслик лозим эди. Улуғ Ватан уруши йилларида қуршовда қолган Ленинград болаларининг Тошкентга эвакуация қилиниши, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ҳақида хикоя қилувчи бу фильмда бош ролни ижро этиш, иктидорли режиссёр Дамир Салимов билан ҳамкорликда ишлаш Тамарага дадиллик бахш этди.

Улуғ Ватан уруши йилларида 14 етим болани ўз бағрига олган Шомаҳмудовлар оиласини ким



НАБОТОТ СИРЛАРИ

билмайди дейсиз? Бугунги кунда уларнинг номи мамлакатимизда фахр билан тилга олишади. Бундай саховат, олийҳимматлик, қахрамонлик кам бўлмади ўша йилларда: минг-минглаб ўзбек аёллари эвакуация қилинган болаларни кутиб олиш учун вокзалга чиқдилар. Улар болаларни ўзлари билан бирга ўйларига олиб кетдилар, оналик меҳри билан сўздилар, ювиб-таратдилар. Бу ҳақиқий оналик ва қардошлиқнинг намунаси эди. «Ленинградликлар, жигарбандларим менинг» фильмидаги бош қахрамон — болалар уйи директори Хадича Ботировна уруш йилларидаги ана шу аёлларимизнинг умумлашган образи эди. Бу роль Тамарага қутилмаган имкониятларини очиб берди. Унинг қахрамони Хадича Ботировна фильмда етимхонадаги ҳар бир бола билан дардлашишга, унга ёрдам беришга, қалбига келажакка ишонч, ҳаётга муҳаббат, катталарга нисбатан меҳр ва ҳурмат уйғотишга ҳаракат қилади. Тамара Шокирова экранда жонлантирган Хадича Ботировна образи мана шундай реал, ранг-баранг бўёқларга бой образ даражасига кўтарилди. Актриса фильмда актив позицияда тура олди. У кадрма-кадр воқеаларни кульминацион нуқтага олиб чиқди. Қахрамоннинг туган ўрнини, ички дунёсини ажойиб ироччилик маҳорати билан очиб берди, фильм муваффақиятини таъминлади. Фильм таъсирчан, қалб кечинmalarига бойлиги билан томошабинда урушга нисбатан нафрат уйғотади. Болаларга ғам-ғусса ярашмайди. Уларнинг юзидан кулги бўлсин, бунинг учун ҳар қандай урушга қарши курашайлик, деб даъват қилаётгандай бўлади.

Фильм мавзуси айниқса бугунги кунимиз учун ҳам жуда аҳамиятли. Совақ уруш оловини ер юзидан ана қайта ёқишга зўр бериб уринаётган империалистик кучлар учун мазкур фильм катта сабоқ бўлиши мумкин. Тамара бу фильмда масъулиятни янада чуқур ҳис қилди, ўзбек халқининг саховатини, меҳмондўстлигини, Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстликни юрак-юракдан мадҳ эта олди. «Ленинградликлар, жигарбандларим менинг» бадий фильмининг бир гуруҳ ижодкорларига Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати унвони берилди. Улар орасида Тамара Шокирова ҳам бор.

Тамара Шокирова бош роллардан бирини ижро этган «Бўйсунмас» (постановкачи-режиссёр Анатолий Қобулов) бадий фильми ҳам 1983 йили Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Тамара Шокирова ижросида талкин топган қатор образлар кино муҳлислари учун кадрли бўлиб қолди. Уни Иттифоқимизнинг қатор студиялари янги фильмларда суратга тушишга тақлиф этишяпти. Бу юксак ишонч ва эътибордан илҳомланган Тамара янгидан-янги образлар яратишга ҳаракат қилмоқда, санъат сирларини янада мукаммал ўрганмоқда.

Абдураззоқ КАРИМОВ

...Етмиш олтинчи йил. Ленинград шаҳрида ботаникларнинг XII халқаро конгресси борарди. Самарқандлик Маматқул Икромовга сўз берилди. У ўзининг илмий фаолияти давомида ўтказган, аниқлаган иш натижалари ҳақида ҳисоб берди. Олимнинг ўзи тадқиқ этган ниҳоятда шифобахш ўсимлик — кўкпаранг (лагохилус)нинг хусусияти, инсон организмга гаройиб таъсири ҳақидаги мароқли маърузаси анжуман аҳлида катта таассурот қолдирди...

Конгрессдан сўнг профессор Маматқул Икромович номига кўплаб мактувлар келди. Стокгольм фармация институтининг директори, профессор Финн Сандберг, канадалик доктор Смейк ўз хатларида ўзбек олими кашф этган гаройиб ўсимликни ўз мамлакатларида экиш, уни кўпайтириш ниятида эканликларини билдириб, ундан маслаҳат сўрашди. У чет эллик ҳамкасбларига зудлик билан жавоб қайтарди.

Дарҳақиқат, олим табиатда инсон умрига умр кўшадиган, дардига дармон бўладиган гиёҳ — кўкпарангни ўрганиб, унинг шифобахш хусусиятини аниқлаб берди. У бирин-кетин мазкур ўсимликнинг 41 турини тадқиқ қилди. Уларнинг географияси, морфологияси, экологиясини ишлаб чиқди, маданийлаштириш йўллари топти. Олим ўсимлик тарихидаги 20 дан ортқик микроэлементларнинг ҳар бирини синчқиллаб текширди. Буни қарангки, олимнинг тақлифи билан профессор М. Э. Ақопов лагохилусни гемофилин, гипертония, экзема, глаукома ларни даволашда, қон босимини пасайтиришда, марказий нерв системаси ишини нормаллаштиришда медицинада кенг қўллай бошлади. Энг муҳими, мазкур гиёҳнинг қон оқшини тўхтатишда фойдали доривор эканлигини исботлади.

Маматқул Икромович шу ўсимлик устида ўтказган ўз тажрибаларини жамлаб, дастлаб 1960 йилда кандидатлик, 1972 йилда эса докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Шу орада у «Лагохилусни маданийлаштириш», «Ўрта Осиё лагохилусларининг солиштирма анатомик тузилиши», «Ўрта Осиёда ўсадиган лагохилус (кўкпаранг)ларнинг систематикаси, морфологияси ва биологиясига оид» номли учта монография эълон қилди. Шунингдек, у Москвада нашр этилган «СССРдаги доривор ўсимликлар ареали ва уларнинг бойликлари» атласининг муаллифларидан бири бўлди. Олимнинг илмий ишлари Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида намоиш этилиб, кумуш медал билан тақдирланди.

Маматқул Икромович бўш вақтларида баъзан эришган

ютуқларини сарҳисоб қилатуриб, ўзининг оғир кечган болалиги, илмий ишнинг бошланишидаги қийинчиликларни хотирлайди...

...Асли Самарқанд облатининг Оҳалик қишлоғида туғилган Маматқулнинг ёшлиги Жалолқудуқ районидаги болалар уйида ўтди. У отадан барвақт етим қолди. Шу сабабдан турмуш ташвишлари унинг бошига эрта тушди. Шундай бўлса-да, Маматқул ўқишга қаттиқ меҳр қўйди. Бу орзу уни педагогика билим юртига етаклади. Аммо у энди ўқиниши тугатган 1942 йилда мамлакатда оғир аҳвол эди. 18 ёшли йигит кўнгиллилар сафига Ватанин фашист bosқинчиларидан ҳимоя қилиш учун фронтга жўнади. Ленинград мудофасида қатнашди. Шундан сўнг у Волхов, 3-Болтик бўйи фронтларида олиб берилган жангларда иштирок этди. Ушанда Волхов fronti газетасида ефрейтор Икромовнинг матонати таърифланган мақола ҳам босилди. Унинг фронтдаги хизматлари Қизил Юлдуз ордени ва «Ленинград мудофаси учун», «Жанговар хизматлари учун» жанговар медаллари билан тақдирланди. Лекин Маматқул Икромов урушнинг охиригача қатнаша олмади. 1945 йил икки марта контузига бўлгач, бир марта оғир яралангач, медицина ҳамшираси ёрдамида ўз қишлоғига қайтди.


Янаш учун курашиш, ҳаётга интилиш, мустаҳкам ирода ҳар қандай дардин енгар экан. Маматқул ака инвалид ҳолида мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаш бўлади. Айни вақтда Андижон институтида ўқиди. Ушанда, яъни 1947 йилда Студентлар илмий жамиятлари биринчи республика конференциясида доклад билан қатнашиб, машҳур олим Е. П. Коровининг назарига тушди. Унинг маслаҳати билан 1948 йилда Ўзбекистон Давлат университетининг

биология ва тупроқшунослик факультетига ўқишга кирди. У университетни муваффақиятли тугатиб, ботаника-дарвинизм кафедрасида ишга қолди.

Уша пайтда кафедрага профессор Е. И. Проскуряков мудирлик қиларди. Саҳий қалб олим Маматқул Икромовга ҳомийлик қилди. Евгений Иванович ҳали кўпчиликка номаълум гиёҳ лагохилусни «ҳақиқий олтиннинг ўзи» деб баҳорат қилган эди. Лекин ёш олимга: «Бу йўлдан бориш ҳеч қандай натижа бермайди, ҳозирдан бошқа ишнинг бошини ушлаш керак», дегувчилар ҳам топилди. Дастлаб уларнинг гапида ҳам жон бордек туюлди унга. Чунки икки-уч йил шу ўсимлик устида тажриба ўтказса-да, уни қандай кўкартириш кераклиги ҳали номаълум эди. Барибир ёш тадқиқотчи ниятидан қайтмади. Чунки ҳаётда, айниқса, фанда ҳеч қачон осон йўл бўлган эмас.

Киши ўз касбига, ишига астойдил меҳр қўйса, ҳеч қачон пайд емайди, деган фалсафа билан дадил олдинга интилди у. Олим ўз тадқиқотлари билан табиат ноз-неъматлари ичда ўсимликлар дунёён битмас-туганмас хазина эканлигини, уни чуқур ўрганиш эса, кишилар соғлиғига катта фойда келтиришини чуқур ҳис этди. Одатда, қўлланадиган доридармонларнинг кўпчилиги химиявий усулда тайёрланиб, улар бир аъзони даволаса, иккинчисида асорат қолдиради. Табиий гиёҳлардан тайёрланаётган дорилар эса организм учун ҳар томонлама фойда экан. Маматқул Икромовичнинг илмий хулосалари замирида ана шундай гоёлар ётади.

Дарҳақиқат, олим кашф этган бу гаройиб гиёҳ ниҳоятда рангбаранг хусусиятга эга. Жумладан, унинг шарбати ва киёми чўл зонасида ишлаб ҳориган механизаторга ичириб синаб



Профессор Маматқул Икромов шогирдлари даврасида.

кўрилди. Бу гиёҳ чарчок ва чанқонни қондириб, механизаторнинг қуякчи меҳнат унумини 20 процентга оширди...

Маматкул Икромович Тошкентдаги Ядро физикаси институти илмий ходими Ш. Ҳотамов билан ҳамкорликда лагохилуснинг ҳали маълум бўлмаган янги қирраларидан бири — унинг ноёб элементларни аниқлай олувчи индикаторлик хусусиятини ҳам излаб топди. Маълум бўлишича, лагохилуснинг баъзи турлари барги ва поясида олтин, баъзилари эса уран элементини тўплар экан. Табиийки, бу ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

— Китобни, диссертацияни бир киши ёзиши мумкин, — дейди Маматкул Икромов, — аслида улар ҳам шу пайтгача эришилган муваффақиятлар, тўпланган фактлар, анализлар силсиласида яратилди. Автор эса шуларни ўз тафаккури чигиригидан қайта ўтказиш билан биргача бирор янгилик киритади. Ньютон ҳам: «Агар мен бошқалардан узокроқни кўра олган бўлсам, бунга титанлар елкасида турганим сабаб», деган эди. Биз ҳам ўзимизнинг бугунги камолотимизни устозларимизсиз, ҳамкасбларимизнинг ҳамкорлигисиз тасаввур қила олмаймиз.

Одатда, устозни боғбонга қиёс

қиладилар. Маматкул Икромович ҳам ана шундай самарали мураббийлардан. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида беш киши биология фанлари кандидати деган илмий даражани олишга муваффақ бўлди. Аини вақтда профессор яна уч ёш тадқиқотчига ҳомийлик қилмоқда. У ҳамisha ўзининг илмий салоҳияти ва инсонийлик фазилатлари билан шогирдларига ибрат бўлишга интилади.




Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ботаника кафедраси mudiri, биология фанлари доктори, профессор Маматкул Икромовнинг фан соҳасидаги самарали хизматларини республика партия ва ҳукумати «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони билан муносиб тақдирлади.

— Бу юксак унвон зиммамга янги масъулият юклайди, — дейди олим. — Уни янги тадқиқотлар билан оқлаш менинг олимлик, коммунистлик бурчимдир.

Заҳматқаш устознинг хайрли ишларига биз ҳам тилакдошимиз.

Ҳамза ШУКУРОВ,
Баҳодир ҚОБУЛОВ

Самарқанд



Галабанинг 40 йиллигига бағишланган XVII Бутуниттифоқ мактаб ўқувчилари спартакиадаси республика миқёсида бўлиб муваффақиятли ўтди. Суратларда: спартакиаданинг Тошкентда тантанали очилиш маросими; минбарда ЎзССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова (биринчи сурат); СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. В. Волинов.

Е. Ботиров фотолари



Октябрь революцияси номидаги Тепловоз ремонт заводи ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қодиров ўз шогирди А. Йўлдошев билан.

В. Казанцев фотоси
(ЎзТАГ)

10 ноябрь — Совет милицияси куни

ЖАНГОВАР САФГА!

Тошкент шаҳри. В. И. Ленин номидаги проспект ёқасидаги сарғиш гиштин бино пештоқидаги «СССР Ички ишлар министрлиги, Тошкент маҳсус ўрта милиция мактаби» деган лавҳа мактаб ҳовлисига гуррос-гуррос кириб келаётган кишиларнинг эътиборини ўзига тортади. Ҳа, бугун бу ерда ўзгача шодиёна — мактабни битирувчиларнинг тантанали маросими ўтказилади. Шунинг учун ҳам мактаб ҳовлиси одамлар билан ҳар қачонгидан кўра гавжумлашмоқда. Битирувчи курсантларнинг ота-оналари, дўсту биродарлари уларни тантанали кун — қўлларига етуқлик гувоҳномаларини олиш билан кутлаш мақсадида шу ерга тўпланишган.

Ҳадемай, Ўзбекистон Ички ишлар министрлигининг ва жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, ўқув юрти раҳбарлари тантанали йиғилиш минбарига кўтариладилар. Шу вақт саф тортган битирувчи курсантлар оркестр садолари остида қўлларидикирил байроқ тутган ҳолда майдонга кириб келадилар...

Қизил байроқ! Тантанали марш қатнашчиларининг қўлида ял-ял ҳилпираб турган алвон ранг бу байроқнинг ўз тарихи, ўзгача мазмуни бор. Қизил байроқ Улуғ Октябрь бўронларида ота-боболаримиз қўлга киритган буюқ тарихий галабанинг, Улуғ Ватан урушида халқимиз кўрсатган мислсиз қаҳрамонликларнинг, урушдан кейинги тинчлик даврида қўлга киритилган улкан меҳнат зафарларининг кутлуғ рамзидир. Мамлакатимиз герби ва ўроқ-болға тамғаси босилган бу мўътабар байроқ улуғ Советлар оиласига уюшган кўп миллатли совет киши-

ларимизнинг шонли Коммунистик партия-мизга ва жонажон Ватанимизга бўлган чексиз садоқатининг тимсолидир. У бизнинг фахримиз ва гуруримиз! Шу бондан ҳам партия ва халқ хизматида отланаётган, ҳаётга йўлланма олаётган ёшларнинг шу кутлуғ байроқ олдида қасамёд қилиши, сўз бериши бизда шонли анъанага айланган.

Мана бугун СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент Маҳсус ўрта милиция мактабини битирган навқирон ёшлар ҳам шу муқаддас байроқ олдида ҳуқуқ-тартибот ишларини мустаҳкамлашда партияга, халққа садоқат билан хизмат қилишга сўз бермоқдалар. Улар мактаб кучоғида ўтган икки йил давомида ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан чинқидилар.

Уша куни битирувчи курсантларга етуқлик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. Мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган ва намунали хулққа эга бўлган Раҳим Турдиев, Уткир Исоқов, Исмаилов Холбеков, Исоқ Тўхтамурадов, Носиржон Кимсанов сингари йиғирма икки нафар ёшга эса имтиёзли дипломлар берилди. Сўнгра,

СССР Ички ишлар министрлигининг битирувчиларга милиция лейтенанти унвонини бериш ҳақидаги буйруғи ўқиб эшиттирилди. Кейин мактаб бошлиғи, ички хизмат полковниги ўртоқ Е. Н. Флютович ёшларни мактабни муваффақиятли битирганликлари, уларга дастлабки офицерлик унвони берилиши билан табриклади. У совет милицияси сафига йўлланма олаётган мазкур йигитлар олдида

турган вазифалар ҳақида гапириб шундай деди:

— Маълумки, совет милицияси шонли тарихга, ажойиб анъаналарга эга. Сизлар бу анъаналарга доим содиқ қолишларингиз, милициямиз тарихини янги, ёрқин саҳифалар билан бойитишларингиз лозим. Сизлар ҳаётга йўлланма олаётган ҳозирги шароитда партия ва ҳукуватимиз бизни мавжуд нуқсон ва камчиликларга, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга муросасиз равишда кескин кураш олиб боришга даъват этмоқда. Сизларнинг фаолиятингиз учун, ҳаммамиз учун бўлганидек, КПСС Марказий Комитетининг Апрель пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари энг муҳим дастуриламалдир. Ҳамisha муқаддас қасамёдга содиқ қолиш сизларнинг бурчингиздир.

Тошкент Маҳсус ўрта милиция мактаби ҳам ўзининг шонли тарихига эга. Дастлаб мактаб 1932 йилда Қўқон шаҳрида ташкил этилди. Кейин у маҳсус ўрта милиция мактабига айлантирилиб, Тошкент шаҳрига кўчирилди. Ўтган 52 йил давомида мактаб кучоғида юзлаб турли миллатларнинг фарзандлари таълим олдилар. Улар орасидан милиция органларида самарали хизмат қилган ва қилаётган етуқ офицерлар, генераллар етишиб чиқдилар. Чунотчи, Ўзбекистон Ички ишлар министрлигининг ўринбосари, милиция генерал майори Муҳтор Султонов, Бухоро область Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал майори Гофур Раҳимов ва бошқалар шу мактабда таълим олган кадрлардир.

Милиция мактабининг курсантлари ўқиб даврида ҳам Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ишларида фаол қатнашдилар. Масалан, мактаб талабаларидан Тўракул Нодиров, Бисанбой Казбеков ва Тўракул Мирзаев хавфли жиноятчини қўлга туширишда кўрсатган жасоратлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони билан СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медали билан тақдирланган эдилар.

Мактаб курсантлари ва ўқитувчи командирлар состави Улуғ Ватан урушида ҳам фаол иштирок этдилар. Уша вақтда милиция мактаби партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган Д. Ғабдулхалилов, комсомол комитетининг секретари М. Меш ўртоқлар буюқ галаба учун олиб борилган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлиб, ўз номларини мангуликка қолдирдилар. Ўқув корпусининг иккинчи қаватида жойлашган мактаб музейидаги ҳужжат ва экспонатларда мана шулар ҳақида ҳикоя қилинган. Мактабнинг ҳозирги юксак салоҳиятли ўқитувчи-командирлар состави ҳам ўқув юртининг ана шу шонли анъаналарини изчил давом эттириб, милиция органлари учун жисмоний чинққан, совет характерида хос олижаноб фазилатларини ўзларида мужассамлаштирган доворак кадрларни тарбиялаб етиштириш учун жонкуярлик қилмоқдалар.

Шомурод СИДДИҚОВ

ШУНДАЙ қилиб, мен уйланмоқчи бўлиб турибман. Хонадонимиз энг яқин қавм-қариндошлар, қадрдон ёру биродарлар билан гажумлашиб кетди. Ҳаманинг фикри-зиكري — менинг бошимни икита қилиб, «бўйнимга ола хуржунни осиб қўйиш» билан банд.

Қариндош-уруғлар бир-бири билан бас бойлашгандай ҳар кун келинликка «яңги бир номзод» топиб келади. «Ўз ҳолимга қўйсангизчи, вақт-соати билан ўз тенгимни топиб оларман», дегандим, балога қолдим, юмма талаб, озимни очирмай қўйишди...

Акам чет эл командировкаси-дан қайтдию, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Чунки қарқуноқдан бўлбўл чиқибди, дегандай, жуда одамшаванда, киришмили. Бир пиёла ҳош пичуғунча вақт ўтмай, ҳамсуҳбат бўлган одами дарров ўзига ром қилади-кўяди. Шундан бўлса-қерак, таниш-билишлари сочининг толасидек кўп. Унинг ширин суҳбатини, ҳазил-мутойиба гапларини эшитгани узоқ-узоқлардан излаб келишади. Ана шунда ичак узди аскияни қўяверинг.

Каминанинг бошидан ўтганларини эшитиб, акам қорнини ушлаб роса юмалади. Кейин шолғомдай кизариб кетганимни кўриб, раҳми келди шекилли, юпатган бўлди:

— Гапнинг ўғил боласини айтганда, сенда айб йўқ, укам. Поччамиз билан тоғамиз тўшмагурлар афандининг ишини қилишибди-да. Ҳе йўқ, бе йўқ, томдан тараша тушгандай сен соддагинани қизларга рўпара қилаверишибди. Ҳеч замонда қизларни ҳам ярмаркага қўйилган матоҳдай кўрарканми?! Сенбоп қизни топши ташвишини ўзимга юклаб қўявер, укам.

Худди кечқурун қарнай-сурнай чалиб, куёвнавкарлар жўралигида даббаба билан келинликка борадигандай энтикиб, бўпти, деб акамнинг ташлаган қўлини маҳкам қисганимни билмай қолибман.

Акам ҳар кун тонг сахарлаб ишга кетганидан кенноиймининг озини пойлайман. Қани энди, ундан бир садо чиқса. Бир нима деб оғиз жуфтлаганга ўхшайдию, яна жиддийлашиб олади. Акамнинг ўзи билан гаплашай десам, бу ой кечки сменада ишлайман. У билан деярли кўришмаймиз. Кенноиймининг аҳоли бўлса — бу.

Хунобин ошиб, аламимни ишдан олмоқчи бўлдим. Тикилган қозон қайнамас деб бекорга айтмас эканлар. Олдинлари нақ ойда оёғим билан бириб ташлайдиган чизмалар кани энди ниҳоясига ета қолса?! Кавламаган дарелигу спировчиклар қолмади. Умримда папирос чекмаган, одам бинойидек кашанда бўлдим-қолдим. Бундан беҳабар онам бечора: «Бологинамининг ранги синикиб, бижидек бўлиб қолди, кўк-йўталга чалинган хастадек кечаси билан йўталиб чиқади, иш-қилиб, ётиб қолмасайди», деб кўни-кўшиниларга ҳасрат халтасини очиб қолади.

Дам олиш кун. Уртоқларим билан Санъат саройида намойиш қилинаётган янги кинофильмни кўришни маслаҳатлашиб олган-

дик. Тарадудимни кўриб, кенноийм жилмайганча уйга кириб кетди. Хиёл ўтмай акамнинг овози эшитилди:

— Темирбек, ҳой Темирбек!
— Лаббай, акажон? — жавоб қайтардим мулойимлик билан.
— Бугун ҳеч қаёққа бормайсан.

— Нега энди?
— Гап бор.
— Билсак бўладими? — пичинг қилдим жаҳлимни яширолмай.

— Йўқ. Ҳамма нарсаи билаверсанг, калланг хумдек шишиб кетади.

— Шундайми, хўп, билмаганим бўлсин. Мен кетдим.

— Ўзиям жаҳлинг бурнининг учиде турадиган бўлиб қолибди. Хўп, билсанг билакол: бир нозанин билан учрашувга олиб бормоқчимиз.

— Нахотки? — дедим ишонқирамай. Ахир, шу кунни кутавериб, умидимни узиб қўяёзган эдим-да.

— Ҳадеб ичиктиравермай, Даврон ака, бор гапни айтинг — қўйинг. Қайним — қаймогимнинг юрак-бағри куявериб, қабоб бўлиб кетди-ку, — деди кенноийм акамга ялиниб.

— Қўймадингиз — қўймадингиз-да, Дилбархон, — деди акам енгиландек иккала қўлини кўтариб. — Бўлмаса, мен айтмай, сен эшит.

Акам менга бир қизни шундай таърифладики, ўзимни қўярга жўи тополмай қолдим. Акамнинг ақлига қойил! Қизнинг исми Сарвиноз эмиш. Исми жисмига бирам монадмишки... Мени у билан дугонасининг никоҳ тўйида таништириш режасини пашитмагунча оғиз очмабди-я. Мана, бугун ўша кун етиб келиб, каминанинг бошига бахт куши қўнадиганга ўхшаб қолди.

Вақтинг имиллаб ўтишини қаранг. Кечки соат етти бўлгунча, нақ етти йил ўтди-ёв. Одатим бўйича эрталаб соқол-мўйлабимни хафсала билан олгандим. Кўнглим тўлмай, юзимга яна кўпик суртдим. Битта тукини ҳам қолдирмай қиртишладим. Оҳори тўкилмаган қиймларимни қийиб, ойнага ўзимни солдим: хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг кўзуга менга бокиб турган ёқимтой йигитга, яъни ўзимга ҳавасим келиб кетди. Сарвинозга худди шундай маҳбуб, менга эса Сарвиноздек қайлик керак, деган қатъий қарорга келиб қўйдим.

Кечқурун учовлон — акам,

кенноийм ва мен «Зарафшон» ресторанига йўл олдик. Бора-боргунча тегишли йўл-йўриқлар берилди.

Залда бирин-кетин одамлар тўпланапти. Менга насиб қилгани қайси бири экан деб, келаятган қизларга термуламан. Баъзиларига қаттиқроқ тикилвораман шекилли, уялганданми, ё мазах қилганиданми, енгил бош қимирлатиб, табассум ҳада этганлар ҳам бўлади.

Жамоат жам. Бир маҳал Мендельсоннинг «Тантанали марши» янгради. Ҳамма шитоб билан оёққа қалқиб, залга кириб келаятган қелин-куёвни қарсақлар билан кутиб олди.

Тўйни очиш лаҳзалари тобора яқинлашарди. Микрофон тикилгандек бўлди. Қарасам, Абдусамад ака томоғини қириб, тантанавор бир вазиятда ваъз айтишга чоғланапти. Айтмоқчи, сизни у билан таништирмабман. Шаҳримизда бирор доврўгли тўй йўқки, унингсиз ўтса. Ўзиям гапиришни қотирворади-да. Келин-куёвнинг камиде етти авлодини кўз юмиб айтиб чиқади. Гапнинг сўнгида: «Жамиятимизнинг янги ячеикасига шу ерда ўтирганлар номидан ўн бир ўғил ва бир қиз ато этишини тилаймиз», деган истакни қис-тириб кетишини қанда қилмайди. Нега ўн бир ўғил дейсизми? Чунки янги бино бўлаётган шу оила «Пахтакор» учун яхлит футбол командаси аъзолари ҳамда шу команда учун махсус врачни тайёрлаб бериши керак экан.

Очарчининг доврўги шаҳардан чиқиб узоқ қишлоқларга ҳам ёйилган. Кўпичча тўй бўлиш кунини маҳалла-кўй, қавм-қариндошлар эмас, айтиш шу Абдусамад ака белгиларди. Тўйга бош бўлишни илтимос қилиб келганлар учун унинг бир қалима сўзи қонун. Ен дафтари эринмай арақлайди-да, бўш катаклардан бирини нукта: «Кечирасиз, фалон ойнинг фалон куниде вақтим бор. Бу ҳам азбаройи сизни кўзим қиймаганидан. Бўлмаса, улфатлар билан бир Хулосонга чиқиб, чақчақлашиб келиш ниятим бор эди», деб гапни чўрт кесади. Абдусамад аканинг айтиб қолшидан чўчиган кишилар қўлт ютишиб, кўзларини чирт юмганча у тайинлаган кунга рози бўлиб кетаверишарди.

Бугун ана шу Абдусамад ака никоҳ кечасига бош-қош.

Бошқаларни билмайман, мен у одамга маҳлиё бўлиб қолдим. Тўйга нима мақсадда келганимни ҳам унутаёзиман. Бир маҳал

акамнинг турткисидан ўзимга келдим:

— Намунча амманнинг бузоғи бўлмасанг. Ана, келиннинг ёнида янғаси ўтирибди, ундан кейингиси Сарвиноз. Яхшилаб таниб ол. — Акам шундай дедию, ҳеч нима билмагандай, кенноийм томонга ўгирилиб, узилган суҳбатини келган жойидан улаб кетди.

Тавба, боядан бери қаердай-дим? Нега кириб келишаятганида кўзим тушмади-я? Ҳақиқий Сарвиноз! Гунча мисоли қимтиниб ўтирибди. Уни ҳам олдиндан хабардор қилишганим, мен томонга хумор кўзларини тиккандек туюлди. Аъзойи баданим ширин бир ҳис-туйғуга чулғаниб, бошим айланиб кетди.

«Хаёлимдаги қиз шунинг ўзику», деган қатъий қарорга келиб, бугунги тантананинг сабабчиси худди ўзимдек ҳис эта бошладим. Гап-сўзлар, шўх ўйин-қулги қулоғимга кирмас, гўё еттинчи осмонда эдим...

Яна биқинимга туртки тушди: — Ҳой, ландавур. Умрингда бунақа тўйда биринчи бўлишгини дейман?! Худди ажойиботқонага қўққисдан кириб қолган томошабинга ўхшаб намунча аңқасан? Тур ўрингдан, қизни рақсга таклиф эт.

Акамнинг дашноми ўринли эди. Келин билан куёв тенгқурлари даврасида бир маромда рақсга тушарди. Қиз билан мулоқатда бўлиш учун бундан кўра қўлайроқ вазият бўлмасди. Қиз ва йигитларга қўшилиб, оёқ-қўлларини уларга ҳамоҳанг ишга солиб юбордим.

Омадсизнинг ови юрмаса, қийин бўларкан. Сарвиноз билан бир-икки оғиз сўзлашишга ҳам улгурмай, музика тиниб, ҳамма жой-жойига равона бўлди. Шўпайиб туришини эп кўрмай, бошимни ҳам қилганча ўримга бориб ўтирдим.

— Қалай, укам, юрагинг жаз этдим?

— Менинг юрагим-ку, жизганча бўлиб кетди, лекин уникини билмадим.

— Тўғрисини айт: ҳеч бўлмаса, танишиб олгандирсан?

Танишиб олишининг ўзи бўларканми? Имтиҳонга тайёрланмай келиб, домла олдида чувни чиққан студентдек бўзариб, лом-мим дёлмадим.

Орадан бир фурсат ўтиб, акам даврада ўтирганлардан ўз сўраб, билганини маҳкам қисиб олганча мени залнинг нариги бурчагига бошлади. Тўрт-бешта стол бир-



Байрам шодидёнаси.

Н. Шарипов фотоси



Ўзбекистон rassomларидан бир гуруҳи: (чапдан) Фаррух Кагаров,
Бахтиёр Назаров, Чингиз Аҳмаров, Совет Иттифоқи Қаҳрамони
Самиғ Абдуллаев, Қутлуғ Башаров.

Н. Шарипов фотоси



Н. ПУДОВКИН.

БРИГАДА.



Генерал-лейтенант, Ўзбекистон ССР Граждан
мудофааси штабининг бошлиғи Собиржон
ОХУНЖОНОВ.



М. ЕСИН. БРЕСТ ҚАҲРАМОНЛАРИ
ШАРАФИГА ЎРНАТИЛГАН ЁДГОРЛИК.

лаштирилиб ясалган даврада йиғирма чоқли эркак, аёл тўйга ҳаммадан кайфиятда суҳбат қуради. Визга кўзлари тушиши билан нари-бери сурилишиб, жой бўшаптиди. Олдин эслатиб ўтганимдек, акам ҳам қандай давранинг жон-дили эмасми, дарров қовушиб кетди. Ёнида ўтирган бугдойранг, истараси иссиқ, ёши ўттиз бешларга борган киши менга сичковч назар ташлаётганини сезиб қолдим. Нима ҳам қилардим. Бўлар иш бўлди, деб тақдирга тан бериб, индамай ўтиравердим. Ҳалиги одам мени гапга солабошлади. Бунда акамнинг жонбозлиги асосий омил бўлгани сир эмас, албатта.

Бу орада Абдусамад аканинг хизмати ниҳоясига етиб, келин-куёвлар шаърига эзгу орзу-ниятлар билдирилган ширин сўзлар айтилиб никоҳ кечасига хотима ясалди.

Ҳамма ўрнидан тура бошлаганда акам боғи дўстига маъноли қараб олиб, менга сўз қотди:

— Темиржон, кеннонинг билан оёғимизнинг чигилини ёзиб, пиёда кетмоқчиман. Сен Файзулла аканинг измида бўласан. Уларни уйига олиб бориб қўясан. Хўпми?

Шундай дедию, кўлимни маҳкам қисиб, жўнаб қолди. Кани, бугеги нима бўларкин, деганча ҳайрон қолавердим. Файзулла ака сирли жимайганча менга яна бошдан-оёқ разм солди-да:

— Укажон, сиз бафуржа чиқиб, машинанингизда ўтиратуригиз, мен ҳаял ўтмай, янгангиз ва синглингизни олиб чиқаман. Айтмоқчи, машинанинг номери неча эди? — «25» у «52» — дедим оҳиста.

Бир нима бўлишини олдиндан юрагим сезиб турибди. Нахотки, «синглингиз» дегани хумор кўзди Сарвиноз бўлса?! Маст одамдай оёқларим чалишиб, аранг машинами топиб олдим. Юрагим темирчининг боққонидай гузиллайди. Чиндан ҳам тахминим тўғри чиқди. Файзулла ака орқа ўриндикка «янгам билан синглим»ни ўтказиб, ўзи ёнимга жойлашди. Тўй таассуротлари ҳақида гаплашиб кетдик. Тўғрироғи, Файзулла ака билан «янгам» гапиришди. Менинг кўзларим йўлда, қўлларим рудда, хаелим эса нафас олмай ўтирган Сарвинозда. У нимани ўйлаётган экан? Тақдиримизни бир-биримизга боғлаш учун шу учрашувни уюштиргунча она суги оғзидан келган «катта»ларнинг озмунча бош қотирганидан хабардормикан?

Оқтепа массивига яқинлашганда, мебель магазини қаршисидаги кўприкдан ўтиб, ўннга бурилдик. Сувенир фабрикаси ёқалаб юз метрча йўл босгач, машинани тўхтатишимни буюрди, ҳамроҳим. Одоб юзасидан чаққон тушиб, орқа эшикни очдим. «Янгам билан синглим» миннатдорчилик билдириб, машинадан тушишди.

— Укажон, уйга кирамиз деса, қуруқ манзират бўлади. Ҳали омонлик бўлса, яна учрашиб турармиз. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Синглингиз бизникида қолаверса бўларди-ю, аммо уйдагилар хавотир олишади. «Обкелиб қўямиз», деб ваъда қилгандик. Агар малол келмаса, Бешқайрағочга обориб қўйсангиз. Одамларга ҳайронман. Нега

энди малол келаркан? Бешқайрағоч экан-ку, менга қолса, бир тупканинг тағига бўлса ҳам жон дейман. «Синглим» ийманганча орқа эшикка қўл узатаётгани, янгам:

— Бу нимаси, Сарвиноз? Одам шунақаям ёввойи бўладими? Тенгқурсизлар. Бундай замонавий ёшларга ўхшаб, ёнма-ён кетсаларинг бўлмайми? Қайтага, зерикмайсизлар, — деди.

Ноилож бош эгиб, опасининг амрига бўйсунигша мажбур бўлди. Хийла вақт мум ташлагандай кетдик. Чамаси, ташаббусни мен қўлга олишим керак. Қани энди тил, забон бўлса. Бир маҳал ўзимнинг овозимдан чўчиб тушдим. Юрак ютиб, гап бошлабман денг!

— Сарвиноз, тўй жудаям яхши нарса-да, шундай эмасми?

Бунга жавобан қизнинг узун киириклари оҳуниқидек қуралай кўзларини яширди. Орада яна узоқ сукунат.

Қарасам, уйга яна қуруқ қайтадиганман. Машинанинг тезлигини пасаитирдим-да, ичимдаги бор гапни тўкиб солдим:

— Сарви...ноз, биласизми, бир гап айтмоқчиман. Фақат хафа бўлмайсизми?

— Қўйинг, айтманг. Тагин хафалашиб қолмайлик.

— Йў-е, хафа бўладиган гап эмас ўзи, фақат, фақат...

— Илтижо қиламан, айтманг, — деди овози қалтираб. — бўлмаса ҳозирок машинадан тушиб қоламан.

«Уни ҳуркитиб юбордим шекилли», деб ичимда ўзимни жуда ёмон кўриб кетдим. Манзилгача

икковимиз ўз хаёлимиз билан бўлиб, чурқ этмай етиб келдик. Хайрлашаркан, орамиздан ҳеч гап ўтмаганди, самимиёт билан кўлини узатди:

— Ана, уймизда ҳали чироқ ўчмабди. Аям тиқ этса эшикка қараб, хавотир олиб ўтиргандирлар, Катта раҳмат сизга.

— Арзимаёди, — мингирладим эшитилар-эшитилмас, сўнгра илтижо билан термудим. — Сарвиноз, агар...агар... мумкин бўлса...

— Нима мумкин бўлса? — ҳайрон бўлиб, елкасини қисди, у, — айтаверинг.

— Вақт... имконингиз бўлса, бир учрашсак...

— Учрашиб турибмиз-ку, ҳозир?! Яна нима керак сизга?

— Айтгаверайми ҳозир? Бўлмаса эшитинг. Мен... Мен...

— Тўхтанг, тўхтанг, — дея гапимни бўлди. — Бирданига ҳамма гапни гаплашиб олсак, бўлмас. Бугунга шуниси ҳам етар, аям келганимни сезган бўлишлари керак. Ҳаяллаб қолганимни билсалар, кўнгилларига бошқа нарсалар келиши мумкин, — дедию, мендан узоқлаша бошлади. Жон қолатда етиб олиб, учрашув ҳақидаги таклифимни такрорладим. Шу пайт ҳовлидан овоз келди:

— Келдингми, қизим? Намунча кечикмасанг. Биласан-ку мени, келгунингча нечта кўчага кириб чикдим.

Сарвиноз юзига шаҳодат бармоғини босиб: «Уятга қолдик» дегандек ийманди ва: «Эртага кечқурун соат 8 да Халқлар Дўстилиги майдонидаги Шоаҳмудовлар оиласига ўрнатилган ёдгор-

лик олдида кутинг», дея ўзини ичкари олди.

Бу сўзларни шивирлаб айтган бўлса-да, қулोगимга жаранглаб эшитилгандай туюлди. «Кутинг». Қандай ширин сўз-а. Шу бир оғиз сўзни эшитиш учун бутун борлигимни бахш этсам кам.

Уйга қушдек учиб бордим. Эрталабгача мижжа қоқмадим. Тароватли тундаги ҳар бир дақиқани бирма-бир хаёлимдан ўтказдим. Сарвинознинг ҳар бир хатти-ҳаракати, назокатидан бир олам маъно топардим...

Қизиқ, бугун ҳамкасбларимгина эмас, ҳатто ўзим ҳам ўзлигимни таниёлмай қолдим. Нукул хуштак чалиб: «Ёрни кечки чоғда, учратасан богда» кўшигини хиргойи қилганим-қилган. Чала қолиб кетган чизманинг ечимини бир зумда топиб олсам бўладими? Ишга янги келган Тўлқин деган инженер бола бир неча кундан бери лойиҳасининг тақдирини билломай, аросатда юрарди. Уни ёнимга олдимю, биргалашиб охирига етказдик... Севиниб кетганидан: «Катта зиёфатга қардорман ака», деб куюк ваъда бериб, чиқиб кетди. «Зиёфатинг ўзингга буюрсин, дўстим, — дейман ичимда унинг орқасидан. — Менинг зиёфатим — бугун кечқурун Сарвиноз билан учрашувим».

Соат олтидан учрашувга ҳозирлик қўришга киришдим. Гул дўконига борсам, кўнгиллагисини тополмадим. Бозорга югурдим. Бир даста чиннигул харид қилиб, келишилган вақтдан нақ йиғирма минут барвақт етиб бордим. Улуғ Ватан уруши йилларида бир этак қоқ суяк болақай ва кизалоқларни ўзининг қўноқ бағрига олиб, уларни оқ ювиб, оқ тараган улуг ҳамшаҳарларим — машҳур ёзувчи Раҳмат Файзиди жуда топиб таърифлаган Ҳазрати Инсонларнинг буюк саховатига таҳсинлар айтдим. Турли миллат болалари. 14 фарзанд. Ҳозир улар қаерда экан? Тошкентнинг 2000 йиллик тўйига атаб тайёрланган махсус тадбирларда Шоаҳмад отанинг шу фарзандлари, набира-эваралари ҳам қатнашганмики, деган овоза қулोगимга чалинганди. Сарвиноз билан гапни бир ерга қўёлсам, албатта, бу қутлуг хонадонни зиёрат қилиб келамиз, деб кўнгилимга тугиб қўйдим.


Учрашув онлари тобора яқинлашмоқда, аллақандай ширин туйғудан энтикаман, ҳаяжонланаман. Ишқилиб, кечагидай аҳволга тушмайин-да. Тилини қарқунок чўқинган боладай чучмал гаплар қилганим нимаси? Яхши-яхши гапларни айтиб, йидир, теша тегмаган латифаларни сўзлаб, қулдир! Бунинг ўрнига «бир гап айтсам майлими» деб тамшанасан. Бунақада кимга ёқасан?

Кутилмаганда: «Ассалому алайкум» деган қўнгириқдай майин овоздан чўчиб тушдим. Юрагим яна алғов-далғов бўлиб кетди. Уғирлик устидга қўлга тушиб қолган гуноҳкор боладек гўлдираб қолдим.

— Ассалом, ассаломалайкум, — дедим, холос.

Сарвинознинг қўл узатиб турганини кўриб, шошилиб қолдим. Кўришдик. Тил қурғур яна гунг бўлди-қолди.

Едгорлики униёз томоша қилдик. Оҳиста сарой томон йўл олдик.



Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм

— Ажойиб қасер. Халқларимиз дўстлигига муносиб ёлгорлик, — дедим ниҳоят тилга кириб.

— Тўғри айтдингиз, дўстлигимиз ҳақида битилган ажойиб қўшиқ, — деди Сарвиноз фикримни тасдиқлаб.

Тизгинни ушлаб олгандай бўлдим. Ишқилиб, уни кўлимдан чиқариб юбормасам бўлгани. Аста майдонни айланиб, «Бахт уйи» га яқинлашиб қолибмиз. Аллақандай бўлиб кетдим. Қайфият Сарвинозга ҳам юкдими — ёноқлари қизариб, кўзлари пирпирлади. Энтиккандай бўлди. Хўрсинди. Обига энди кўзи тушгандай нигоҳини ерга қадади.

— Юринг, Сарвиноз, бугунги кундан эсдалик учун бир нима хариб қиламиз.

Миямга келган фикрдан қувонганимдан розилигини ҳам сўрамай, кўлидан ушлаб «Келин-куёвлар учун» магазинга бошладим. Эшikka яқинлашганда кўлини беозор тюркиб олди-да: «Кераги йўқ, яхшиси, кафега қирайлик», деб таклиф қилди. Шуниси га ҳам шукур. Шинамгина кафе. Буфетнинг қаршисида ўн саккиз йигирма ёшли йигит ва қизлар баланд юмшоқ курсига ўтириб олиб, узун найчаларда ҳузур қилиб коктейл сўришарди.

Биз ўзимизни сипо тутиб, тўрт кишилик столдан жой олдик. Муз қаймоқ билан коктейл олиб келдим. Шошилмасдан ўтириб едик. У ёқ-бу ёқдан сўзлашган бўлдик. Аммо асосий мақсадга келганимизча йўқ. Бу ерда имкони ҳам бўлмади. Шароф Рашидов проспекти бўйлаб Гагарин парк томон йўл олдик. Суҳбат асосида ўзимни таништирдим. Корхонамиз янгиликлари, дўстларим, ўртоқларим ҳақида сўзладим. — Энди мен ҳам ўзимни таништираюламан, — деди майин овозда Сарвиноз. — Икки акам, опам бор. Мен ота-онамнинг кенжасман.

— Ундай бўлса, кенжатоғ эркак ўн акасида, — ҳазиллашдим мен.

— Нега энди? — ҳайрон бўлиб термулда менга. — Аксинча, кенжатоғ деб ҳаммалари тергагани терганган. Мўлжалдан ўн минут кеч қолсам борми...

— Ахир, кеча бемалол ўтирдингиз-ку, — дедим уни мот қилмоқчи бўлиб.

— Кечаги тўйнинг йўриги бошқа эди. Аввалам бор, поччам билан опам бирга олиб боришувди. Қолаверса, сиз билан учрашув. — Сарвиноз, ростми шу гапингиз? Юз кўришишдан огоҳмидингиз? — сўрадим ҳаяжондан титраб.

— Рост, Темир ака, хабарим бор эди.

— Нега бўлмаса, кеча гаплашгани йўл қўймадингиз?

— Кеч бўлиб қолувди, кейин бирдангига жавоб бериш қийин.

— Энди-чи?

— Билмасам, — бўшашиб жавоб берди Сарвиноз.

Билмагани — ихтиёр ўзингизда дегани. Бу фикрдан кўнглим чароғон бўлиб кетди.

Мендан бахтиёр одам йўқ бўлса керак дунёда. Шундай парипайкар билан топшаётганимдан — тақдиримдан миннатдорман. Одамлар, мен бахтиёрман, энг бахтиёр одамман, деб ҳайкиргим келарди.

УМР ЗИЙНАТИ

Музаяна АЛЛАВИЯ

Бизнинг совет мамлакатимизда ўз ақлимизни, ахлоқимизни ва виждонимизни камолотга етказиш учун барча имконият мавжуд. Бу шарафга эга бўлиш ўзимизга боғлиқ. Ҳаёт гўзалликларига жуда нозик тушунадиган инсоннинг мартабасини баланд қилган меҳнат унинг гўзал, бахтли бўлишига ҳам сабабчидир. Муҳаббатнинг ўзи кишини меҳнатсевар қилиб қўяди. Узини ҳам, сўзини ҳам тўғриликка бошлайди, ярамас хулқларидан халос этади. Ҳар бир ишни, ҳар бир ҳаракатни виждон тарозусига солиб кўришга ўргатади.

Одамнинг қобилияти, таланти меҳнатда намоён бўлади. Одам меҳнатсиз ўз қадр-қийматини сақлай олмайди. Шунинг учун ким бўлишидан қатъи назар ҳалол ишлаши керак. Меҳнат одамнинг табиатини покаялади. Ана шунда киши ўз умридан барака топади. Гап узоқ умр кўришда эмас, қандай умр кечиришда.

Ҳалол меҳнат қилган, унга тўғри муносабатда бўлганлар ҳаракат, муомалада ўз ҳаддини билиб, ўз камчилигини ўзи тўзати олади, фикр хасталигидан халос бўлади, илмга, ҳунарга ўзини уради. Зеро, илму ҳунарсиз одам халқнинг иззат-ҳурматидан маҳрумдир. Тўғриси, ҳунарсиз киши дўстликка ҳам, душманликка ҳам ярамайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг илму ҳунар эгаси бўлиши учун ҳаракат қилади. Ҳалол меҳнат қилишга одатлантиради. Чиндан илм, ҳунардан ортқироқ бойлик йўқ. Лекин ота-онанинг болага бўлган муҳаббати кўр бўлмаслиги керак. Осмондагини сапчиб, ердагини чўкиб олишилик ҳам, «огаи айғоқ, тили тайғоқлик» ҳам ота-она муҳаббатининг кўрлигидан пайдо бўлади. Қуруқ насихат қилаверса, насихати ўз феълига тўғри келмаса, ундай ота-онанинг сўзи қулқоққа кирмайди, кадр-қимматини йўқотади. Бизнинг замонамизда яхшилар кўп.

Масалан, мен Топкиент шаҳрининг Олимпия массивидаги 7-уйда яшовчи ўқитувчи Маҳкам Абдурахмонов билан яқинда танишдим. 12 фарзанди бор экан. 7 ўғилдан бештасини уйлантирган, 5 қиздан учтасини узатган, барининг бахти бекам. Бари ишлайди.

— Бу болаларни қандай қилиб одобли, қобил инсонлар сифатида етиштирдингиз? — деб сўраган ёш онага Софьянохон Абдурахмонова шундай жавоб берди:

— Дунёда ёмон кўрганам: ёлғон, яхши кўрганам: тўғрилик, астойдиллик. Отаси бутун умр меҳнатдан дарс бериб келдилар,

болаларни меҳнатга ўргатдилар. Мен боғчада ишладим. Ҳар хил ота-она бўлар экан. Яхшиларидан ўрнак олдим. Коммунистик партия, совет ҳукуматининг болалар тарбияси учун гамҳўрлиги катта, шундан оқилона фойдаландик. Натижада фарзандларимиз илми, ҳунарли бўлишди. Узимиз тинч-ахил умр кечирдик. Мана кўриб турибсиз, ёшимиз қайтганда ҳузурларини кўриб ўтирибмиз.

Ота-онага, элу халққа, фарзандга, ёрга, ҳаётга, ватанга бўлган меҳру муҳаббат — булар бари дўстлик, ҳурматдан тугилган қалбнинг муқаддас туйғусидир. Дўстлик тўфайли тугилган муҳаббат ўти турмуш шиддатларида сўнмайди. Зеро, ёлғиз ёнган ёғоч фақат тутади. Уйни бир устун кўтара олмайди. Бургутнинг бир қаноти синса чадаи, аммо ҳаёти бир дамгина. Чакмоқ билан тошнинг бири-биридан йироқ тушиши қоронғулик, туташини эса бир дамгина бўлса ҳам оламини ёритади, дейди халқимиз.

Қиз билан йигит ўртасидаги севиш, севилишнинг тоғли тарихи биргаликдаги умр йўлини бўстон қилиб кўрсатади. Севгучилар учун севилигана эмас, у томондан эсиб келган шамоллар эпкин ҳам, оқиб келган сувнинг шилдираши ҳам ёқимли туюлади. Агар эру хотин орасида ҳақиқий муҳаббат бўлмаса, у оила саодати бўлолмайди. Ҳақиқий муҳаббат — ҳаёт офтоби, турмуш шеърляти.

Алишер Навоий маснавиёт, ғазалиёт, рубоийёт, мактубот — ҳамма асарларида соф муҳаббатни улуглайди.

Бировким ишқидан бўлмай анга кут, сув ичса дур бўлур, қон ичса ёқур.

Меҳру муҳаббатнинг ҳар бирга алоҳида тил топиб ихзор этиш керак бўлади. Ота-онага бўлган муҳаббат ихзорини фарзанд сўз орқали эмас, кўпроқ ҳурмат орқали ифодалайди. Ерга эса дил дардини бошқача сўзлар билан айтади. Бу, албатта, табиий.

Масалан, Хоразмининг Хева районидagi бир қолхозда Рўза деган танишим бор. Унинг умр йўлдоши Қиличев қолхоз раиси. Уларнинг саксондан ошиб қолган отаси-онаси ҳаёт. Ҳар кун тонг қоронғусида онасининг уйида чироқ ёниши, қумғон кўтариб чиқиши ўғли Қиличевга қандайдир бир ҳаловат бағишлайди. Ота-онасининг соғ-саломат уйни ёритиб ўтиришларидан чексиз қувонади. Ишдан тун яримда келса ҳам ҳол сўраб: «Мен келдим», деб ўзини бир кўрсатиб кетади. Ишга бораётганда ҳам: «Яхши ётиб турдиларингми, ишга кетаялман», деб кириб чиқади. Ҳеч қачон эрталабки са-

ломни унутмайди. Биладики, ота-онаси унинг соғлиги, аҳволи, ҳурсанд ёки тапшиши ҳақида ўйлаб тун уйқусини, кундуз оромини йўқотади. Фарзанднинг ўзини кўрсатиб, ҳол сўраб туриши ота-онага куч бағишлайди.

Лекин ота-оналар ҳам, фарзандлар ҳам ҳар хил. Масалан, бир куни набера қизининг сикатини билиш учун касалхонага кетаётсам, бир ёш аёл овқат кўтариб: «Ўғилчам шамоллаган, қайнонам бирга ётибдилар. Уйда икки ойлик чақалогим бор...» деб тез-тез юриб кетди. Қайтаётганимда яна ўша хотиннинг йиғлаб, кўз ёшини артиб чиқаётганини кўриб:

— Болангиз яхшими? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Раҳмат, яхши, — деди.

— Нега ҳафа бўлдингиз! Кўрманг тузалиб қолади, — дедим мен унга далда бериш ниятида.

— Айтганингиз келсин, менинг ҳам кўрагимга шамол терсин, — деди-да, ўнғайсиланиб қайнонасида нолиб кетди. — Опажон, қачон келасан, қайнонам ҳафа қилиб юборадилар. Ўғилларим ҳам кеча келганларида ҳафа бўлиб бордилар. Бугун менга ҳам захар сочдилар! — деди-ю жимиб қолди.

— Нима дедилар?

— Ўзлари отинлар. «Мавлуд», «Бусешанба» деб баъзи энгил фикрловчи аёлларимизнинг онгини захарлаб юрадилар. Топиштуттишлари зўр. «Сенинг болангни деб юришдан қолиб кетдим», деб миннат қилганлари-қилган. Иложим қанча, ялғизи юраман, чақалогим бор. Икита чойнак, йигирма дона пилла олгандим, қўшиларимдан кимдир кўргани келиб айтган экан, бошим балога қолди. «Нега пулни беҳуда сарфлайсан, Викахой тўй қилмоқчи, қайнонасидан тортиб бешикдаги боласига боп-оёқ кийим қилишинг керак», дейдилар. Бикач опам учна-мунчани назарга илмайди, сизу бизларни оёқ учига кўрсатади, бир қўли болда, бир қўли мойда. Узингиз ўйланг, опажон, бир ўқитувчининг ҳалол меҳнат билан топгани беш боласига бўлсинми, опаларининг борди-келдисига бўлсинми? Бир куни қайнонам ўлганига: «Бикач опанг сени қачонгача шунақа қилиб юради, бошқа мойлироқ ишга ўтсин, поччасига айтса, ёрдам бериб жойлаштириб қўяди, деяптилар», деди. Эримнинг тепа сочи тик бўлиб кетди. «Қизингизга бориб айтинг, унинг эгри ишларидан ҳазар қилар экан, денг» деди. Ушандан бери бориш-келиш қилмаймиз. Онасига неча марта «отин»лик қилманг, деса ҳам бўлмайди. Бир қизи кўк сотади. Қайнонам топган-тутганларини кўк сотадиган қизлариникига элтади.

Осон йўл билан бойлик топадиганлардан, тилидан таъна топи тоғли тўрадиганлардан чўчиш керак эмас. Уларнинг ҳақиқий дўстлари йўқ. Дўстсиз кишининг холига ачинасан киши. Бари бир, юки қийпайган арава манзилга етолмайди. Шунинг учун эл меҳридан маҳрум бўлиб қолмасликка ҳаракат қилиш керак. Элга меҳр-муҳаббат кўрсатган кишигина эл эътиборига тушади.

ҲАЁТДА ҲАМ, РОЛДА ҲАМ



...Тошкентнинг гавжум махаллаларидан бирида яшовчи қосиблар машаққатли юмшдан сўнг турмуш ташвишлари билан машғул бўлишади. Кимдир оқшомда декчасини қайнатиш қайғусида, кимдир эртанги кун режалари ташвишида тиним билмайди. Ниҳоят, ана шундай оилаларнинг бирида ака-укалар, опа-сингиллар камтарин дастурхон атрофида жамланадилар. Таомдан сўнг дуторнинг ҳазин куйи мўъжазгина кулбани ўлдиради. Бора-бора ҳазинлик ўрнини ҳазил-мутойиба, шўх ўйин-кулги эгаллайди... Эрталаб ҳали паррандалар кўноқдан тушмасидан бу хонадонда яна гоҳ дуторнинг, гоҳ доиранинг овози эшитила бошлайди. Энди соз чалиш навбати жиккаккина қизалоқ Манзурага теккан бўлади...

Манзура Ҳамидованинг қал-

бига куй-қўшиқ сеҳри шу тарзда кириб келган эди. Улуг Октябрь социалистик революцияси қарор топди, Манзура ва унинг тенгдошларининг ҳам тақдирини, орзу-умидларини рўёбга чиқара бошлади. Еттинчи синфни тугаллаган дуркунгина қизалоқ Эскижўва майдонидаги босма-хонага ишга кирди. Босмахона қошида ташкил этилган ҳаваскорлик тўғрисида Манзуранинг қалбидаги орзу-ҳавасни ёлқинлантириб юборди. У хизматдан бўшаган заҳотиёқ тўғаракка чопар, тенг-тўшлари билан уста санъаткор Афандихон Исмоиловдан саҳна сабоқларини ўрганар эди. Тўғарак раҳбари талабчан эди. Тўғарак аъзолари бу ерда ҳар хил мавзулардаги спектакллар билан танишар, роль ижро этиш маҳоратини оширишар эди. Манзуранинг санъатга бўлган мойиллиги, ролларни фидойилик билан бажариши устозининг эътиборини тортмай қолмади. 1934 йилда Манзура Ҳамидова Ишчи ёшлар театрига тақлиф этилди. Энди у ўз умрини санъатга боғлаганини қалбдан сездди. Маҳоратли актёрларнинг ҳар бир ҳаракати, саҳнада ўзини тута билиши унинг назаридан қолмасди. Бу ерда у саҳна санъатининг сирларини

ўргана бошлади. Н. В. Гогольнинг «Уйланиш» асаридagi Агофония Тихоновна, Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима» асаридagi Холжон ролларида кетма-кет томошабинлар хузурига чиқиб, олқиш олди. Манзура Ҳамидова роль ижро этишга иштиёқ билан киришиб кетар, ўзининг саҳнадаги ҳар бир ҳаракатини идора қила олар эди.

1936 йилда Ишчи ёшлар театрининг аъзоларидан бир гуруҳи Сурхондарё областининг музикали драма театрига йўланма олдилар. Булар Афандихон Исмоилов, Омина Фаёзова, Ҳидоят Муслимова, Манзура Ҳамидова каби ёш, иктидорли актёрлар эдилар. Сурхондарёдаги муҳит Тошкентдагига нисбатан тубдан фарқ қиларди: у пайтларда ҳали театр халқ орасига тўла кириб бормаган, актёрлар қишлоқма-қишлоқ юриб томоша кўрсатар эдилар. Қишлоқларда қўшиқлар айтиларди, монологлар ўқиларди. Шунингдек, ёш санъаткорлар «Тоғ қизи», «Номус ва муҳаббат», «Уйланиш», «Ватан» каби спектакллари томошабинларга кўрсатишди.

Сурхондарё театри эндигина санъатга кириб келаётган ёшлар учун катта маҳорат мактаби ролини ўтади. Бу даргоҳда ортирилган маҳорат йиллар домида тўлишиб, кўпайиб борди. Кейинчалик, Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театрида ишлаган кезларида ҳам Манзура Ҳамидова ана шу тажрибаларига таянди.

Улуг Ватан уруши йиллари. Муқимий театри ижодий коллективи деярли ҳар кунини бир неча маротаба томошабинлар билан учрашар, залда мухлислар тирбанд бўлар эди. «Майсарининг иши», «Тоҳир ва Зухра» каби спектакллар қайта-қайта қўйилганига қарамай, актёрларнинг санъати, маҳоратига ҳар сафар олқишлар ёғиларди.

...Мана, қирқ йилки, онахон актриса Манзура Ҳамидова Йўлдош Охунбоев номидаги Ёш томошабинлар театрида санъат мухлисларининг меҳрини қозониб, уларнинг қалбини эзгу туйғуларга тўлдириб келаяпти. В. Яковлевнинг «Нури дийдам Воляда» спектаклида меҳрибон муаллима Кашкадамова, М. Горькийнинг «Болалик» ва «Менинг университетларим» асарлари асосида саҳналаштирилган спектаклда Алёна Пешковнинг буви си, Ҳамза Умаровнинг «Дил тортса», «Ҳаёт йўли» спектаклларида Манзура Ҳамидова яратган образларни эсланг-а. Актриса ижросида улар шу қадар таъсирчан ижро этилганидан, воқеалар экранда ёки саҳнада эмас, худди ҳаётда рўй бераётгандай туюлади. Кўз олдингизда маъсума аёл қиёфаси муҳрланиб қолади.

Манзура Ҳамидова Гулчеҳра Саъдуллаева, Мўътабар Комилова, Мўътабар Ериева, Саломат Йўлдошева каби ёш актрисаларнинг меҳрибон устози ҳам. Санъатдаги узоқ йиллик хизматлари учун Манзура Ҳамидова «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», «Халқ маорифи аълочиси» унвонларига сазовор бўлди.

Манзура Ҳамидова саҳнада гоҳ буви, гоҳ она образларида чиқиб, эзгулик, меҳрибонлик, одамийлик каби инсоний фазилатларга алоҳида ургу беради. Аянинг ижодий фаолиятидаги бундай характерли хислатлар телевидение орқали мунтазам бериладиган «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувидаги чиқишларида ҳам яққол кўзга ташланади. Актриса аввало бой ҳаётини тажрибага эга бўлган ижодкор, қолаверса онадир.

...Одатдаги хордиқ кунларидан бири. Манзура ая ўз хонадонини, оиласи даврасида. У ҳар галгидек турмуш ташвишлари билан банд. Унинг ҳаракатларида, сўзларида, ўзини туттишида саҳнадагидан ўзгалик йўқ. Самикий чехрасидан нур ёғилиб турибди. Мушфиқ она ўз постида — фарзандлари, неваралари тарбиясида ўзининг ҳаётдаги ролини ҳам муваффақият билан ўтапти.

Ўқтам МИРЗАЕРОВ

**МУСИҚАСЕВАР
БОЙЎҒЛИ**

Сахалиндаги Шурмилика дарёси бўйларида ов қилиб юрган В. Мартинов билан Г. Боркин бойўғлининг ғайритабиий хатти-ҳаракатини кузатдилар. Улар чайлага кириб, кўчма приёмникдан музика эшита бошашлари билан бўлиқ ўрмондан учиб чиққан бойўғли яқинроқдаги даррахтга кўнди. Музика тугаб, дикторнинг овози эшитилиши билан бойўғли яна учиб кетди... Шу-шу, чайладан қачон музика овози эшитилса, бойўғли яқинроқ учиб келадиган бўлди. Бунга кўнникан овчилар ҳам ўз приёмниклари учун қўшимча батарея олиб юрадиган бўдилар.



СУНГИ йилларда турли газета ва журналларда халқ таъоботи ҳақида, жумладан, Шарқ мамлакатларининг шифокорлиги хусусида анча-мунча мунозарали мақолалар эълон қилинаётди. Бу борада «Литературная газета»нинг саҳифаларида босилган материаллар кишининг эътиборини тортди. Газетанинг шу йил 29 август сонида Шарқ таъоботи бўйисиди бир саҳифа материал ёритилди. Унда дастлаб журналист Сергей Медведко Суриядаги халқ медицинаси ҳақида ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни ҳикоя қилади. Сўнгра таниқли олимлар ва мутахассисларнинг бу ҳақдаги мулохазалари баён этилади.

Журналист Сергей Медведко қуйидагича ҳикоя қилади:

«Бундан бир неча муддат муқаддам — Москва Давлат университети қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари институтининг студенти эканлигимда таржимон сифатида Сурияга бордим. Кўпроқ вақтим Дамашқда ўтди, лекин бошқа шаҳарларда ҳам, жумладан Дайр-Аззорода ҳам бўлдим.

Дайр-Аззорода кинотеатрлар кам, кутубхоналар йўқ. Лекин мен ишдан бўш вақтларимда зерикмасдим. Кўча-кўйдами, сотув дўконларидами, кафелардами одамлар билан танишардим. Сурияликларнинг бизнинг мамлакатимиз ҳақидаги саволларига жавоб бериш биз учун ҳамisha кўнглили бўларди.

Ваъзан биз фалсафа ва тиббиёт мавзуларида ҳам гаплашиб қолардик. Шундай суҳбатлардан бирида фотостудия хўжайини Бахрий бемор одамларни даволочи тақводор шайх хусусида сўзлаб қолди. Хасталикни даволаш билан бирга ҳар бир кишининг келажак тақдирини азалда ёзилганидек кечинини ҳам исботлаб беради, деди Бахрий. Унинг айтишича, тақводорнинг бир неча афсусларини қабул қилган одам ўзгариб қолармиш ва хатто ўз баданига ханжар санчиши ҳам мумкин эмиш. Ханжар санчилган пайтда қон ҳам оқмасмиш, оғриқ ҳам сезилмасмиш.

Менинг ишончсизлик билан қараётганимни сезган Бахрий: «Пайшанба кун кечки соат олтида келгин, — деди. — Абдул Қодир ар-Рифойи деган шайхнинг қасми борамиш. Табиб ва афсунгар сифатида таниқли одам».

Бахрий мени белгиланган жойда кутиб олди. Тезда шайхнинг хонадонига етдик. Бошқа уйларга ўхшаш — лой сувюкли, тахта ошиқли уйга кириб бордик. Кириш йўлидаги бир неча оёқ кийимларини кўриб, биз ҳам туфлимизни ечиб, ичкарига кирдик. Биттагина чироқ ёритиб турган, ерга гилам тўшалган, деворлари ҳам гилам осылган хонада ўтизтача одам махус болишчаларда ўтиришарди. Уларнинг орасида букчайган мажруҳлар ҳам, шифо топиш илинжида келган кекса беморлар ҳам бор эди. Биз ҳам салом-алиқдан сўнг бурчакдаги бўш жойларга ўтирдик.

Бошга кўфия кийган бир усмир бола косачада бадавйчасига аччиқ қилиб дамланган кофе келтириб ўтирганларга тутди. Шундан сўнг ўтирганлар товоқда

келтирилган тоза сувдан ҳам бир хўпланди ичдилар. Вахрийнинг тушунтиришича, бу мис товоқча Маккадан келтирилган эмиш, шунинг учун унга нима қўйилса «мўътабар» ва шифобахш бўлиб қолармиш. Бу «мўътабар» сувдан ҳам бир-бир хўпланди. Жимлик бошланди. Йўталиш ва нафас олиш орасида тасбех доналарининг бир-бирига чиқиллаб урилиши эшитилиб турарди.

Ўтирганлар қироат келтира бошладилар. Сўнгра узун кўйлак — ғалабия кийган уч киши тоқчалардан катта ногораларни олиб чалишга тушдилар. Бошқар ногора зарбига монанд қимирлаб, қандайдир сўзларни такрорлай бошладилар. Ногора зарби тезлашаверди. Одамлар аста-секин жазавога тушиб қимирлар, кўзларини юмиб, бошларини силкитар эдилар. Кейин, хор ансамблдангидек, ҳамма бирданига

нига санчилди. Шайх менинг қўлимни совуқ металл санчилган жойга олиб борди. Қўлим шамшир тигининг тобора ичкарига кириб бораётганини сезиб турарди, лекин қон кўринмасди. Ногоран шайх қорнига санчилган шамшир билан орқага тисланди, яна мен тарафга эгилди. Шамширнинг дастаси ерга тиралди. У эса, шамширга ўзини ташлади, унинг бел тарафида шамширнинг учи кўринди. Яна бир ҳаракат билан шамширнинг дастаси унинг қорнига етиб қолди. Шунда у қурол дастасини яна кафтимга қистирди-да: «Суғриб ол!» деди. Мен шамширни тортдим. Шайх жойидан қимирламасликка интиларди, даврадагилар бақришарди. Мен тигини унинг қорнидан суғриб олдим.

Ҳамминг жазаваси пасайди. Улар, ҳеч нима кўрмагандек, жойларига ўтиришди. Шайх Аб-



давра ҳосил қилиб ўрнидан туришди. Ногора зарбидан ҳаммининг ҳуши оғиб қолгандек эди.

Шундан кейин қорчадан келган, ўрта бўйли, қора тусли ғалабия кийган шайх давра ўртасида пайдо бўлди. У тоқчадан икита шамшир ва қандайдир ҳасса олди-да, шамширларни ерга қўйиб, ҳассани кўтарди. Кўз илғамас яна бир ҳаракат билан унинг бир қўлида ҳасса, иккинчи қўлида сописиз шамшир пайдо бўлди. Чамаси, ҳасса шамширнинг ғилофи вазифасини ўташи лозим эди. У қуролни уёқ-буйёққа сермади-да, қутилмаганда менга ташланди. Очигини айтганда, қўрқиб кетдим. Шайх менга етиб келди-да, ғалабия этагини кўтариб, қорнини очдию, «шамшир» дастасини қўлимга тутказиб: «Қорнимга санч!» деди.

Мен деярли ўзимни йўқотиб қўйган эдим. «Йўқ, қўлимдан келмайди», дедим. Шайх эса, «шамшир»нинг дастасини кафтимга кистирди-да, унинг ўткир тигини қорнининг ўнг тарафига санчабошлади. Одамлар жазаваси тутиб қичқиришарди, ногоралар чалиниб турарди. Шайх менинг ҳаракатсиз турганимни билиб, шамширни икки қўллаб тортиб олди, ўзи яна олдинга сурилди. Шамширнинг учи унинг қор-

дул Қодир Маккадан келтирилган атирдан ҳаммининг қўлига бир-бир томизиб ўтди. Сўнгра у қийишқ-қинғир беморлар, чўлоқлар ва букчайган мажруҳларни даволашга киришди. Айтишлари-ча, шайх ҳар қандай касални даволар эмиш. Даврадагилар, касалликнинг даражасига қараб, навбатни ўзалари белгилашарди.

Абдул Қодир лаби лабига тегмасдан қироат туширар, қимирлаган кўйи айрим сўзларни баланд овозда айтар, тобора жазавога тушар, ёрдамчиларининг айтишича, у «илоҳий» қудрат олар эди. Енимда ўтирган зиёлинома одам эса, фан тилида «космик энергиядан қувват» олади, деди.

Шундан кейин шайх беморларни даволашга ўтди. Букрилигини ҳам, радикулитдан букчайиб қолганини ҳам билиб бўлмайдиган бир деҳқон яна рўпара бўлди. Унинг ғалабиясини ечдилар. Абдул Қодир уни ерга ётқизди-да, енгларини шимариб уқалашга тушди. У нималарнидир гўлдирганча беморнинг белини хамир қорғандек қаттиқ уқаларди. Сўнгра шайхнинг ёрдамчиси беморни оёқлари билан босиб даволай бошлади. Деҳқон нималарини пичирлаганча инграр эди. Тахминан ўн минутлардан сўнг шайх тўсатдан: «Тур ўрингдан!

Тузалинг! Уйингга жўна!» деди баланд овозда. Мен ҳам чўчиб тушдим. Деҳқон бир зум қимирлаб ётди-да, ўрнидан турди, коматини тик тутиб, ҳайрон бўлди-да, бўлиб ўтган воқеага ишонмагандек, бир неча кадам босди. Сўнгра, ўзига келиб, шайх олди-га қайтди. Ташаккур айтди.

Ўзлари асабийликдан пир-пир учиб турадиган орик киши шайхга иккинчи бўлиб рўпара келди. Абдул Қодир унинг бошига қўлини қўйиб, кўзини юмди. Бироқ беморнинг юзлари ҳамон пирлаб тураверди. Шайх ёрдамчиларидан бирини имлаб қақирди, беморни парда орқасига олиб ўтишини буюрди. Парда ортидан инграрш, додлаш овозлари эшитилди. «Қўрқманг, куйдириш йўли билан даволаяпти», деди Бахрий менга. Вахрийнинг айтишича, «Ал-кей» — куйдириб даволаш — араб тиббиётининг асосларидан бири экан. Шуниси борки, уни амалга оширадиган шифокор қайси асабинг хасталигини яхши билиши лозим экан. Кўп ўтмасдан халиги орик кишининг парда ортидан соппа-соғ бўлиб чиққанини кўриб, ҳайрон қолдим.

Абдул Қодир беморларни даволашда давом этарди. Беморлар унга нимадир деб шивирлашарди: шайх қисқа-қисқа савол бериб, шундай жавоблар оларди. Сўнгра у тез-тез ва дадил беморга шифо белгиларди. У буюрган дори-дармонларнинг кўпи араб тиббиёти рецетига асосланган эди. — Кокос ёнғонининг куйдирилган пўчоғи сизнинг аллергиянгизга шифо бўлади. Майдалаб туйинг-да, безовта қилаётган жойларингизга сурунг.

— Сиз чипқонингизга қайнатилган зигир уруғидан боғланг. — «Наъна» гиёҳининг майдаланган туппаси сизнинг астамангизга шифо бўлади.


— Мана бу сувюқликдан ичиб туринг, жигарингиз тузалади.

— Пичоқ кесган жойингизга жун куйдириб, кулини босинг.

Даврада ошқозон касалидан азият чекадиганлар ҳам кўп эди. Шайх уларнинг бирига «лисон ас-саур» гулининг қайнатмасини, яна бировга лимон ёки анор пўстлогини, бошқа бировга эса, ҳар хил гуллар, гиёҳлар билан қаттиқ зардобини аралаштириб ичишни буюрарди.

Менинг ўзим кўпдан бери ўб оёғимнинг болдирини оғриб, азоб чекардим. Шайх оёғимнинг шишган жойларини кўздан кечирди-да, узоқ уқалади, сўнгра қандайдир хидли мой суриб, боғлаб қўйди. Бир неча кун ўтгач, оёғим яна шишиб кетди-ю, яраси ёрилди. Шу билан оёғим тузалди...

Журналист Сергей Медведконинг Дайр-Аззоро шаҳрида кўрганлари ҳақида РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор К. Уманский фикр билдириб, бундай воқеаларни бидъат-хурофотга берилмасдан, ҳар хил тасодифий хомжаёлларсиз кузатиш лозим, деб уқарди. Шунингдек, у халқ таъоботини ҳушёрлик, зийраклик билан кузатиш, унинг энг фойдали жиҳатларини ўрганиб, илмий медицинага жорий этиш зарурлигини айтди. Жумладан у шундай дейди:



Ўзбекистон район, «Ғаниобод» совхозидаги 8-бўлимнинг 5-бригада боғча мудираси Ҳалима Маҳмудова кичкинтойлар билан; 2-бригада аъзолари кекса пахтакор, Улуг Ватан уруши ветерани Абдуқодир Усмонов билан суҳбатда; дала шийони; кўчма магазин сотувчиси Қайюма Мирзаева.

Ж. Тўраев фотолари

Қамчибек КЕНЖА

ПАРМАНЧАК

Парманчагим, парманчак,
Сен энг сулув гул, чечак.
Меванг ширин асалдан,
Сен севгимга беланчак...

* * *

Арслонбоб тоғида
Икков кезиб юрардик.
Турфа, гўзал гулларни
Ҳавас билан терардик.

Бир киррали қояда
Кўриб қолдик парманчак,
Ғужум-ғужум меваси,
Палаги нақ беланчак.

«Вой, ановни!» — деди-ю,
Чақнаб кетди кўзлари.
Қўл узатиб, узмоқлик
Чорасини изларди.

Бўй етмасди қояга,
Силлик, нишаб, жуда тик.
Тарадудда қотдим мен,
Дилда шубҳа ва ҳадик.

Тиқиларди у тошдил
Тикмоқчидай жаҳонин,
Гўё жилва қилгандай
Нақ мангулик армони.

Парманчак ё у учун
Боқий ҳусн шарбати,
Ё шунчаки зўр унга
Азалдан муҳаббати.

Майли, ҳар не бўлса ҳам
Синаб кўрай толеим, —

Дея юмдим кўзимни,
Бардам бўл, эй юрагим!

«Ҳайт!» дедиму қоянинг
Қиррасига отилдим.
Ё кўллайди жасорат,
Ёки чилпарчин эдим.

У ортимдан қичқирди,
Билмам, тушди не ҳолга.
Мен тутгандим қояни,
Қўл чўзгандим иқболга...

Парманчакни олди-ю,
Отди ўзин бағримга
Ва шу заҳот юлқиниб,
Қочиб кетди паст — қирга.

Туриб қолдим қарахт, маст,
Қалтирарди тизларим.
Анчадан сўнг ўзимга
Келиб, уни изладим...

Шундан бери қояга
Тез-тез чиқиб тураман.
Узоқ ва жим ўлтириб,
Оромбахш ўй сураман.

Гунг ва соқов қояга
Ташаккурлар айтаман.
Марҳаматли тошларни
Силаб-силаб қайтаман.

* * *

Парманчагим, парманчак,
Сен — энг сулув гул, чечак.
Меванг болдан ҳам ширин,
Сен — севгимга беланчак.

Исмат САНАЕВ

* * *

Юксақлигин билмас чўққилар:
Замин узра ётар қор босиб.
Ёр ташвишин бўйнига босиб
Сарҳади йўқ осмон остида,
Солдатлардай турар постида,
Юксақлигин билмас чўққилар.
Буюқлигин билмас донолар:
Сайёрани йўлга солар гоҳ,
Чумолидан ибрат олар гоҳ.
Гарчи кафтада куёшни ўтар,
Сувдай яшаб дунёдан ўтар,
Буюқлигин билмас донолар.



ҚЎШИҚ ТИНГЛАБ

Сен қўшиқ куйладинг илхоминг жўшиб,
Юлдуздек чарақлаб саҳнада оқшом.
Сен қўшиқ куйладинг завққа завқ қўшиб,
Ошифта дилларга бағишлаб ором.

Пороҳ ҳиди анқиб, тутун қоплаган
Жанг майдони кўзим олдида ўтди.
Душман танқларини янчиб ташлаган
Мард ўғлонлар саси борлиқни тутди.

Бўса лаззатини татиб кўрмайин
Қурбон бўлган йигит гўёки уйғоқ.
Меҳрибон оналик гаштин сурмайин
Ҳамшира жон берар...
Қип-қизил тупроқ...

Сен қўшиқ куйладинг, сукутга тушиб,
Қўшиқ қудратидан бир зум эгдим бош.
Алам-изтиробдан этим увишиб,
Ногоҳ кўзларимдан қалқиб тушди ёш.

Сен қўшиқ куйладинг, оддий қўшиқмас,
Ватан деб жон берган мардлар шаънига.
Зал аҳли қурбонлар руҳин этиб ёд,
Ғарқ бўлди ҳаёлни кенг масканига.



РЕСПУБЛИКА



Олтиариқ район, Энгельс номидаги колхознинг илғор бригадири Шаҳодат Тўйчиева.

Деҳқонларимизнинг самарали меҳнатлари ва улар измидаги қудратли техниканинг кучи билан республикамизнинг бепеён пахтазорларида мўл «оқ олтин» етиштирилди. Айни вақтда эса, шу мўл ҳосилни йиғиштириб олиш учун қизгин кураш кетмоқда.

Одатда, бизда олтин куз келиши билан ҳамма пахтакорга айланади. Шаҳар ишчиси ҳам, ўқувчи ва студент ҳам қалб даъвати билан деҳқонларга ёрдамга отланадилар. Бу йил ҳам худди шундай бўлди.

Мана, пахта йиғим-терими авжи қизиган пайт. Республикамиз пойтахти аҳолиси пахтакорларга ёрдам бериш учун янги-янги ташаббуслар билан чиқиб, деҳқонларимизга фаол кўмаклашмоқда. Тошкент шаҳридаги бир гуруҳ такси ҳайдовчилар эса шу кунларда Сирдарё области хўжаликларида терим машиналарини бошқариб, ҳар куни тонна-тонналаб пахта термоқдалар.

Иби Сино номидаги 1-клиник касалхонанинг бир гуруҳ комсомол шифокорлари пахта йиғим-терими даврида Сирдарё ва Жиззах областларининг деҳқонларига тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан шаҳар ёш шифокорларига қарата мурожаат қабул этдилар:


«Қадрли шаҳарлик комсомол шифокорлар! Мана ҳозир энг долзарб палла, — дейилади мурожаатда, — республикамиз далаларида етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун қизгин кураш бораётир. Бу ватанпарварлик ҳаракатида мактаб ўқувчилари, студентлар, шаҳар ишчилари — ҳамма фаол қатнашмоқда. Уларнинг ва мўл «оқ олтин» дурдоналари етиштирган бунёдкор деҳқонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш эса, сизу бизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Биз, Тошкент шаҳридаги Иби Сино номли 1-клиник касалхонанинг 50 нафар комсомол шифокорлари қалб амримиз билан Сирдарё ва Жиззах областлари деҳқонларига тиббий ёрдам кўрсатиш учун улар ҳузурига отланишга бел боғладик. Сизлар ҳам бизнинг қақиргимизга «лаббай» деб жавоб берасизлар, деган умиддамиз. Чунки бугун ҳаммамизнинг ўрнимиз далада — юбилей йили ҳосили тақдири ҳал бўлаётган жойда бўлишимиз керак. Бу, бизнинг партиямиз ва халқимиз олдидаги гражданлик бурчимиздир!»

Ҳа, улар ана шундай ватанпарварлик ташаббуси билан чўлқувар пахтакорлар ҳузурига йўл олдилар. Ташаббускор ёшлар орасида Лола Каримова, Саид Расулов, Аргур Ким, Дилбар Зокирова, Равил Тўхватуллин сингари сергайрат ёшлар бор.

Ташаббускор ёшларнинг ватанпарварлик қақирғи акс садо бермоқда. Республикамиздаги барча муассасаларнинг ходимлари ҳам пахтакорларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.



Чўл дурдонаси.



Норин районидagi «Коммунизм» колхозининг механизатори Баҳром Турғунов.

САФАРБАР



Хирмонга барака! Олтириқ район ижроия комитети раисининг муовини Ҳайитали Рахимов, Энгельс номли колхознинг раиси Муталиб Орипов ва бригада бошлиғи Обиджон Еқубов.



Андижон районидаги «Хартум» пахта тайёрлов пункти лабораториясининг мудири Муборакхон Ортиқбоева.



Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг илгор теримчиси Қундузхон Муҳсинова.



«Газета, журналларни аҳолига вақтида етказиб берамиз», дейди Москва районидаги «Шарқ юлдузи» колхози почтальони Абдурахмон Омонов.

Ж. Тўраев фотолари



Ариасой кўли оқчорлоқлар, пўлкан қушлар маскани бўлиб қолди.

(ЎзТАГ фотохроникаси)

ҲАЛҚАЛИ ҚУШЛАР ТАҚДИРИ

Жанубий Қизилқумдаги Арнасой ва Ҳайдар кўллари кўп ирмоқли хушманзара оролчаларни эслатади. Октябрда, табиий ўзақага бой бу кўллар бугун ўзига хос балиқлар қўриқхонаси ва паррандалар маскани бўлиб қолган.

1972 йилдан бошлаб балиқчилар бригадаси бу ердан ҳар йили ўн минг центнер қимматбаҳо маҳсулот олади. Лекин овчилар орасида тирик нишонга ўқ отишни хуш кўрадиган багритош кимсалар учраб туради.

— Бир сафар, — деб ҳикоя қилади Жиззах область Балиқ комбинати 17-балиқчилар бригадасининг бошлиғи Виктор Штамберг, — ўзимиз кўйган тўр томонга боратуриб, отиб ўлдирилган оқ чорлоққа кўзимиз тушди. Оқ чорлоқни ўрдақдан ажрата олмайдиган бефаҳм овчининг иши эди бу. Пристанда бригада аъзо-

лари йиғилиб, отилган қуш текшириб кўрилганда унинг ўнг оёғида номерли ҳалқа борлиги маълум бўлди. Ушанда балиқчи С. Ильинов шундай деди:

— Мен «Охота и охотничье хозяйство» журналида ўқиган эдим, қушнинг ҳалқасини чиқариб олиб, текислаб Москвадаги қушларни ҳалқалаш марказига жўнатиш керак.

Бу маслаҳат ҳаммага маъқул бўлди. Кўп вақт ўтмай, Москвадан жавоб олинди: «А—116.378» рақами ёзилган ҳалқа 1977 йили Қозғоғистоннинг Олакўлида ҳисобда турган қушники эди».

Биз Ўзбекистон Балиқ овлаш хўжалиги союзи президиумининг раиси Р. Раҳмоновга учраб, бу ҳақда муфассалроқ гапириб беришни илтимос қилдик.

— Бизнинг ватанимизга, — деди ўртоқ Раҳмонов, — ҳар йили деярли ўттиз мамлакатдан ҳалқа-

ли қушлар учиб келиб қолади. Шу туфайли Ҳалқалаш маркази чет эл марказлари билан мунтазам ахборот алмашиб туради. Ватанимизда қушларни ҳалқалаш ишлари СССР Фанлар академиясининг Эволюцион морфология ва экология институти Ҳалқалаш маркази томонидан олиб борилади. Институт ҳалқалаш ишлари ҳақидаги ҳисоботларни тўплайди.

Олимлар ҳалқалаш ёрдамида табиатда аксарият қушларнинг ҳалокатга учраш сабабларини, ов қилиш мавсумлари ва бошқа шу каби ишларни аниқлашга муваффақ бўладилар. Ҳалқалаш белгиларига кўра қушларнинг учин йўллари харитаси тузилган.

Қушларни ҳалқалаш СССРда 1924 йилдан буён мунтазам ўтказилади. Шу вақт ичида «Москва» сўзлари ёзилган 50 миллиондан

ортиқ ҳалқали қушлар рўйхатга олинган. Шу тартибда системали иш юритиш туфайли шулардан юз минг ҳалқаланган қушларнинг тақдири аниқланди. Масалан, Фарбий Сибирда яшайдиган ўрдақларнинг Ўрта Осиёда қишлаши, қисманларининг эса Эрон, Ҳиндистон, Покистонга учиб кетиши маълум бўлди.

Бундан ташқари, ҳалқалаш қушларнинг неча йил яшашини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Масалан, эндиликда сув қушларининг 27 йил, ўрдақларнинг 24 йилгача яшашлари бизга маълум.

Демак, шу маънода юртдошларимиз бўлган Ҳайдар кўл балиқчилари ҳам қушларнинг бутлигини сақлашда табиатшунос олимларимизга ёрдам кўрсатмоқдалар.

Масъут МАҲМУТОВ

(Боши 20-бетда.)

«Чамаси, халқ табобатининг айрим афзалликларига, айрим эслатишларни таъкидлаган ҳолда, унинг миқёси кенглигини, қадимги замон шифокорларига хос бўлган универсализмга эга эканлигини кириштириш мумкин. Тор мутахассисликка томон бораётган бизнинг давримизда универсал-врач бўлиш мумкин эмас-ку, деб менга эътироз билдиришлари мумкин. Ҳа, универсал бўлиш мумкин. Бироқ ҳар бир шифокор медицинанинг кенг билими даражасига, беморларни кўришда ҳам кенг қарашларга эга бўлмоғи лозим.

Халқ табобатининг яна бир афзаллиги, шубҳасиз, агар таъбир жоиз бўлса, ундаги «кадрлар танлаш» методидир. Илмий медицинада врачлар тайёрлаш поток — оқим усулида олиб борилади, бу оқимга баъзан шифокор бўлиш учун нозарур, ҳатто бунга но-лойиқ кишилар ҳам тушиб қола-

ди. Чинакам халқчил шифокор кўп ҳолларда табиий танланшининг, селекционинг маҳсули бўлади. Уларнинг кўплари, худди доктор Долма сингари, жуда катта тажрибаларни ўзида жамлаган табиблар авлодининг меросхўрларидирлар. Халқ шифокорининг «дипломи» — унинг беморлар томонидан тан олиншидир.

Биз халқ табобатидан кўп нарса ўрганишимиз мумкин, бунга шубҳа йўқ. Фақат зийраклик, қизиқсиниш билан қараш эмас, фақат диагностиканинг у ёки бу усули эмас (масалан, томир уришига қараб диагноз қўйиш жуда ҳайрон қоларлидир), бир қатор терапевтик воситалар ҳам диққатни тортади. Бунинг ҳеч айбитадиган бир жиҳати йўқ. Бироқ халқ табобатининг бизга берадиган таъсиралини жуда зийраклик билан баҳолашимиз лозим...

Шунингдек, бошқа мамлакатлар ва қитъалардаги халқ табобатининг ҳамма учун фойда беравермаслигини ҳам билиб қўймоқ зарур. Бу нарса одамларнинг маҳаллий ҳаёт тарзига боғлиқ бўл-

ган айрим биологик хусусиятлари, овқатланиш, организмда модда алмашиш жараёнининг кечиши ва ҳоказо жиҳатлар билан изоҳланади».

Таниқли иллюзионист, СССР халқ артисти Арутюн Акопян ўз сўзида Сергей Медведко гувоҳ бўлган воқеага шубҳа билдиради ва шайх Абдул Қодирнинг бутун хатти-ҳаракатларини, афсунгарликдан иборат, деб ишонтирмоқчи бўлади.

Машҳур психолог врач, медицина фанлари доктори Н. Троян эса, бу ҳақда жумладан куйидагиларни ёзади:

«Худди ҳиндистонлик йоглар сингари суриялик шайхларнинг ҳам қобилиятлари ҳақиқатан ҳайрон қоларлидир. Уларнинг кўплари истаган пайтларида ўз таналарининг ҳароратини бир неча даража кўтаришга ёки пайстиришга эриша оладилар, териларини иссиқ ўтмайдиган қила оладилар, ўз тўқималарининг механик мустаҳкамлигини нормадагидан бир неча баробар ошира оладилар, юрак уриши зарбини,

нафас олишни тезлатиш ёки бутунлай тўхтаб қолишга пасайтиришга эриша оладилар.

Бундай қобилиятга эга бўлиш — машқ натижасидир... Шайхларда ҳам, йогларда бўлганидек, жисмоний машқ билан бирга психологик чинқиш барабарига олиб борилади. Тинимсиз равишда мускулларни одатдан ташқари ҳолатда туттиш, уларга мураккаб вазифалар юклаш ва бу ишларга нафас олиш машқини ҳам уйғунлаштириб бориш ҳамда иродани мустаҳкамлаш охири-оқибатда кишини ўз танасидаги бутун мускулларни идора қила олишга олиб келади... Шу тариқа улар юрак ва ичак мускулларига ҳам «ўз сўзларини» ўткази оладилар.

Шуниси ҳам борки, шайх ўзининг мўъжиза яратаётганига, ўз фаолиятининг имкониятларига ишонади.

Ҳар қалай бундай ҳодисаларни бутунлай рад этиш ўрнига уларни изчиқ ўрганмоқ лозим». Демак, мазкур воқеада ўрганишга лойиқ жиҳатлар бор.

ЧОПИШ-СОҒЛИҚ ҒАРОВИ

Маълумки, ҳозирда турмушимиз фаровон, дастурхонимиз тўкин. Илмий-техника тараққиётининг таъсири ҳаётимизга кириб келяпти. Натижада бир қадар жисмоний меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қоляпти. Етти қадам нарига ҳам шахсий машинада ёки жамоат транспортида боришга охиқамиз. Утин ёриш, кўмир ташиш, сув келтириш каби рўзгор юмушлари барҳам топди. Уйи...изда табиий газ мавжуд, унга гуғурт чертсангиз бас, кўп ўтмай овқатимиз ҳам тайёр бўлади. Кир ювишда беминнат дастёр ҳисобланувчи машина бор. Кўпинча пиёда юриб сайр қилишдан кўра телевизор экрани олдида соатлаб томоша кўришни афзал деб биламиз. Узогимизни яқин қиладиган телефон бор. Етти маҳалла наридаги киши билан бемалол гаплашамиз.

Тўғриси, илмий-техника тараққиёти бизни анчагина ялқов қилиб қўяпти, жисмоний меҳнатдан, аниқроғи табиий ҳаракатдан чиқиб кетяпти. Инсон ҳаракат қилмаса, жисмоний меҳнатдан ҳоли бўлса, бир қатор хасталикларга чаллинишни кўпгина илмий манбалар эътироф этади. Утмишнинг машҳур шифокори Н. М. Амбодик-Максимовичнинг жуда мазмунли гапи бор: «Ҳаракатсиз тана ҳалқоб-кўлмак сув мисол могорлайди, бузилади ва чирийд». Дарҳақиқат, ҳаракат саломатлик мезони ҳисобланади.

Киши жисмоний ҳаракат қилмаса, организмдаги физиологик жараёнларда нуқсонлар пайдо бўлади. Чунончи, гипокинезия ҳолати (мушакларнинг бўшанглиги, ҳаракатнинг сусайиб кетиши), юрак ишмемаси (маҳаллий камқонлик), атеросклероз, диабет ва бошқа жиддий хасталикларни келтириб чиқаради.

Кам ҳаракат қилган кишиларда хомсемизликка мойиллик пайдо бўлади. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар ўз навба-

тида импотенцияга (жинсий заифлик, мижоз сустлиги) ҳам олиб келиши мумкин. Кам ҳаракатлик бевосита пешоб йўлига, шунингдек, жинсий безларга салбий таъсир кўрсатади. Чунки қон айланишида нуқсонлар пайдо бўлади, қоннинг ҳалқобланишига олиб келади. Маълумки, эркеклардаги ток безлари шаҳват уруғларини ишлаб чиқаришда, шунингдек, жинсий эҳтирос уйғотишда фаол қатнашади. Мабодо мазкур аъзо ялғиланган бўлса, жинсий жараёнга путур етказилади. Бу борада илдам юриш, югуриш эса фақатгина киши организмни мустаҳкамлаб қолмай, балки қон ва лимфаларнинг кичик тос аъзоларида айланишнинг яхшилаиди, ҳалқобланишнинг олдини олади.

Шуни айтиш керакки, бошқа турдаги ҳаракатларга нисбатан юриш ҳамда югуришда ток безининг ўзига хос уқаланиши (массажи) ҳосил бўлади ва унинг фаолияти яхшиланшига шароит яратади. Мана шундай, энг содда ҳамда қилиниши жўн бўлган табиий амаллардан эркеклар фойдаланишлари лозим. Чунки жинсий таназуллик оилавий бахтсизликларни келтириб чиқаради.

Фаол ҳаракат, югуриш барча учун ҳам фойдали бўлмаслиги мумкин. Шу босдан югуриш машқи билан шугулланишда, албатта, шифокорнинг тавсиясига таяниб иш кўриш лозим. Врач ўз навбатида қабулида бўлган кишининг ҳолатидан хабардор бўлади: ёши, организмнинг мазкур вақтдаги ҳолатини белгиллаган ҳолда тиббий муолажа-лар билан бир қаторда жисмоний тарбиянинг у ёки бу кўриниши ёхуд югуриш машқи билан шугулланиш лозимлигини тавсия қилиши мумкин.

Жинсий заифликнинг келиб чиқишида кишининг руҳий ҳолати ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Мутахассисларнинг

ҳисоблашларига қараганда, аксарият ҳолларда мижоз сустлиги асабнинг пўртана уруши, ҳорғинлик, чарчаш, ўзига нисбатан ишончсизлик ва руҳий озорланиш оқибатида ҳосил бўлади. Бундай асоратли дамларнинг келиб чиқишидан ҳимояланиш учун авваламбор одам асаб системасини мустаҳкамлаши, аъзоларининг тонусини кўтариши ўринлидир. Бу борада жисмоний тарбия барча нохуш асоратларга барҳам берувчи энг синалган оддий амаллардан бири ҳисобланади.

Агар киши муттасил равишда югуриш билан шугулланса, унда шижоат, қатъиятлик каби ҳислатлар шаклланади. Шуни айтиш керакки, киши югуришдек амалдан фойдаланадиган бўлса, у ўз ҳолатига қараб югуриш суръатини илдамлаштириши, хоҳласа пасайтириши ҳам мумкин.

Киши югурганида, у қандайдир энгиллик ҳис қилади, тинчланади, мушакларга ором берилади. Югуриш машинининг энг хосиятли ҳисобланадиган жиҳатларидан бири, у ҳам бўлса, «ортиқча юк» ҳисобланувчи семизликдан ҳоли бўлинади. Шуни айтиш керакки, югуриш билан шугулланадиган кишилар овқатланиш режимида қатъий риоя қилишлари зарур.

Семизликка қарши кураш жинсий заифликка қарши курашнинг бир кўринишидир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, семизлик билан жинсий ногиронликда узвий боғланиш бўлади. Жинсий қобилиятсизлик ўз йўли билан семиришга мойиллик яратади.

Ўқиблаб чопишнинг хосиятлари кўп, жумладан мазкур содда машқ билан шугулланган киши умр заволи ҳисобланадиган тамаки чекишни осонлик билан ташлаши мумкин. Шунингдек, югуриш умр кўшандаси ҳисобланадиган алкоғолизм исканжасидан қутулишни осонлаштириши кузатилади. Булар эса ўз навбатида жинсий ожизликка барҳам берувчи омиллардир.

Югуришда ҳам югуриш бор. Тўғри югуриш кишининг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, вазнини меърида ушлаб туради, юрак ҳасталиklarининг келиб чиқмаслигига ёрдам беради. Югуриш учун махсус маршрут тайинлаши шарт эмас: қулай шароитлардан ўринли фойдаланиш керак, иложи бўлса ишга пиёда бориб, пиёда қайтиш ҳам фойдали. Иморатнинг юқори ва пастки қаватларига чиқиб-тушишда лифтлардан эмас, зиналардан фойдаланиш керак.

Мутахассис шифокорларнинг тавсияларига қараганда, одам

кунига ўрта ҳисобда 5 километр атрофида юриши жуда фойдалидир.

Пиёда юришнинг ниҳоятда саломатлик учун фойдали эканлиги ҳақида кўпгина тарихий лавҳалар мавжуд. Шулардан қуйидаги воқеа «Техника молодёжи» журналининг қайсиям бир сонида келтирилган: «1795 йили Япония императорининг таклифига биноан Эдо (Токио шаҳрининг эски номи) шаҳрига 194 ёшли деҳқон Мампэ ташриф буюради. Қизиги шундаки, бу табаррук ёшли зотни 173 ёшли хотини, 153 ёшли ўғли ва 145 ёшли келини кузатиб келганлар. Мампэнинг учинчи авлоди бўлмиш невараси билан келинининг умум ёши ўша вақтда 200 йилдан ошган эди. Чолни катта иззат-икром билан кутиб олишиб, уни кўздан кўп соғва-салом билан (гуруч, пул) уйига кузатиб қўядилар. Орадан 48 йил ўтгач, Мампэ яна шаҳарга, янги кўприкнинг очилиши муносабати билан боради. Энди унинг ёши 242 да, хотини 221 ёшда, ўғли эса 201 да эди... Маълумотларда қайд қилинишича, умри чинор бўлган бу авлоднинг семимли иши — меҳнат ҳамда ибратли ҳаракат бўлган.

Хитоёда Ли Чунюн исмли шахснинг 252 ёшга кирганлиги ҳақида маълумотлар бор. Табаррук ёш соҳиб ўзининг икки ярим асрлик ҳаёти давомида бирор марта ҳам соғлиғи ҳақида шижоат қилмаган. У ўта кекса бўлишига қарамасдан жуда тетик, ҳаракатчан бўлган.

Умри ҳаракатда бўлган ёши юздан ошган табаррук ёшлилардан кўплаб зуриётлар, ҳатто сулолалар пайдо бўлганлиги ҳақида жуда кўп манбалар бор.

Шуни қайд қилиш лозимки, мижоз сустлигида ҳарқандай дори-дармонларга бўйин эгиш, оқибатда нохуш асоратларнинг келиб чиқишига замин яратиш мумкин. Доривор омиллар хоҳ у гармонал, хоҳ химиотерапевтик асосда бўлсин, уларни кўр-кўрона, пала-партиш ишлатиш организмда мавжуд бўладиган нозик биохимик жараёнларга салбий таъсир кўрсатмасдан қўймайди.

Халқимизда ажойиб бир мақол бор: «Агар юрсанг пиёда, умринг бўлар зиёда». Ҳа, ҳар бир инсоннинг ўз саломатлигини, қадди-қоматини сақлаши, соғлом ҳаёт кечирishi учун унумли меҳнат билан бирга жисмоний ҳаракат муштараклигига амал қилмоғи айни муддаодир.

Мавнон НАБИЕВ,
доришнос
Асқар СОДИҚОВ,
медицина фанлари кандидати



КОСМОСГА ТИНЧЛИК!

Ядро қуролларини тобора кўпайтириш ва бунинг устига қуролланиш пойгасини хатто космосга ҳам ёйишга интилиш инсониятни ялпи ядровий ҳалокат хавфига дучор қилишнинг соғлом фикр юритадиган ҳар бир киши яхши англайди. Вашингтон расмий доираларининг космик фазони ҳарбийлаштириш бобидаги гап ва режалардан амалий ишга ўтаётганликлари ҳамда дастлабки космик қуролларини яратганликлари эса, юқоридagi хавфни реал қилиб қўймоқда. Эндликда инсоният олдида иккита йўл турибди: ёки космос ҳарбийлаштирилишининг олди олинадиган бўлиши инсоният бошида дахшатли хавф-хатар манбаига айланади. Буни Ер қуррасидаги ҳар бир халқ ҳам, ҳар бир киши ҳам сезмаслиги, тегишли хулоса чиқариб олмадлиги мумкин эмас.

Маълумки, Америка империализми милитаризми, ядровий қуролланишни ўзига асосий сиёсат қилиб олган. Оқ уйга Р. Рейган келганидан кейин ушбу хавфли ва хатарли сиёсатга кенг имкониятлар очиб берилди. АҚШнинг қирқинчи президенти даврида мамлакатнинг ҳарбий бюджети 75 процентга ошди. Ҳозир Пентагоннинг йиллик ҳарбий сарфлари 250—280 миллиард долларни ташкил қилмоқда. Умуман, милитаризм АҚШ экономикасини ҳам, халқ ҳўжялигини ҳам камраб олмақда ва аҳолининг онгини зарарламоқда. Рейган маъмуриятининг фаолияти натижасида ҳамма нарсани ҳарбий куч ёрдами билан ҳал қилишга интилиш касаллиги тобора зўрайиб борди. Масалан, фақат урушдан кейинги ўтган йилларда ташқи сиёсат бўйича қўйган мақсадларига эришиш учун АҚШ 262 марта қуролли кучларни ишга солган. Вьетнам ва Ливандаги қон тўқишлар, Гренаданинг ёвузларча босиб олиниши ва Никарагуага қарши олиб борилаётган пинҳона уруш... Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

АҚШ давлат департаменти дипломатлари ва Пентагон генераллари ўзбошимчилик билан ер шарининг кўпгина районларини, денгиз ва океан сувларини «ўз миллий манфаатлари зоналарига» айлантириб, ўша ерларда ҳарбий таянч пунктлари, базалар вужудга келтиришди. Ниҳоят 1983 йилнинг 23 март куни президент Рейган АҚШда «самовий уруш» режалари ишлаб чиқарилаётганлигини маълум қилди.

Тўғри, АҚШда анча йиллардан бери ҳарбий космик программалар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, кейинги 20 йил ичида ушбу программаларга 50 миллиард доллар маблағ сарфланди. Лекин космос қуролланишдан ҳоли қолаётган эди. Эндликда Вашингтонда Махсус космик технология марказ» тузилди, АҚШнинг бирлашган космик қўмондонлиги ва космик қуролли кучларини вужудга келтириш режалари ишлаб чиқилмоқда. Оқ уй эса космосдаги ҳарбий тайёргарликни амалга ошириш учун Пентагонга 26 миллиард доллар ажратиб берди, келгуси йиллардан бошлаб ушбу мақсадлар учун 500 миллиард доллар сарф қилинажаги эълон қилинди. Умуман ҳозирги кунда АҚШда Оқ уй ҳўжайини шу йилнинг бошида имзолаган миллий хавфсизлик тўғрисидаги 119-директивани тезроқ амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тоймаётган. «Шаттл» космик кемаларининг парвозлари ҳарбий мақсадларни кўзламоқда. «Шаттл» командири полковник Жек Лустанинг: «Космосдан туриб бутун дунёни кўрқувда ушлаш мумкин» деб очиқчасига айтган сўзлари Вашингтоннинг асосий мақсадини яққол кўрсатиб турибди.

Космик фани ва техникаси бугунги кунда улдувгор ютуқларнинг рамзи бўлиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Уни тинч йўл билан ўзлаштириш жуда катта самаралар бермоқ-

да. Совет космонавтларининг тинчлик мақсадлари йўлидаги парвозлари бунинг ёрқин мисолдир. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи космоснинг дахлсиз бўлиши учун зудлик билан самарали чоралар кўришга даъват этмоқда. Космик фазони милитарлаштиришнинг олдини олиш масалалари юзасидан Совет ҳукуматининг баёнотлари, ТАСС баёнотлари бунинг яққол далилидир. Ана шу баёнотларда Совет Иттифоқи тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб, АҚШ ҳукуматига космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш юзасидан музокаралар олиб боришни таклиф қилди. Маълумки, АҚШ ҳукумати бу таклифларга тамомилан қониқарсиз жавоб қайтарди.

Америка ҳукумати Совет Иттифоқининг космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик хусусидаги таклифлари атрафида алдамчилик ўйинини бошлаб юборди ва бундай музокараларни мутлақо бошламоқчи эмаслигига шубҳа қолдирмади. Шуниси ажабланирлики, Америка маъмурияти таклиф қилган ахборот лойиҳасида ҳатто «космос» сўзининг ўзи йўқ. Космосни ҳарбийлаштиришга йўл қўймаслик тўғрисида ва космик қуролини тақиқлаш ҳақида эса оғиз ҳам очилмаган. Бунинг ўрнига «муҳокама қилиш ва музокараларга ёндашишни белгилаш учун «қандайдир» учрашув» ўтказиш хусусидаги мужмал ибора таклиф қилинади, ammo бу музокараларнинг нима ҳақида бўлиши айтилмайди.

Бу иборанинг маъноси равшан: Совет Иттифоқи таклиф этган ҳаётий муҳим проблема — космик қуролини тақиқлаш юзасидан музокаралар ўтказишдан бўйин товлаш, музокараларнинг бу мавзунини ҳамма нарсга ҳақида умумий мунозара юритиб, конкрет ҳеч нарсани таклиф қилмаслик билан шуғулланишдан ва айни вақтда қуролланиш пойгасини тўхтатиш вазифасига мутлақо алоқаси бўлмаган ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишдан иборат.

Шу тариқа Америка маъмурияти ўзининг урушқоқлик йўлидан, кенг миқёсдаги ҳарбий программаларини зудлик билан амалга оширишдан воз кечмоқчи эмаслигини яна бир

бор очиқ-равшан намойиш қилди. Қурол-яроғларни чеклан юзасидан жиғиди музокаралар ўтказиш имкониятининг ўзи Вашингтонда мана шундай сиёсатни рўёбга чиқариш учун бир тўсиқ ҳисобланаётганлиги кўриниб турибди.


Сўзсиз АҚШнинг ўзида ҳам, бутун жаҳонда ҳам расмий Вашингтоннинг космосда кенг миқёсдаги ҳарбий программаларни зудлик билан амалга оширишга интилиши, космосни агрессия майдонига, инсоният учун хавф-хатар манбаига айлантириш йўли кескин қораланмоқда. Масалан, Венада бўлиб ўтган БМТнинг космик фазодан тинчлик мақсадларида фойдаланиш комитетининг 27-сессиясида элиқа яқин мамлакат вакиллари космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш, космос бутун инсоният учун дахшатли хатар манбаи бўлиб қолмаслиги учун таъсирчан чораларни қўллаш, қуролланиш пойгасининг космосга ёйилишига тўсқинлик қилиш, космосдан фақат тинчлик мақсадлари учунгина фойдаланишни таъминлаш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Совет Иттифоқининг ҳозир хатарли равишда кескинлашган халқаро вазиятдаги амалий ва қурол-яроғлар устидан контролик қилиш соҳасидаги гоят муҳим ташаббусларни америкаликларнинг тобора кўпроқ қисми маъқулламоқда, — деди АҚШдаги «Умумхалқ конгресси» органининг аъзоси С. Бэррон. У СССРнинг йўлдошга қарши қуролнинг бирон бир турини учирини ўз ташаббуси билан тўхтатиб туриш сингари ҳаракатлари, Совет Иттифоқининг Америка ва Совет ядро қуролларини икки томонлама асосда қўпайтирмай қўйиш ҳақидаги, кимёвий қуролини тақиқлаш ва тутатиш тўғрисидаги таклифлари ҳозирги вақтда, Рейган маъмурияти ядровий муҳолифик йўлини ўтказётган бир пайтда айниқса муҳим эканини таъкидлади. АҚШ оммавий ахборот воситаларида советларга қарши жазавали ташвиқот кампанияси авж олдирилишига қарамай, Америка жамоатчилигининг кенг даражасида халқаро тинчликка ва хавфсизликка Совет Иттифоқи эмас, балки Вашингтон таҳлика солаётганлигини тушуниш кучайиб бормоқда.

Американинг таниқли олимлари Р. Гарвин билан К. Саган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненкога мактуб йўллаб, унда космик фазо ҳарбийлаштирилиши билан бўлғиқ хавф-хатар сабабли астойдил ташвиқланаётганликларини билдирди. Мактуб муаллифлари, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг сессияси муҳокамага такдим этилган шартнома — «Космик фазода ва космосда туриб Ерга нисбатан куч ишлатишни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома»нинг Совет лойиҳасини қўллаб-қувватлаётганликларини ҳам изҳор этдилар.

Совет Иттифоқи эса қуролланиш пойгасини космосга олиб чиқишдан иборат машғулот режалар реал воқеликка айланмаслиги учун мумкин қадар кўпроқ куч-ғайрат сарфламоқда. КПСС ва Совет давлати раҳбари К. У. Черненко алоҳида таъкидлаб ўтганидек, Совет Иттифоқи ҳар қандай турдаги қуроллар билан, шу жумладан космик қуроллар билан қуролланиш пойгасига қатъиян қаршидир. Айни вақтда шу нарсга тушунарли бўлиши керакки, Совет Иттифоқи космосдан таҳдид қилинаётган бир пайтда ўз хавфсизлигини пухта таъминлаш учун чоралар кўришга мажбур бўлади. Космос орқали ҳарбий устуликка йўл очиш мумкин, деган режалар хомхаёлдир.

«Космосга тинчлик!» Қунимининг бугунги бош шiori мана шундай.

Талғат СОЛИБЕВ,
халқаро шарҳловчи



Уруш оловини ёқувчи.

А. ХОЛИҚОВ чизган расм.

ҚАРДОШЛИК КУЙЧИСИ



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Александр Удалов ижоди ҳақида ўйлаганда, энг аввало адиб ижодидан кенг ўрин олган халқлар қардошлиги, дўстлиги мавзуси фикрни ўзига тортади ва маъқур мавзуга унинг зўр эътиқод билан қарashi, ҳамisha содиқ бўлиб қолаётгани кишини ҳаяжонга солади. Ёзувчининг Улуг Ватан урушидан илгари ёзилган дастлабки ҳикоялари ва очеркларидан тортиб, 1982 йили китобхонлар қўлига теккан «Ватан фарзанди» романигача ўзбек ва рус халқларининг орзу-истаклари, инқилобдан аввалги аламли кунлари, инқилобдан кейинги ҳамкорликдаги курашлари ва меҳнатлари тараннум этилади.

Александр Удаловнинг ўз ижодида Ўзбекистон тупроғига бунчалик меҳр қўйиши, халқлар дўстлиги ва биродарлигини бунчалик муқаддас деб билиши, бу туйғуларни самийини меҳр-муҳаббат билан тасвирлаши бежиз эмас. Бўлажак ёзувчи Симбирск — ҳозирги Ульяновск шаҳрида туғилди. Унинг болалиги, ҳаёт тақозосига кўра, Сирдарё бўйларида ўтди. Кейинроқ Ташкентга келди. Қариялардан эшитган қизиқ-қизиқ ҳаётини

ҳодисаларни, эртақларни дафтарига қайд қилиб қўйишга оdatланди. Бора-бора ҳикоялар, очерклар ёзишни машқ этди. Демак, унинг қалбидаги бадий ижод дарахти — истёждоди шу заминда илди этди.

Ёзувчининг дастлабки тўплами — «Ҳикоялар» 1938 йилда нашр этилди. Бу тўпلامга унинг «Жасорат», «1935 йилда бўлган воқеа», «Семёнинг ўлими» сингари ҳикоялари жамланган эди. 1940 йилда ёш адибнинг «Марина» номли қиссаси эълон қилинди. Зўр ҳарорат билан ёзилган бу қиссада муаллиф коллективлаштириш давридаги воқеаларни қаламга олди.

Улуг Ватан уруши йилларида Александр Удалов харбий журналист сифатида фаолият кўрсатди, совет жангчиларининг мислсиз жасоратлари ҳақида очерклар, ҳикоялар, қиссалар яратди, совет кишиларининг ғалабага бўлган ишончларини оширишга ҳисса қўшди.

Александр Удалов урушдан кейинги йилларда қишлоқ кишиларининг бунёдкорлик меҳнатлари тўғрисида, ўзбек хотин-қизларининг оилавий турмуш ва меҳнатдаги ўрни хусусида, халқимизнинг миллий анъаналари ҳақида катор асарлар яратди. «Замондошларим» (1950), «Ез кунларининг биринди» (1957), «Қизлар» (1961) қисса ва ҳикоялар тўпламлари бунинг ёрқин далилидир.

Адибнинг «Сабр косаси» деб номланган икки қисмдан иборат романи унинг узоқ йиллардан бери қалбда ардоқлаб келган эзгу гоёвий мақсадини юзага чиқарди. Романи ўқиган китобхон Ўзбекистон ССР нинг инқилобгача ва инқилобдан кейинги ҳаёти муаллиф томонидан чуқур ўрганилганлигига ишонч ҳосил қилади. Асар воқеалари 1905 йиллардан бошланади, халқимизнинг йигирма йиллик инқилобий тарихи замонавий позициядан туриб талқин қилинади. Қардош ўзбек ва рус халқларининг биродарлиги тарихий ҳаққоният билан акс этти-

рилган бу асар қаҳрамонлари инқилоб руҳи билан нафас оладилар, асрлар бўйи кутган орзуларини амалга ошириш учун яқдл бўлиб курашадилар.

Александр Удаловнинг навбатдаги йирик асари — «Ватан фарзанди» романи 1982 йилда китобхонлар қўлига теги. Асар воқеаларининг кўлами, қаҳрамонларнинг бир-биридан айрича хатти-харакатлари, ёрқин характерлар муаллиф истёждодининг камолотидан дарак берди. Адиб бу асарида ёш ўзбек йигити Асрлон Кўчневнинг мураккаб тақдири, ўзига хос ҳаёт йўли орқали республикамызда бўлиб ўтган коллективлаштириш, кооперациялаштириш даврини бадий бўёқларда тасвирлаб беради.

Қисқаси, қардошлик, биродарлик куйчиси Александр Удалов — минг-минглаб китобхонлар меҳрини қозонган адиб. Унинг деярли барча асарлари китобхонлар томонидан севилиб, қўлма-қўл ўтиб ўқилади. Шу ўринда юбилар адиб асарларини севиб ўқийдиган китобхонлардан бири, Ташкентдаги «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ташкилотининг секретари Ойниса Нодированинг сўзларини келтиришни жоиз деб биламиз:

— Мен, сеvimли адибимиз Александр Удаловнинг барча китобларини ўқиганман, десам бўлади. Ҳар гал унинг асарларини ўқийётганимда ўзбек халқининг ўтмишидаги ҳаёти гўё кўз олдимда гавдаланиб туради. Дастлаб адибнинг «Сабр косаси» номли асарини рус тилида ўқидим. У пайтда рус тилини унча яхши билмасдим. Шунда ўзимга ўзим сўз бериб: «Агар рус тилини яхши ўргансам, шу асарни албатта қайтадан ўқийман», дедим. Ленинград университетиде ўқиб юрган пайтларимда асарни қайта ўқидим. Шундай кейин Александр Андреевичнинг бошқа асарларини ҳам топиб ўқий бошладим. Курсдошларим бир куни: «Сен шу ёзувчи ижодидан диплом иши ёзсанми?» деб сўрашди. «Халқимизнинг ўтмишини шу китоблардан ўрганапман», дедим...

Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Александр Удалов етмиш ёшга кирди. Камолот ёшидаги ҳурматли адибимизга узоқ умр ва сихат-саломатлик тилаймиз. Ижодингиз яна ҳам баракали бўлаверсин, қадрли Александр Андреевич!

Оқилжон ҲУСАИНОВ

ИБН СИНО ВА ДАНТЕ

Адабий алоқа ва ўзаро таъсир проблемаси — совет адабиётшунослигининг муҳим соҳаларидан бири. Сўнгги чорак асрда маъқур мавзуга доир талайгина жиддий тадқиқотлар яратилди. Айниқса, Ғарбу Шарқ адабий алоқалари кўпгина шарқшунос олимлар эътиборини жалб қилди, шу соҳага доир қатор илмий изланишлар олиб борилди. Шу нуқтага назардан таниқчи адабиётшунос Нажмиддин Комиловнинг ўтган йили Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан chop этилган «Ибн Сино ва Данте» китоби катта илмий қизиқиш уйғотади.

Пухта тайёргарлик билан ёзилган китоб асосли далилларга бойлиги, ўртага ташлаган хулосаларининг равшан ва етарли асосланганлиги жиҳатидан ҳам маътовга моликдир. Тадқиқот марказида Шарқ билан Ғарбнинг илмий ва маданий алоқалари туради. Муаллиф, юқорида таъкидлаганимиздек, адабиётшунослигимизнинг нисбатан кам ўрганил-

ган қирраси — Шарқ илмий фани, адабиёт ва маданиятининг Ғарб тафаккурига, маънавий дунёсига кўрсатган ижобий таъсирини ўта синчковлик ва назокат билан далиллашга киришади.

Китоб муқаддима ва хотимадан ташқари уч катта қисмни ўз ичига олади. «Муқаддима» да китоб муаллифининг мақсад ва муддаоси, муҳокама учун кўтарилган муаммонинг муҳимлиги алоҳида таъкидланади. Китобнинг ёзилиш услуби раван. Н. Комилов илмий зукколик билан муҳокама, мулоҳаза юритади, ишончли манбаларнинг маълумотига таянади, китобхон билан баҳам қўриладиган фикрлари исботи учун беҳад бой илмий-адабий материалларни, етук шарқшуносларнинг пишиқ хулосаларини шоҳидликка келтиради. Асар муаллифи сўз юритилаётган мавзу бўйича илмий жуърат кўрсатади, таҳлил этилаётган муаммо хусусида ўз нуқтаи-назарини баён этади.

Булар, шубҳасиз, иштиёқ билан

ёзилган мўъжагина китобнинг қимматли фазилатларидир. Муаллиф Шарқ билан Ғарб маданий алоқалари асрлар давомида турлича ҳолатларда амал қилгани, нотекис тарраккиёт йўлини босиб ўтганлигини ҳисобга олиб, уларни даврлаштиришни маъқул кўради ва ўз таснифини тақдим этади. Тўғри, ҳали бу гуруҳлаштиришни тўла илмий асосланган ва жамоатчилик имтиҳонидан ўтган дейиш қийин. Бундан қатъи назар, етти қисмдан иборат тасвирнинг берилиши муаллифнинг илмий жасорати, муваффақиятидир. Тадқиқотчи ўз асарини «уч рисоладан иборат китоб» тарзида характерлайди. Дарҳақиқат, ўша уч рисола «Гомердан Берунийгача», «Ибн Сино ва Данте», «Боккаччионинг илҳом париси» каби сарлажалар билан номланган. Айни замонда, ҳар бир рисола ўз ички композициясига ҳам эга. Аслида, бизнингча, уларни алоҳида рисола тарзида баҳолашдан кўра, яхлит тадқиқотнинг қисмлари сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Китобнинг биринчи қисми гоёта мароқ билан ўқилади. Унда Абу Райҳон Берунийнинг адабий-эстетик қарашларига алоҳида ургу берилади. Тўғри, Берунийнинг

бадий сўз санъати, шеър ва шориларга муносабати масаласи бундан олдин ҳам шарқшунос ва адабиётшунослар эътиборини тортган эди. Айниқса И. Ю. Брачковский, П. Г. Булгаков, У. Каримов, А. Расулов, А. Қаюмовларнинг тадқиқотлари бу жиҳатдан характерлидир. Н. Комилов ана шу алоҳида адабиётшуносларнинг кўрсатмаларига суянган ҳолда мавзуга янгича — адабий алоқа ва ўзаро таъсир аспектида муносабатда бўлади. Шу борада Абу Райҳон Берунийнинг ролини қабартириб намоён этишга эришади.

Китобнинг маъқур қисми сўнгги икки қисм учун пойдевор вази фасини ҳам ўтайди. Чунки ана шу қисмда Шарқнинг Ғарбга ва Ғарбнинг Шарққа кириб бориши таъмин этилган омиллар, восита ва воситачилар кўрсатилади, кўп сонли илмий, бадий, тарихий далиллар ёрдамида муаллифнинг хулосалари таъкидланади. Н. Комилов, шунингдек, Беруний ва адабий алоқалар мавзуси борасида ўз тадқиқотини кутаётган анчангина проблемаларни ҳам илгари сурадики, бу ўз навбатида ҳам китоб ва ҳам олимнинг каттагина илмий ютуғидир.

Рисоланинг «Ибн Сино ва Дан-

ТИЛШУНОС ОЛИМ



Ўзбек фани ва тил маданиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган олимлар сафида профессор Аюб Ғуломовнинг ҳам муносиб ўрни бор. У ўз илмий фаолиятини 1936 йилдан бошлади. Дастлаб унинг «Она тилидан кўрғазмалари материаллари» ва «Ўзбек тили синтаксиси дарслиги» китоблари чоп этилди. 1940 йилда эса олимнинг «Ўзбек тилида аниқловчилар» монографияси эълон қилинди. Бу иш авторнинг кандидатлик диссертацияси бўлиб, асар ўша йилги қисқартirilган ҳолда рус тилида ҳам нашр этилди. Бу асар ўзбек тилшуносларининг эътиборини тортиди. «Иш ғоят ақуалдир, — деб баҳо берган эди атоқли тилшунос олим А. К. Боровков мазкур монография хусусида. — Аюб Ғуломов кўйилган масалаларнинг ҳал қилинишига жиддий ёндашган

ва катта фактик материалга таяниб, масаланинг ечилишига таъкидий кўз билан мустақил ёндашган. Тадқиқот жуда қизиқарли ва оригиналдор. Аниқловчиға бағишланган масала А. Ғуломов тадқиқотида биринчи бўлиб ўзбек тилшунослигида муқаммал ва системали равишда ёритилган. А. Ғуломовнинг бу иши матбуотда чоп этилиши, кейинчалик эса рус тилига таржима қилиниши мақсадга мувофиқдир».

1941 йилда олимнинг «Ўзбек тилида келишиклар» номли китоби ҳам босмадан чиқди. Бу асарда келишик аффиксларининг ҳозирги адабий, диалектал ва тарихий формалари, келишикларнинг семантикаси, синтактик-стилистик ва бошқа хусусиятлари ҳозирги замон тили халқ шевалари ва тил тарихининг ёзма ёдгорликлари материаллари асосида ёритилган.

Уша асардан уч йил кейин нашр этилган «Ўзбек тилида кўплик категорияси» монографиясида эса, Аюб Ғуломов кўплик идеясининг ифодаланиш йўллари, кўплик аффикслари орқали ифодаланидаган маънолар, ўзбек тилида арабча ва форча кўплик кўрсаткичлари, сон мослиги ва тилга оид бошқа ҳодисаларни кенг таҳлил қилган.

Олимнинг 1947 йилда эълон қилинган «Ўзбек тилида ургу» илмий иши ҳам эътиборга моликдир. Унда Н. К. Дмитриев, Г. Ракетт, К. Нильсен, В. Преле каби олимларнинг туркий тилларнинг ургуси ҳақидаги фикрларига муносабат билдирилган. Муаллиф академик В. В. Радловнинг туркий тилларда ургунинг семантик ва грамматик функцияга эга эмаслиги ҳақидаги фикрига тўхталиб, ургуни сўз маъноларини, грамматик ҳолатларни дифференциялашдаги ролини кўрсатиб берган.

А. Ғуломов «Ўзбек тили морфологиясига кириш» китобида сўзнинг морфематик состави, ўзақ ва аффиксларнинг муқаммал характеристикаси, хусусиятлари, форма ясовчи аффиксларнинг турлари, сўз ясаш

йўллари каби масалалар таққин қилинган. «Феъл» асариди (1954) олим сўз туркумларидан бири бўлган феълнинг тўрт формасини (соф феъл, сифатдош, равишдош, инфинитив) ҳамда ўзбек тилида инкор категориясини муқаммал ёритади.

Олим орфография, орфоэпия, лексикология ва стилистика бўйича ҳам бир қанча мақола-лар эълон қилган. У ўрта мактаблар учун тузилган стабил дарсликларнинг («Ўзбек тили грамматикаси»: I қисм — фонетика ва морфология, II қисм — синтаксис) муаллифларидан биридир. Мазкур дарсликларда автор ўзбек тили грамматикасидаги тусланиш, майл, яқин ўтган замон, узоқ ўтган замон каби феълнинг замон турлари, феъл замонларининг кўчиши, шахсларнинг кўчиши каби масалаларни тадқиқ қилди. Профессор М. Асқарова билан биргаликда ёзилган «Ҳозирги замон ўзбек тили» (олий мактаблар учун дарслик) студентлар учун муҳим қўланма сифатида бир неча марта қайта нашр этилди. Олимнинг «Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари» мавзудаги докторлик диссертацияси ўзбек тили грамматикаси бўйича қилинган муҳим тадқиқот сифатида аҳамиятлидир.

«...Даставвал истардимки, муаллиф жуда заковатли тилшуносдир, — деб ёзади венгриялик атоқли олим Д. Немет Аюб Ғуломовнинг докторлик диссертацияси ҳақида. — Унинг туркий сўз ясалишига оид бўлган янги маълумотлар, чунончи, номаълум ва оз маълум бўлган суффикслар ва уларнинг янги тарздаги этимологияси, бизни илмий жиҳатдан бойитади...»

Истеъдодли олим Аюб Ғуломов ўзининг илмий фаолияти давомида ёшлардан кўплаб фан кандидатлари етиштирди, ўн бир кишининг докторлик диссертациясига ҳомийлик қилди.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор Аюб Ғуломов 70 ёшга тўлди.

Биз уни барча ҳамкасблари номидан қутлуг ўши билан самимий қўтлаб, олимнинг илмий фаолиятига янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ахмаджон МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори
Ахмад САФОВ,
филология фанлари доктори

те» деб номланган қисми ўзининг ҳажми, ҳал этилган масалаларининг кўлами, мантқ ва мазмуни жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Бунда тадқиқотчининг муҳокама масштабни кенг ва қўламдор. Гарчи сарлавҳа икки ҳикмат соҳибни адабий мероси хусусида қиёсан мушоҳада юрийтишни талаб этса-да, тадқиқотчи мавжд доирадан чиқади ва ҳар бир фалсафий қараш, ғоя, образ генезисини ойдинлаштириш йўлидан боради. Машҳур италян шоири Данте Алигьерининг (1265-1321) «Илоҳий комедияси»ни чуқур филологик таҳлил этар экан, муаллиф унда илгари сурилган ғоя ва қарашларни «Минг бир кеча», «Калила ва Димна», «Синдбоднома» каби асарлар, Ахмад ибн Муҳаммад Ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Ибн Русд сингари ўрта осёлик доғишманларнинг қарашлари билан қоғиштиради.

Мазкур қисмининг турли саҳифаларида турли асрларда, турли шахарларда туғилган фалсафий фикрлар ва уларнинг ташувчиси — юзлаб образлар учрашади. Тадқиқотчи улар билан сирлашади, барча қарашларни ақл мезонида ўлчади, вазиға қараб тош қўяди. Шу туйғайли машаққатли

меҳнат ва изланишларнинг ҳосиласи сифатида эса рад этиш қийин бўлган ҳулосалар туғилади.

Муаллиф Ғарб тафаккурига Ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино каби ўрта осёлик доғишманлар кўрсатган таъсирини илмий далиллаш учун таржимачилик тарихига назар солади. Педро Альфонс, Герард Кремоний сингари таржимонларнинг шарофатли меҳнатлари туйғайли ўнлаб ажойиб асарлар лотин тилига таржима қилинди. Жумладан, Герард Ибн Синонинг «Ал-қонун-фит-тиб» асарини биринчилардан бўлиб лотин тилига ўғирди ва оқибатда шуҳрати бутун Ғарб мамлакатларига таралди, унинг ўлмас тиббий асари эса олти асрдан зиёдрок давр ичиди ўрта ва олий ўқув юрлари учун дарслик сифатида хизмат қилди. Мазкур омиллар адабий алоқа ва ўзаро таъсир учун, шубҳасиз, қулай вазиғатни вужудга келтирган.

Саҳифадан саҳифага кўчган сайин муаллиф таҳлилни тобора чуқурлаштириб боради. Айниқса, Ибн Синонинг «Ҳай ибн Яқзон» (Тирқи ўғли Уйғок) ва «Илоҳий комедия» «Дўзах» бобининг муқосаси катта илмий қизиқиш уйғотади. Ушбу саҳифалар ўз муал-

лифи тафаккур кўламининг ғоят серқирра эканлигидан, типологик таҳлил санъатини, энг муҳими, проблемага тегишли беҳад кўп материални сиңчовлик билан пишиқ ўзлаштирганлигидан дарак беради.

Ҳар бир тадқиқотнинг қиммати унинг давр талабига ҳозиржавоблиги билан белгиланади, албатта. Шу нуқтаи назардан «Ибн Сино ва Данте» китоби алоҳида аҳамиятга молик. Чунки унда ёвузликни, бузғунчилик урушларини лаънатловчи лаъвалар атрафлиқча таҳлил қилинади.

Китобнинг «Тўмарис момо ибрати» бўлимчасида умри бўйи қонга тўймаган ёвуз Қайхусраннинг Тўмарис қўлига тушиши, фожиали ўлими билан боғлиқ Шарқда яратилган қаҳрамонлик афсонаси ва «Илоҳий комедия»нинг шу воқеа тасвирланган эпизодлари солиштирилади ҳамда бундан муҳим сиёсий ҳулосалар ясалади. Дарҳақиқат, океан ортидаги жаноблар учун Қайхусрав фожиаси ибрат бўлмоғи даркор!

Китобнинг сўнги боби иккинчи бобнинг мантқиқий давоми сифатида қўзғат ташланади. Унда Боккаччонинг «Декамерон» асари «Минг бир кеча», «Калила ва

Димна», «Тўтинома», «Қирқ ва зир», «Сабъи сайёр» каби Шарқда яратилган бадий яратма билан қиёсан ўрганилади, шу муносабат билан қимматли умумлашлар ўртага ташланади. Муаллиф мавзуга доир қатор илмий, бадий асарларни назардан ўтказган, уларга ўз муносабатини билдирган. Унинг таҳлил услуби мақсадга мувофиқ, ҳулосалари мантқан асосли.

Фазилатларга бой мазкур китоб айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас. Китобда сарлавҳачалар қўлайиб кетган. Айрим саҳифаларда қоғиштириллар жуда майдалаштириб юборилдики, бу китобхонни бир мунча зериктирди қўяди. Баъзан сўз қўллашда жимжимдорлик сезилади. Айтилганлар китобнинг юксак илмий қимматини пасайтirmайди, албатта.

Профессор Ғулом Каримов ҳаққоний қайд этганидек, Нажмиддин Комилловнинг «Ибн Сино ва Данте» китоби адабиётшунослигимизда янги ҳодиса сифатида алоҳида баҳоланишга сазовордир.

Раҳим ВОҲИДОВ,
Мамаражаб СУЛАЙМОНОВ,
Езил ХАМРОЕВ,
филология фанлари кандидатлари



Латиф ва Маъжун



(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

Муҳаббат тарихин битгувчи одам,
Сўзага оро берди ёсаётган дам.
Ошиқлар сарварин айтгани замон,
Лавҳига бундай сўз айлади баён.
Омирийлар аро қадри баланд ой,
Шараф тахти узра очмишди чирой.
Арабга мақбулдир чорасозликда,
Ажамга севикли дилнавозликда.
Молу мулку яна керакли асбоб,
Иморату ер, сув эди беҳисоб.
Замин палосида чодир мисоли,
Тоғу саҳроларда яшамок холи.
Араб саҳролари унинг макони,
Қадамидан обод бўлур ҳар ёни.
Суруви ёйилса бир неча фарсанг,
Сахро охуларин жойи бўлар танг.
Туя галалари ўркачли нечоғ,
Баланду савлатли эди мисли тоғ.
Улар гоҳи ўтлаб кечгани замон,
Тоғлар бўлар эди мисли биёён.
Йилқилари ўтса ҳар тараф шитоб,
Қулон галасидек эди беҳисоб.
Эшигини очиб келганда меҳмон,
Луфқ этиб бўларди унга меҳрибон.
Ҳар шом тоғу даштада ёришгунча кун,
Олов ёқар эди меҳмони учун,
Қожатталаблари уни кўрса шод,
Улар вайронаси лутфидан обод.
Гўзал кўллар аро унинг бармоги,
Барча қабиланинг зиёрат боғи.
Мухрни синдирар қўлин урган дам,
Саховатда эди мисоли Ҳотам,
Араб улуғлари риёдан кўпроқ,
Эшиги олдида ўшарди тупроқ.
Ажам подшоҳлари бахтиёр-шодон,
У билан эдилар дўсту қадрдон.
Қўлида бўлса ҳам унинг минг гўзал,
Ун ўғлин баридан кўрарди афзал.
Умр ниҳолидан ҳар бири бир шох,
Амал шаҳарида бир баланд даргоҳ.
Лекин ҳаммасидан кенжатоӣ фарзанд,
Меҳрига дилини этар эди банд.
Қўлининг бармоқлари ўнга чамбарчас,
Ҳамлада бир муштга йиғилди, бас.
Ҳар тўю байрамда бўлади тузуқ,
Кичкина бармоққа тақилса узук.
Ҳа, орау осмони нундан чароғон,
Тўлин ой, ё қуёш нуридан ҳар он.
Порлоқ эди унинг хуен бароғи,
Иўқ эди қиёси, Қайс эди оти...
Ун тўрт ёшига у қўйганда қадам,
Ун тўрт кунлик ойдек эди юзи ҳам.
Гўзал хат мисоли ёкутий лаби,
Мушки тўлин ойнинг шиори каби.
Манглайи мисоли чарақлаган ой,
Хуршид уни кўриб ердан олди жой.
Нозанин қизларга қошлари бало,
Покдинлар меҳробда айлашар дуо.
Қади бир ниҳолдир ажаб дилоро,
Хаста кўнгилларга лаблари хурмо.
Соҷдан тугик мимдек даври шакари,
Ярим қилдан ичка белда камари.
Кумуш тўп мисоли тоза занаҳдон,
Сабза мўйи ҳали эмас намобён.
Дилжўй гулруҳларнинг сарв қади
хам,

У тўп ҳавосида чавгон каби хам.
Адабдан саришта фарқдан то қадам,
Адабдан ёзилган дилига рақам.
Табии сўзада қилни ёради хатто,
Паришон кокулдан шеър тўқир шайдо.
Лаълидек лаблари бўлганда қомуш,
Сўзларга у қулоқ тутар эди хуш.

Унинг танг гунчаси очилган пайтлар,
Минг ўйлаб кейин бир нуктани айтар.
Хурлар коқулидек сиёҳ ул қалам,
Оппоқ қоғоз узра ёзганда ҳар дам.
Ҳар бир сўзини у қоғозга битди,
Яхши хатларнинг ҳам varaгин йиртди.
Бир тоифа кичик жамомад улар,
Ҳаммаси унингдек мушкбўй охулар,
Доимо қилишар бирга сайру гашт,
Гоҳи айланарди бирга тоғу дашт.
Гоҳи этагини очиб тоғ томон,
Тоғлар каклигидек бўлдинг хиромон.
Водий тарафида айлабон маъво,
Шодликдан гижжақда қилардинг наво.
Гоҳ юзингни сўйи чашмасор қилдинг
Ва дилни булоқдан бегубор қилдинг.
Гоҳи этганинда чаман оҳанги,
Дилингда ювилди рўзгор чанги.
Ҳар баҳона билан ташларди қадам,
Иўқ эди дилида замонадан гам.
На жигари ишқдан бўлганди кабоб,
На мижжаси шавқдан бўлганди сероб.
Сабр тўнин йирта билмаган эди,
Қалбини ишқ дарди тилмаган эди.
Тунлари фароғат уйкуда ётар,
Парқу тўшагида оромга ботар.
Орау эшигини очганда кундуз,
Ҳар томонга қараб бурар эди юз.
Орауси кўнглининг майли бўларди,
Муроди ҳосили сайли бўларди.
Отанинг назари ҳолидан равшан,
Она дили эди ҳуснидан гулшан.
Билмаганди чекиб кўнглига озор,
Фалак нималарга этади дучор...

* * *

Дилига севгининг лойи қоришди,
Кўнгил лавҳасига шундай ҳарф

тушди.

Энди ўчмас кўнгил лавҳидан бу ҳарф,
Умрини юмвоққа айласа ҳам сарф.
Ҳар лаҳза дилбари томон олса йўл,
Урса шу гўзалнинг этагига қўл.
Жон бериб ҳар ерда бўлур харидор,
Чун ўзи ҳамиса унга гирифтор.
Қайс гўё ақлдан ажралиб бутун,
Эл оғайда номи бўлганди Маъжун.
Юзлари қизарган шафақ рангидек,
Сочлари жингалак худди зангидек.
Кетардун соҷидан унинг бир мисол,
Шафақда тўлин ой бўларди хилол.
Юришдан чарчамас фалак сингари,
Ортида тоғу дашт, босар илгари.
Водий аро селдек кетарди овоз,
Тоғлар чўққисиди мисли гирибод.
Иўлини кўриш учун ҳар жойда яна,
Икки тоvonингни қилдинг ойна.
Кетардинг ҳар қайси диёрга томон,
Ҳар кун тўянганга миниб шитобон.
Кезиб ўтганинда ҳар қабилаи,
Узинг учун излаб бир жамилани.
Ҳар кун шу хилда кезарди такрор,
Бир қабила бўлди йўлига дучор.
Ҳар тараф завқ ила қараган чокда,
Бир гўзал маконни кўрди узокда.
Гўзаллар юлдуздек жам, ҳалқа урган,
Урғалида эса бир ой ўлтирган.
Бир ой? Наки, равшан у бир офтоб,
Ҳар дилга тушгандир нундан печутоб.
Улар томон бориб айлади салом,
Ул моҳдан сўради нишоану ном.



Дедилар: «Карима аталур номки,
Аслу насабда эрур киромий».
Ижозатлар сўраб юрди у томон,
Туясин чўқтирди олдида шу он.
Туясин тушовлаб ўтирди бир йўл,
Адаб билан қўйиб тизасига қўл.
Ўғринча у томон назар айлади,
Жонига бу боқиш асар айлади.
Ширинсуханликдан қиз кулиб-кулиб,
У билан сўзлашди қарашма қилиб.
Лабдан сўзлаганда шакар тўкарди,
Ақиқи таридан гавҳар тўкарди.
У ҳам шодлик ила жавоб беради,
Лаби соғаридан шароб беради.
Қайс унинг сўзига пайваст бўларди,
Шароб ичмай туриб сармаст бўларди.
Икки бодапаймо жомидан бу дам,
Бир-икки томчиси кетиб, бўлди кам.
Улар шу ҳолатда эди бир замон,
Узоқдан бир йигит бўлди намобён.
Зиндалик боғининг сарви расоси,
Аргувондек қизил кийган либоси.
Йўрга бия миниб олган сувори,
Юлдуздек дуррахшон эди рўхсори.
Бехосдан қиз унга қулоқ ёзиб бот,
Деди: «Қадамингга бўлсин ҳасанот!»
Оёқларда титраг нағмадан халхол,
Мутриб қўлидаги кўнғирлик мисол.
Қайс улар ҳолини кўрганда чунон,
Ўрнидан кўзгади бўлиб паришон.
Бияси жиловин қўлига олди.
Ул парихурсорлар орқада қолди.
Улар кетганини кўриб қолдилар,
Изидан югуриб фиғон солдилар.
Эй Қайс, айламагин бунчалар шитоб,
Қайтган бизларга кўп қилмасдан итоб.
Сенсиз биз ҳажрингда қолурмиз куйиб,
Ўтиргил юзингни кўрайлик тўйиб.
Агар суҳбатланса киши бир замон,
Дўстлик бошланади шундан бегумон.
Диядиги вафодан беэиб бўлмайти,
Унинг бош ристасин кесиб бўлмайти.
Иўлидан ҳар қанча супуриб губор,
Унга ширин сўзлар айтишди юз бор.
Оташларидан ҳеч чиқмади тутун,
Айтганлари фойда бермади бутун.
Биясига миниб улардан буткул,
Юз ўғириб кетди, қўшиқ айтиб ул.
Бевафо ёр бўлса эй дил кеча қол,
Фироқ бурчагидан бориб ўрин ол.
Икки юзли бўлса гул каби ҳар кас,
Вафо бўйи унда бўлмагайдир, бас!
Уларни нетайин, ётайин қандок,
Этагимга тоғдек босишса қонқ?!



Жаҳон нигоҳида

Шу йил ўнинчи сентябрдан бошлаб бутун жаҳон спорт жамоатчилиги ва шахмат ишқи-бозлари диққат-эътибори Москвадаги Союзлар уйининг колонна залига қаратилди. Маълумки, бу ерда шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан тождорликка даъвогар Гарри Каспаров ўртасида чемпионлик матчи ўтказилаяпти. Мазкур матчинг жуда катта қизиқиш уйғотишининг боиси шахмат тождори ҳам, тождорликка даъвогар ҳам шахмат тарихида ёрқин из қолдирадиган йирик шахматчилардир. Уларнинг ҳар бир партияси қизиқарли, ҳаяжонли бўлиши, шубҳасиз.

Шахмат тождори Анатолий Карповнинг таланти, жасорати, қайтарилмас қувваи ҳофизаси ҳаммага равшан. У шахматда янги йўл очган энг кучли шахмат тождорларидан. Машҳур гротмейстерлар ва шахмат шарҳчилари Карповни шахмат меъмори деб баҳолайдилар. Унинг шахмат

ўйини давомида яратган позициялари шундай мустақкамки, худди олиб бўлмайдиган қўрғонни эслатади. Дарҳақиқат, А. Карпов чизган ҳужум жабҳаларини ёриб ўтиш ва ҳимоя қалъаларига ёриб кириш қийин.

Тождорликка даъвогар Гарри Каспаров жуда ёш. У эндигина йигирма бир ёшга кирди. Лекин талант, жасорат ва маҳоратда шахмат тождоридан қолшмайди. Ахир тўққиз ёшида биринчи разрядли шахматчи, ўн ёшида мастерликка номзод, ўн етти ёшида халқаро гротмейстер бўлган у! Унинг шахматдаги йўли Анатолий Карповдан бутунлай бошқача. Гарри Каспаровни мутахассислар чинакам шахмат композитори деб ҳисоблайдилар. Бунда ҳам жон бор. Унинг ҳар бир партияси гўё оҳанглар уйғунлигини юзага келтирган ажойиб музыка асаридек хотирада сақланиб қолади. Ҳар бир юриши бетакрор оҳангдек томошабинни ҳаяжонга солади, тўлқинлантиради. Айни чоғда бу оҳанг рақибини сеҳрлаб, таълим этишга мажбур қилади.

Бу икки улкан шахматчи ўртасида ўтаётган матчининг катта қизиқиш уйғотишининг сабаби ҳам шунда.

Анатолий Карпов билан Гарри Каспаров матчи бошланишидаёқ ўзларининг қизиқарли ўйинларини намойиш этидилар. Дастлабки икки ўйин дуранг натижа билан якунланса-да, ҳар иккала шахматчининг жуда катта тайёргарлик кўрганликларини, бир-бирларининг ижодий имконият-

ларини чуқур ўрганганликларини кўрсатди. Айниқса, иккинчи партия шахмат тарихида доимий ўрганилса арзийдиган партиялардан бири бўлиб қолади. Оқ доналар билан Каспаров ўйнади. Бу партия икки кун давом этди. Айрим юришларда даъвогар тождорни қийин аҳволга солиб, ярим соатлаб ўйлашга мажбур этса, айрим юришларда тождор ўз устуналигини, тажрибага бойлигини даъвогарга сездириб қўйди. Натижада даъвогар иккинчи партиядан кейин тайм-аут олди. Албатта, бу билан шахмат тождорининг ўйинларини яна бир бор таҳлил қилиб, шунга қарши тайёргарлик кўришни ният қилган. Лекин учинчи партияда тождор даъвогарнинг омади юришмади. Жаҳон чемпиони галаба қозонди.

Қуйида мазкур партияни келтирамиз.

А. КАРПОВ — Г. КАСПАРОВ

1. e4(0) e5 (0) 2. Kf3 (0) e6 (0)
3. d4 (0) cd (0) 4. K:d4 (0) Kc6 (0)
5. Kb5 (0) b6 (0) 6. e4 (0) Kf6 (0)
7. Kfс3 (0) a6 (0) 8. Ka3 (0) Ce7 (0)
9. Ce2 (0) 0—0 (0) 10. 0—0 (0)
11. Ce3 (0) Cb7 (0)
12. Fb3 (15) Ka5 (0) 13. F:b6 (6)
- 15: e4 (2) 14. K:e4 (6) C:e4 (0)
15. F:d8 (9) C:d8 (0) 16. J:a1 (4)
- d5 (47) 17. f3 (3) Cf5 (1) 18. cd (2)
- ed (0) 19. J:d5 (0) Ce6 (14)
20. Jd6 (6) C:a2 (7) 21. J:a6 (4)
- Lb8 (7) 22. Cc5 (6) Le8 (3)
23. Cb5 (0) Le6 (1) 24. b4
- (23) Kb7 (17) 25. Cf2 (2) Ce7 (8)

26. Kc2 (7) Cd5 (0) 27. Jd1 (22) Cb3 (1) 28. Jd7 (3) Ld8 (19) 29. J:e6 (7) J:d7 (0) 30. Le1 (1) Jc7 (1) 31. Cb6 (5). Оқлар енгни.

Ун партия давомида А. Карпов тўрт ютукни қўлга киритди. Қайси бир гротмейстер олти марта галаба қозонса, шахмат қироллигини эгаллаган ҳисобланади. Дуранг партияларнинг ҳеч бири ҳисобга олинмайди.

Хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионлиги бу жиҳатдан маълум даражада фарқ қилади. Волгоградда ўтказилаётган жаҳон хотин-қизлари ўртасида шахмат маликаси М. Чибурданидзе билан даъвогар И. Левитина мусобақасида, яъни чемпионлик матчида ҳар бир партия ҳисобга киритилди. Дуранг натижа билан тугаган партиялардан ярим очкодан бўлишиб олдилар. Улар иккаласи ҳаммаси бўлиб 14 партия ўйнади. Агар 16 партиядан И. Левитина 8,5 очко тўплай олсагина жаҳон чемпионлигига эришарди. Бордию, 8:8 — дуранг натижа ву-жудга келиб қолса ҳам анъанага кўра чемпион ғолиб деб ҳисобланар эди. Бироқ М. Чибурданидзе кераклик очкони тўплаб, учинчи марта жаҳон чемпиони бўлди.

Кўриниб турибдики, ҳар иккала чемпионлик матчида ҳам фақат совет шахматчилари мана шу юксак шахмат тождорлигини унвони учун кураш олиб бориш-япти. Бу совет шахмат мактаби нуфузи ва қудратини кўрсатади.

М. ЭРГАШЕВ

Агар мендан камроқ кўринса иқбол, Қўшиқлар айтишар, оёқда халқол. Асрасин, губорга айлансан агар, Бу юрт шамолида тўзғиб саросар. Агар гавҳар ёғар булут бўлсан ҳам, Бу диёрга сочман бир қатра шабнам! Бу хил суҳбатлардан хушидор сукунат, Энди ҳеч кимсани эсламай фақат!

* * *

Шундоқ қайтганида Қайс чекиб ғам, Қабила шамъидан кўнглида алам. Қоронғи тунига изларди чароқ, Ва лоллаюзлардан айларди сўроқ. Ҳар қишлоқдан агар келса бир инсон, Дардингга излардинг сен ундан дармон. Гўзаллар ахлидан не хабаринг бор, Сўзла бу қиссадан не асаринг бор? Унинг диёрига етганда бари, Шайдолик майлини кўрди аксари. Дедиларки, фалон қабилада бор, Хур каби бир гўзал, ой юзли нигор. Элатида номи аталур Лайли, Ҳар томоннинг унга тушгандир майли. Юзи гўзаллиги эрур бемисол, Қандайлигин бориб ўзинг кўра қол. Қулоқдан кўз ишин кутмагин зинҳор, Тинглашдан кўрмоқнинг катта фарқи бор.

Қайс турди эшитиб бу қиссани бот, Бошқа либосини кийди шу захот. Ички шавқи билан чиқарди фиғон, Йўрға биасига минди у чаққон. Қистаб ҳайдар эди ёр орзуйига, Боши фидо бўлсин Лайли кўйига. Лайли одамлари кўрганда дарҳол, Одамийлик ила эди хуш шамол. Эзгуликдан айтиб таҳсини сано, Уйлари тўридан унга бериб жо. Лекин ҳар томонга солса ҳам назар, У ўз мақсадидан кўрмади асар.

Ноумид юраги бўлганида қон, Қаршидан чиқди шунда ногаҳон. Гавҳар тақинчоғу бонги халқоли, Эшитилган чокда ўзгарди ҳоли. Ғамза либосида бир сарви жонон, Тоғлар кақлигидек тазарви равон. Юзи гўзалликда эди бемисол, Қизил ранг сурмасдан ёноқлари ол. Манглайи кумушдан бир лавҳа мисол, Йўқ, йўқ, тўлин ойнинг ярими —

ҳиллол!

Қошлари қасдингга эгилган камон, Дилга ботар ўқдир ул қора мужгон. Бир шахло кўзлик, дегайсан оху, Юзларига тикди кўзларини у! Қип-қизил тош эмас, лаълдор лаби, Маст этар оловранг қизил май каби. Кичкина оғзидан сочади шакар, Асалари учар боғидан магар— Бир гулнинг баргига кўргузиб ҳунар, Ниш уриб ичига тўлдирмиш шакар. Гавҳар қути ичра тишлари чандон, Тонг елидан ғунча мисоли хандон. Лутфидан бир олма кумуш занахдон, Уни кўриб ақл қолади ҳайрон. Унда қора мушқдан бор эди бир хол, Кўринар лутфидан эи дона мисол. Унинг ғабғабики бир қалқача бор, Кумуш олма каби топмаган озор. Бир кумуш олмани қўлига олиб, Бармоқларин унга ҳалқадек солиб. Ҳар сочи зулфидан эди бир каманд, Бир дил оёғига ундан кўйиб банд. Лайли келди шундай бир соҳибжамол, Қайсинг дили бўлди шу фурсат беҳол. Вўлдилар бир-бирин юзи билан шод, Икков борлигига ўт қўйишди бот. Зулфи халқасини ечганида ул, Ҳавасдан қўлини узатарди бул. У гўзал юзидан парда очарди, Бу ақлу сабрини елга сочарди. У заҳарли ўкин беаёв отар, Бу ўлар ҳолатда типирлаб ётар.

У кулиб лабидан шакар тўкарди, Бу йнглаб кўзидан гавҳар тўкарди. Унинг манглайдан теги оқиб хуш, Бунинг дафтаридан ювди ақлу хуш. У етуқ хусни-ла қилганида ноз, Бу эғиб бошини қилар илтимос. Алқисса, бўлдилар шундай баҳравар, Бир-бирига бериб сунт ила шакар. Икки сарви гулранг ғунчадек баҳам, Суҳбат бошладилар қўчишиб маҳкам. Дийдордан баҳравар бўлганида кўз, Иккови бошлади кейин ширин сўз. Бир баҳона топиб ҳар бири шодон, Сўзлашар, йўқ эди хавфу қатогон. На ўтмиш, келажак шарҳи ғами бор, Сўзининг мақсади сўз эди барқарор. Макрингдан гафлатда бўлиб ғамобод, Ҳар ғам тузоғидан эдилар озод. Илло, унинг ғами бошланса шундоқ, Висол кунни ўтиб, тун келгани чок. Дилбаридан йироқ, не ҳолда бўлғай, Бир-бирисиз фирок, не ҳолда бўлғай? Таржимасиз улар ҳар бирин тили, Сўзлар жон тилида уларнинг дили. «Тун ваҳимасидан чекаман фиғон. Ераб, қаро туним бўлсин нурафшон. Қуёш ёруғ куннинг подшоҳи эрур, Зулматни ёритган паноҳи эрур. Жаҳонни ёритсин то рўзи маъшар, Кечалар кундуздек бўлсин мунаввар». Бундай дер эди-ю, валекин осмон, Узининг гардишин ўзгартар қачон! Шарқдан байроғини кўтариб қуёш, Самода айланиб ғарбга кўяр бош. Қайсеу Лайли ночор ажраб шу онда, Ҳар неки кўришса, кўрди хижронда. У ўз биасини йўлига солди, Бу пойишिकाста ватаида қолди.

Тожиқ тилидан Олимжон БҮРИЕВ таржимаси



Темур НОРОВ

ҲАСАД

Боксёрлар юзма-юз олишар қақат, Мард бўлсанг майдонга чиқ, деган эл ҳам. Шундагина аён бўлар ҳақиқат, Ҳар хил фиску-фасод топади барҳам.

Юзма-юз келишгин мард бўлсанг агар, Орқадан мушт туғиш — номардлар иши. Йўлимда учраркан ифвогар, билки Баъзан кўпаяди одам ташвиши.

* * *

Кезар экан Ибн Сино боғда субҳидам, Дуч келибди рўпарадан унга бир одам.

— Ҳаким, — депти, — беш юз йилча яшайди чинор.

Бизлар шунча яшамаймиз, — бунда не сир бор?!
— Инсон минг йил умр кўрарди бардам ва бедард Кемирмаса ич-ичини гараз ва ҳасад!

ЧИҚАР ЧУВИ

Харид қилсак магазиндан сўмлаб урар сизу биздан, Сўрамаймиз қайтимини — барча гуноҳ ўзимиздан.

Индамаймиз «юлғич»га биз, ёзилмаган нархи-наво Истаганини қўйиб сотар адаштириб кўзимиздан.

Девдай эркак магазинда, тоғни талқон қилгудек у, Савлатига тик қаролмай адашамиз сўзимиздан.

Безбетлар бор кўзи тўймас, нафси ўпқон, тўйдими йўқ, Тинч ётолмас уролмаса ҳар кун нону тузимиздан.

Қачонгача текинхўрлар меҳнат қилмай юлар нукул Виз-чи, қараб туражакмиз мажол кетиб тизимиздан?

Қинғир ишнинг чиқар чуви, дўстим, қирқ кун ўтмасданоқ Уларга биз кулиб боқсак юз қолмайди юзимиздан.

Бу ҳаётда тўғри йўлдан виждони бор адашмас ҳеч, Биз адашсак, не кутамиз эрта ўғил-қизимиздан.

Нарий район.

Жўшқин ДАВУРОВ

ХАНДАЛАР

* * *

Чакки ўтган жойни тузатиб тушаётган устадан сўради:

— Чакки ўтмайдиған бўлди-ми?

— Емғир ёғмаса, албатта ўтмайди, — деб жавоб берди уста.

* * *

Беморни укол қилиб чиқиб кетган доктор уйга қайтиб кириб сўради:

— Кечирасиз, баданингизда игна қолиб кетмадими?

— Билмадим, елкам ачишаётгандай бўлапти.

Доктор беморнинг елкасидан игнани суғуриб оларкан, деди:

— Қайириб қўймаганингиз учун раҳмат!

Йўлдошали МАДҒОЗИЕВ

Ҳотам ақанинг кучуги тонг ёришаётганда тўсатдан вовуллаб кўшнилари уйғотиб юборди.

— Ақилламай ўл! — деди кўзларини уқалаб ўрнидан турган Мамарайим. Кейин ошхонада куйманиб юрган хотинини чақирди.

Қизларой югуриб ётоқхонага кирди.

— Лаббай, дадаси?

— Ҳой, бу, Ҳотамнинг итими ақиллаётган? Овозини ўчириб бўлармикин? Уйқумни чала қилди-я.

— Ҳотам ака дердингиз, энди Ҳотам бўлиб қолдими кўшнингиз, дадаси? Бизнинг хўрозлар қичқиргандан кейин итлар жим ётармиди.

— Сен ҳам унинг тарафини оласан.

— Кимнинг?

— Итни-да. Жағи тинмаганини қара. Хе кучук бўлмай ўлсин, на кундузи, на кечаси тинади бунинг овози.

— Нима, энди эшитяпсизми, бу итнинг овозини, дадаси. Ҳар кун шу эди-ку. Илгари Ҳотам ақанинг Йўлбарсини зап ит-да, деб мақтардингиз-ку. Товуқларим бўлмаганда шу Йўлбарс зотидан бир ит сақлаган бўлардим, деб юрардингиз.

— А, у гап-да. Буни қара, жағи тинмаганини қара, ит ҳам эгасига ўхшар экан.

— Эгасига нима бўпти, дадаси?

— Ҳали хабаринг йўқми?

— Йўқ.

— Ҳозир айтаман, аввал унинг жағини тиндириб келай.

Мамарайим ўрнидан туриб, елкасига чопонини ташлаб, ҳовлига чиқди.

— Ҳой, кўшни! Ким бор?

Йўлбарс қаттиқ вовуллади, кейин: «Вир гап борга ўхшайди», дегандай думини ликиллатиб, ёнбошига чўккалаб, гингший бошлади.

— Ҳой кўшни, ким бор?

Кўшнингнинг ташқари эшиги гирчиллаб очилиб, калишларини оёқлари учига илганича шошапиша Ҳотам ака чиқди.

— Салом, тинчликми, кўшни?

— Тинчлик бўлса, эрталабдан сизни безовта қилармидим, — икки қулогини диққайтириб ўзига қараб турган Йўлбарсга кўрсаткич бармоғи билан ўқталиб гапда давом этди Мамарайим. — Бунинг жағи қачон тинар экан? На кундузи тинчлик беради, на кечаси. Шу ердан кўчиб кетсам қутуламанми, жонга тегди-ку!

— Ҳа, энди, ит-да, кўшни, шарпа-парпани кўрса вовуллайди.

— Бунингиз бўлар бўлмасга ҳам вовуллайди. Уйингиздаги кўнгилисиз воқеага гўё биз айбдордай ақиллайверарди.

— Қанақа кўнгилисиз воқеа?

— Эшитдик. Қулогимиз қар эмас.

Табуретканинг оёқлари ерга ботиб кетди, тахтадевор устидан Мамарайимнинг гавдаси бирдан ғойиб бўлди. Ҳотам ака елкасини қисганича ичкарига кириб кетди.

Мамарайим гўнгиллаб уйига кирди. У хотинига «қойил қилдимми» деган маънода қаради. Қизларой «чакки қилдингиз» қабилда бош силкитди, кейин чала қолган гап эсига тушиб:

— Хўш, кўшнингизга нима бўпти? — деди.

— Кўшнингими? У ишдан қайдалди, кеча ўғлимизнинг квартираси масаласида уй-жой бошқармасига борсам: «Ҳотам ака бизда ишламайдилар, кетдилар» дейишди. Ҳали хабаринг йўқми, хотин?

— Хабарим бор. У кишининг уй-жой бошқармасидан кетгани рост. Катта бўлиб кетибдилар ижрокўмга.


— Нима?

— Э ҳовлиқмай ўлинг.

— Олдинроқ айтсанг ўларминг, мен нима қилиб қўйдим?

Шу пайт Йўлбарс яна вовуллади. Мамарайим яна девор тахта устига чиққуси ва Йўлбарсга қараб: «Вовуллайвер, Йўлбарс-жон», дейишга сал қолди. Лекин: «Кўшни овозимни эшитармикин?» деб ўйлай кетди.

Тургун ЖАМОЛОВ



— Шахаримизнинг диққатга сазовор обидаларидан яна бири — мана шу ёнғоқ дарахтидир...



— Бу ёнғоқни кесишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Уни бобокалоним эккан, ундан ҳалигача етти маҳалла баҳраманд бўлиб келади...

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган



Сальвадор. Фарабунда Марти номидаги Миллий Мудофиа Фронти партизан отрядларидан биридаги жангчи киз.

АП — ТАСС телефотоси

Инсон ва табиат

ТОГОЛЧА

Табиат инсон учун турфа хил неъматларни яратган. Шулардан бири тоголчадир. Тоголча атиргулчилар оиласига оид бўлиб, ёввойи ҳолда ўсади. Меваси июль-август ойларида етилиб пишади. Унинг меваси инсон организмнинг фаолиятини оширади, қон ҳаракатини яхшилайдди. Дори-дармонлиги билан томирлар, тана, томоқ, ичак, жигар, буйрак ва ошқозон учун фойдалидир.

Тоголчанинг мевасида органик кислоталар 16 процентни ташкил этади, таркибида С, А, В, Р витаминлари бор. Яна унда микроэлементлар, турли ҳаётбахш моддалар ҳам мавжуд. Булар табиатнинг эҳсони ҳисобланиб, инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Тоголчанинг турли навлари кўпинча сариқ, таргил, қора тусда бўлиб, кетма-кет етилиб пишади. Таъми хушбўй, нордон, кўнгил очар. Ҳар тури ўртача 25—30

килограммдан ҳосил беради. Тоголча асосан Тянь-Шань, Помир, Олой, Копеттоғ тизма тоғларида кўп ўсади. Афсуски, шундай фойдали хўл мева нимагадир вақтида йиғиб олинмайди, кўпинча унинг бир қисми нобуд бўлади. Уни йиғиб олиб, истеъмол қилиш кони фойда-ку?! Тошкент атрофидаги Чотқол, Қурама, Угам, Песком ҳамда Ҳисор ва Зарафшон тоғларида ҳам кўплаб тоголча ўсади.

Одатда, тоголча уруғидан униб чиқади ва 3—4 йилда ҳосилга киради. Яна шуниси борки, тоголча экилган жойларда тоғларнинг эрозиялардан муҳофазаланиши ортади.

Хушбўр ва шифобахш тоголчани кўпайтириш тегишли ўрмон хўжаликлари зиммасига юклатилса, аини мудоао бўларди.

Маннон ТҮЙЧИЕВ

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Зухриддин Исломишов. Солдат отпус-кага келди.

Учинчи бет: Тошкентдаги 159-қурилиш трестининг Ҳикматулла Раҳматуллаев бошлиқ бригадаси аъзолари.

В. Молгачёв фотоси

Қишлоқ хўжалиги авиацияси учувчилари Гагарин районидаги «Правда» совхози шолikorларига яқиндан ёрдам бердилар. Суратда: экипаж командири Парда Сиддиқов, иккинчи пилот Анвар Нуриддинов, совхоз бош агрономи Пиримкул Рустамов ва экипаж командири Георгий Туров.


И. Хўжаев фотоси
(ЎзТАГ)

Тўртинчи бет: Она-юрт манзаралари.

А. Жданов ва Н. Шарипов фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларга қайтарилмайдди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилади шарт.



КРОССВОРД

Энига: 1. А. Чехов пьесаси. 4. Иттифокдор республика. 9. А. Чаковский асары. 10. Комюот жэмий. 13. Ҳайвонот дуйёсийи ўрганувчи фан. 15. Фквийаданинг товушлар ҳақидаги бўлими. 16. Музика асбобини чалиш жосламаси. 17. Кинёвий элементнинг кислород билан бирикшидан ҳосил бўлган модда. 18. Егингарччилик. 19. Инерт газ. 21. Суз таксимловчи. 28. Кўён ботайтган пайт. 29. Адабий жанр. 32. Ўзбек халқ мақоли. 33. Хушбўр ичимлик. 34. Каштачиликда гул тикши усули. 35. Андижон областидаги район. 37. Шарафли касб. 39. Бошоқли экиллардан бири. 40. Йил ойларида бирининг номи. 41. Спорт ўйини. 42. Олотой ўлкаси маркази.

Бўйига: 2. Улкан илон. 3. Узумнинг эртапшир нави. 5. Чоқкир ҳайвон. 6. Самарқанд яқинидаги қадимий шаҳар харобаси. 7. Ўзбек халқ достони. 8. Сувда яшовчи жонивор. 11. Сурхондарё областидаги шаҳар. 12. Овга ўргатиладиган йирткич қуш. 14. Чўл гиёҳи. 15. Серуруғ хўл мева. 20. Винонинг олд томонидаги кўрмак қисми. 22. Музика санъати тури. 23. Жанубий Америкадаги давлат пойтахти. 24. Ю. Бондарев романи. 25. Қўйма деталга шакл бериш жосламаси. 26. Поэтик жанр. 27. Уймакор наққош, Ўзбекистон ССР халқ рассоми. 28. Баъзи металлари ўзига тортиш хусусиятига ога бўлган жисм. 30. Куздори сифатида ишлатилдиган модда. 31. Ҳаво босимини ўлчаш асбоби. 36. Парранда. 38. Ассейи қон томшири.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

9-СОНДА ВОСИЛГАН «КЛАССИК АДАБИЁТ» ЦИКЛОКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Дехлавий. 2. Фарход. 3. «Гулистон». 4. Ҳазал. 5. Хоразмий. 6. Хаттот. 7. «Тўтинома». 8. Луғавий. 9. Қасида. 10. Зарина. 11. Муаммо. 12. Гулханий. 13. Махмур. 14. «Навбахор». 15. Бедил. 16. Автандил. 17. Латифа. 18. Муҳаммас. 19. Девон. 20. Оғакш. 21. Нодира. 22. «Хамса». 23. «Зевархон». 24. Наврўа. 25. «Бозиргон». 26. Мирш. 27. Мажлисий. 28. Камина. 29. Муболага. 30. Дебоча. 31. Гадоий. 32. Жамшид. 33. Рубоий. 34. «Хусну Дил». 35. Каллила. 36. Мустаъод. 37. «Манас». 38. Шоҳсанам. 39. Мадҳия. 40. Хондамир.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Баҳодир АМИНОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Махмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳақим ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.


«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке)

Адресимиз: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 18.09.84 й. Босишга руҳсат этилди 30.10.84 й. Р — 20150. Қороз 70 × 108³/₈. Вотив усулда босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5.6. Нашр хисоботи 7.80. Тиражи 233410. Буюртма № 4574. Нашр В-117

Ўзбекистон Компартисини Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Вайроқ ордени билан боғланган. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.





ISSN 0134—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.

